

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ*

**БИОЛОГИК  
ХИЛМА-ХИЛИКНИ  
САҚЛАШ**

**МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯ ВА ҲАРАКАТ РЕЖАСИ**

**Тошкент**

**1998**



**Ўзбекистан Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг Раиси  
Жаноб Ислом Абдуганиевич Каримов  
томонидан  
1998 йил 1 Апрель 139-сон  
Қарор билан маъқулланган**

**NB.**

Биохилма-хилликни саклаш буйича Миллий Стратегия ва ) (Аракат Режасининг,  
Ўзбекистан Хукуматига таълим этилган ва маъқулланган Рус тилидаги нусхаси  
асл нусха ҳисобланади. Шунинг учун Рус тилидаги матн 139-сон Қарор  
қўлланиладиган ягона матн : ҳисобланади. Ўзбек тилидаги нусха ушбу  
ҳужжатнинг таржимаси ҳисобланиб, маъно ва мазмун жиҳатдан иккиламчи  
даражадаги фарқларга эга бўлиши мумкин.

**Мазкур ҳужжат лойиҳага рат<sup>^</sup>барлик 1<sup>^</sup>илувчи қўмита томонидан Глобал экологик жамғармасининг (ГЭЖ) молиявий қўмаги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш Дастурининг (БМТРД) техник ёрдами асосида тайёрланди**

Лойиҳага раҳбарлик 1<sup>^</sup>илувчи қўмита:

- А. Ҳабибуллаев** Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси Раиси,  
Қўмита Раиси
- Б. Тошмуҳамедов** Ўзбекистан Республикаси Фанлар Академияси биология фанлари  
бўлимаси Раиси
- А.Жўраев** Макроиқтисодиёт ва статистика Вазирининг Уринбосари
- В.Антонов** Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги "Сувлойиҳа" бярлашмаси бош  
Директори
- М.Су. ытонов** Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирининг Биринчи Уринбосари
- А.Хоназаров** Давлат Урмон Қўмитасининг Раиси
- Р.Қурбонов** "Ўзбекбалиц" корпорацияси Раисининг Ўринбосари
- О.Ашурметов** Фанлар Академияси Ботаника институти Директори
- Н.Кар<sup>^</sup> игаев** Ўзбекистан овчилар ва балиқчилар уюшмаси, ноҳукумат  
ташкilotларининг вакили
- М.Энсти** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш Дастурининг биологик  
хилма-хиллик масала.лари бўйича маслаҳатчиси

Лойиҳани ипъаб чиқувчи гуруҳ:

- Д.Азимов** Лойиҳани мувофицлаштирувчи, Зоология институти директори, Фанлар  
Академиясининг мухбир-аъзоси
- Н.Қосимова** Лойиҳани мувофицлаштирувчининг ёрдамчиси
- Ишчи гуруҳ раҳбарлари**
- А. Отажонов** Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси,  
Давл а тбионазора ти
- А.Филатов** Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси,  
Давл а тбионазора ти
- Т. Ибрагимов** Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги
- Б. АбдуНазаров** Фанлар Академияси Зоология институти
- У.Бозоров** Ташкент Давлат Юридик институти

Халқаро муваққат маслаҳатчилар - **М.Энсти** ва **К.Гэррат**

Лойи<sup>^</sup>ани тайёрлаш гуруҳи биологик хилма-хиллик буйича стратегия ва ҳаракат режасини яратишда уз таклиф-мулоҳазалари билан j<sup>^</sup>нсса 1<sup>^</sup>шган барча шахсларга, айни1<sup>^</sup>са, ноҳукумат ташкilotлар вакиллари ва минта<sup>^</sup>авий консультатив семинар иштирокчиларига самимий миннатдорчилик изҳор этади.

## МУНДАРИЖА

ҚИСҚАЧА ИЗОҲ.....	1
<b>1. ҚИСМ. БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИКНИ САҚЛАШ МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ВА АСОСЛАРИ.....</b>	<b>3</b>
Кириш.....	3
1. Биологик хилма-хиллик нима?.....	3
2. Ўзбекистон ва умум жаҳон учун биохилма-хилликнинг муҳимлиги.....	3
3. Ўзбекистон ва биохилма-хиллик ҳақидаги Конвенция.....	4
4. Биохилма-хиллик бўйича миллий стратегия ва ҳаракат режаси.....	5
5. Биохилма-хилликни сақлаш стратегияси ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган бошқа жараёнлар ва тадбирлар ўртасидаги муносабат.....	6
ГЕОГРАФИК ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР.....	10
Кириш.....	10
1. Таъриф.....	10
2. Иқтисодий омиллар.....	12
3. Аҳоли.....	16
4. Атроф-муҳит соҳасидаги сиёсат ва бошқарув.....	16
ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА СУВ МАНБАЛАРИ.....	17
Кириш.....	17
1. Ўзбекистонда ердаи фойдаланиш шарҳи.....	17
2. Қишлоқ хўжалиги.....	21
3. Урмон хўжалиги.....	22
4. Сув манбалари.....	23
ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИОХИАМА-ХИЛЛИГИ.....	28
1. Ўзбекистон биогеографияси, экотизимлари ва ҳавзалари.....	28
2. Текисликларнинг чўл экотизимлари.....	28
3. Тоғ даштлари.....	31
4. Дарё ва қирғоқбўйи экотизимлари.....	31
5. Ички сув-ботқоқлик (намланган ҳудудлар) экотизимлари.....	32
6. Тоғ экотизимлари.....	33
7. Турлар бойлиги ва эндемизм (хослиги).....	36
8. Биохилма-хилликка бўлган хавфлар.....	37
9. Агробиохилма хиллик.....	39
Ю. Ўзбекистонда биохилма-хилликнинг замонавий хўжалик ўрни ва ундан олинadиган фойда.....	40
БИОХИЛМА-ХИЛЛИКНИ САҚЛАШ ВА БАРҚАРОР ФОЙДАЛАНИШНИНГ МАВЖУД ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ.....	47
1. Ривожланиш тарихи.....	47
2. Қонунчилик асослари.....	47
3. Биохилма хилликни сақлашни бошқарувчи институтлар.....	49
4. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар мавжуд тизими.....	51
5. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва уларни бошқариш муаммолари.....	60
6. Биохилма-хилликни муҳофаза қилиш бўйича қўлланилаётган чора-тадбирлар.....	61
7. Маориф, мутахассислар тайёрлаш ва жамоатчилик иштироки.....	65
<b>2. ҚИСМ. БИОХИЛМА-ХИЛЛИКНИ САҚЛАШНИНГ МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ.....</b>	<b>69</b>
ТАҲАИЛ.....	69
1. Умумий сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг таҳлили.....	69
2. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимининг таҳлили.....	69
3. Жамиятнинг хабардорлиги, таълим, жамоатчилик ва маҳаллий аҳолининг иштироки шакллари таҳлили.....	71
4. Барқарор фойдаланиш муаммолари таҳлили.....	71
СТРАТЕГИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	72
1. Муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тизими.....	72

2. <i>Жамоатчиликнинг хабардорлиги ва иштироки, таълим</i> .....	73
3. <i>Барқарор фойдаланиш</i> .....	73
4. <i>Устивор стратегик йўналишларни белгилаш</i> .....	74
СТРАТЕГИЯМИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ИШЛАШ ДАВРИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ.....	Z5
1. <i>Стратегияни қабул қилиш</i> .....	75
2. <i>Ишлаш даври</i> .....	75
3. <i>Амалга ошириш</i> .....	75
4. <i>Амалга ошириш учун масъуллик</i> .....	75
СТРАТЕГИЯНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ.....	75
/ <i>Мақсад</i> .....	^
2. <i>Вазифалар</i> .....	76

### **3. ҚИСМ. БИОХИЛМА-ХИЛЛИКНИ САҚЛАШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ҲАРАКАТ РЕЖАСИ.....79**

ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМА, ВАКОЛАТ ВА МАСЪУЛИЯТНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ, БАҲАРИШНИНГ УМУМИЙ МУДДАТЛАРИ.....79

ҲАРАКАТ РЕЖАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА МАСЪУЛ БЎЛГАН ТАШКИЛОТЛАР.....79

*Биохилма-хиллик бўйича Миллий Комиссия (БХМК)*..... 79

*Ҳаракат Режаси бўйича ишларни мувофиқлаштирувчи гуруҳ (ХРМТ)*..... 79

*Ҳаракат Режаси доирасида ишларни бошлаш бўйича (1998 йил январь) ташкилий чора-тадбирлар*..... ^^

ҲАРАКАТ РЕЖАСИ: МАҚСАДЛАР. ХАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ ВА НАТИЖАЛАР.....81

1. АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР ТИЗИМИ.....	82
1.1 <i>Институционал ва қонунчилик шарт-шароитлари</i> .....	82
1.2 <i>Айлоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни қайта таъкил этиш ва кенгайтириш</i> .....	
1.3 <i>Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни бошқариш</i> .....	86
1.4 <i>Биохилма-хиллик бўйича миллий ахборот тизими</i> .....	87
1.5 <i>еХ’эИшнинг алоҳида кўнайитириш ва муҳофаза қилиш</i> .....	87
2. ЖАМИЯТНИНГ ХАБАРДОРЛИГИ, ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ИШТИРОКИ ВА ТАЪЛИМ.....	88
2.1 <i>Қарорлар қабул қилиш учун масъул бўлган шахсларнинг хабардорлик даражасини ошириш ва маълумот асосини мустаҳкамлаш</i> .....	88
2.2 <i>Жамиятнинг хабардорлик даражасини ошириш</i> .....	89
2.3 <i>Таълим</i> .....	
2.4 <i>Аҳолининг иштироки</i> .....	92
3. БИОХИЛМА-ХИЛЛИК ЗАҲИРАЛАРИДАН БАҲАРИШ ФОЙДАЛАНИШ.....	93
3.1 <i>Иқтисодий мақсадларда баҳардор фойдаланиш</i> .....	93
3.2 <i>Илмий-тадқиқот ва таълим мақсадларида фойдаланиш</i> .....	95
3.3 <i>Биохилма-хилликдан маданий ва рекреацион мақсадларда фойдаланиш</i> .....	96
4. БИОХИЛМА-ХИЛЛИК БЎЙИЧА МАХАЛЛИЙ РЕЖАЛАР.....	98
5. БИОХИЛМА-ХИЛЛИК БЎЙИЧА ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР ВА ЁРДАМНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ.....	98

НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИГАН ВА ПИЛОТ ЛОЙИХАЛАРИ.....99

### **ИЛОВАЛАР.....101**

ҲАРАКАТ РЕЖАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҚИСҚАЧА УМУМИЙ ТАСВУРИ (1998 ЙИЛДАН 2002 ЙИЛГАЧА).....101

ГЕОГРАФИК ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРКИБ.....106

*Орол денгизи инцирозининг қисқача таърифи*.....108

ЎЗБЕКИСТОН БИОХИЛМА-ХИЛЛИГИ.....	109
Ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвон турлари (турдошлари) рўйхати.....	114
Алоҳида муҳофаза қилинадиган ва махсус тартиб асосида фойдаланиладиган ҳайвонлар турларининг рўйхати.....	119
Ўзбекистон Қизил Китобидаги умуртқасиз ҳайвонлар турларининг рўйхати.....	120
Ўзбекистон фаунасининг судралиб юрвчи эндемик умуртқали ҳайвонлари.....	122
БИОХИЛМА-ХИЛЛИКНИ САҚЛАШ ВА БАРҚАРОР ФОЙДААНИШНИНГ МАВЖУД ШАРОИТЛАРИ.....	126
Ўзбекистон биохилма-хиллигини сақлаш миллий стратегия ва ҳаракат режасини тайёрлашда қатнашган мутахассислар РЎЙХАТИ.....	133

**Расмлар:**

1. Расм. Шаҳар ва кишлок аҳолисининг ўзаро нисбати ва унинг ёш бўйича тақсимланиши.....	18
2. Расм. Ўзбекистонда пестицидларнинг қўлланиши.....	22
3. Расм. Меҳнаткашларнинг таълим даражаси.....	63
4. Расм. Ўрта умумий таълим мактабларида биохилма-хилликка тегишли фанларни ўқитиш.....	63

**Ҳариталар:**

1. Ўзбекистоннинг гео-сиёсий харитаси.....	9
2. Иқлим кўрсаткичлари.....	11
3. Аҳоли сони.....	18
4. Ўзбекистонда ердан фойдаланиш даражалари.....	23
5. Ўзбекистонда экологик ўзгаришларнинг асосий даражалари.....	26
6. Ўзбекистон экотизимларининг асосий даражалари.....	27
7. Ўзбекистоннинг муҳофаза қилинадиган ҳудудлари.....	33

**ЖАДВАЛЛАР РЎЙХАТИ**

1. Жадвал. Ўзбекистон ҳақида асосий маълумотлар.....	12
2. Жадвал. Иқтисодий кўрсаткичлар.....	13
3. Жадвал. Аҳоли зичлиги ва кишлов; аҳолисининг ҳудудлар бўйича фозий тақсимланиши (1994 йил);.....	18
4. Жадвал. Ердан фойдаланиш даражалари ва уларнинг биохилма-хиллик нуқтаи назардан аҳамияти тўғрисида маълумот.....	19
5. Жадвал. Пестицидлар ва дефолиантларни [^ллашнинг меъёри (1990-1993 йиллар).....	20
6. Жадвал. Мулкчиликнинг турли даражалари бўйича чорва моллари.....	20
I. Жадвал. Ўрмон қатлами.....	21
8. Жадвал. Амударё ва Сирдарёнинг дарё сув ҳажмини узок муддатли баҳолаш.....	24
9. Жадвал. Балиқ тайёрлаш ҳажми.....	25
10. Жадвал. Биохилма - хилликнинг асосий типлари турлар бойлиги.....	35
II. Жадвал. Бўғимоёқлилар асосий таксономик гуруҳининг турлар хилма-хиллиги.....	36
12. Жадвал. Умуртқа^и ҳайвонларнинг тур хилма-хи. \лигининг қиёсий баҳоланиши.....	36
13. Жадвал. Ўзбекистондаги судралиб юрвчи умуртқали ҳайвонлар эндемизмининг даражаси.....	37
14. Жадвал. Умуртқа. \и ҳайвонлар турларининг экотизимлар бўйича тақсимоти.....	37
15. Жадвал. Ўзбекистоннинг асосий табиий-худудий мажмуаси флорасининг биохилма-хиллиги.....	38
16. Жадвал. Ўзбекистоннинг ноёб ва йўқолиб кетаётган ҳайвонлари турлари сони.....	39
17. Жадвал. Давлат Ўрмон қўмитаси томонидан (1993-1996) тайёрланган ёғоч-тахталар.....	40
18. Жадвал. Ўзбекистонда 1996 йи. \да тайёрланган дори-дармон ва озиқ-овқат хом-ашёси ва 1997 йил учун белгиланган режа.....	41
19. Жадвал. Еввойи ҳайвонларни овлаш режаси.....	42
20. Жадвал. Саноат балиқчилиги режаси, овлаш ҳажми ва баҳоланиш қиймати (Давлат-бионазорати материаллари).....	43
21. Жадвал. Ўзбекистон Республикасининг а, \оҳида муҳофаза қилинадиган табиий з^ \уддлари.....	33
22. Жадвал. Экотурлар бўйича а, \оҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлари майдони.....	57

23. Жадвал. "Жайрон" Экомаркази худудида жойлашган ноёб хайвонлар турларининг номи ва сони (1996Й.).....	59
24. Жадвал. I ва II даражаларга таалукли бўлган алохида муҳофаза қилинадиган табиий худудларининг штатлари ва молиявий таъминоти.....	59
25. Жадвал. Ноқонуний овчилик қилиш ҳажмининг 1995 йилдаги баҳоси.....	62
26. Жадвал. Ботаника боғи дендрофлорасининг таркиби.....	63
27. Жадвал. Ҳайвонлар тўплами.....	64
28. Жадвал. Биохилма-хиллик стратегияси ва ҳаракат режасини амалга ошириш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар жадвали.....	80
29. Жадвал. Ҳайдаланадиган ерларни асосий экинлар бўйича тағ^симлаш.....	106
30. Жадвал. Яйловларнинг турлари ва тақсимланиши.....	106
31. Жадвал. Ўзбекистоннинг суғориш тизими ва уларнинг баҳоланган самарадорлиги.....	106
32. Жадвал. Балиқчилик хўжаликлари бўйича маълумотлар (ТошДУ маълумотлари 1981-1991 м.)...	107
33. Жадвал. Асосий таксономик гуруҳлар: Ўзбекистон, МДҲ ва умуман жаҳон бўйича қиёсий кўрсаткичлар.....	109
34. Жадвал. Ўзбекистон ихтиофаунасининг таркиби ва келиб чиқиши.....	112
35. Жадвал. Марказий Осиёнинг ноёб турларининг ТМХР рўйхатига киритилган (1996Й.) ўсимлик ва хайвонлар турлари.....	120
36. Жадвал. Ўзбекистоннинг судралиб юривчи умурткали хайвонлари эндемизми даражаси.....	122
37. Жадвал. Ўзбекистон ва Марказий Осиё учун эндемик бўлган хайвонлар турлари.....	123
38. Жадвал. Қўриқланадиган худудлар ахбороти.....	126
39. Жадвал. Алохида муҳофаза қилинадиган икки табиий худуд учун штатлар тартиби ва молиявий таъминот ва қўшимча ресурсларга бўлган эҳтиёжлар ҳажмини баҳолаш.....	129
40. Жадвал. Давлат Ўрмон қўмитасига бўйсинувчи давлат ўриқхоналари ва миллий боғларининг штатлари ва молиявий таъминоти.....	129
41. Жадвал. Ёввойи хайвонларни овлаш учун 1995-1996 йиллар режаси.....	130
42. Жадвал. Ёввойи хайвонларни тутиш ва балиқ овлашнинг рухсатномалари индекси ва баҳолари.....	131

Ўзбекистон ўзининг барқарор ривожланиши учун биологик хилма-хиллик ресурсларни сақлаши муҳим эканлигини эътироф этиб, 1995 йилда биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Халқаро Конвенцияга қўшилди. Мазкур ҳужжат ушбу Конвенция доирасида зиммага олинган мажбуриятларни бажариш учун жадаллашаётган ишларнинг биринчи ва таркибий босқичи ҳисобланади.

Ўзбекистон нисбатан аграр мамлакат ҳисобланади ва шу боис ҳам кўп жиҳатдан табиий-биологик ресурсларнинг ҳолатига боғлиқдир. Илгари Ўзбекистоннинг ривожланиши мувозанатланмаган, ишлаб чиқаришга, айниқса қишлоқ хўжалигига ҳаддан зиёд аҳамият қаратилар, шу билан бирга табиий ресурсларни бошқариш ва муҳофаза қилишга етарли эътибор берилмас эди. Бошқарувнинг юқори даражада марказлашуви, табиий манбаларни тиклаш ва улардан оқилона фойдаланиш ўрнига уларнинг талофат кўришига олиб борди.

Сўнги 30-40 йил мобайнида ўтказилган сиёсат, айниқса қишлоқ хўжалик соҳасининг ҳамда экологиянинг нотўғри ривожланиши натижасида Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё давлатларининг биологик ресурсларига жиддий зарар етказилди. Бу нарса айрим экотизимларнинг бузилишига олиб келди, бошқаларида жуда оғир из қолдирди ва республикадаги умумий экологик барқарорликни жиддий хавф остига қўйди.

Кўрилган зарар рўйхатидан Орол денгизининг қуриши ва унга туташ ҳудудларнинг салбий ўзгариши, дарё қирғоқбўйи ўрмонлари (тўқайлар)нинг йўқ бўлиши, чўл ва даштлар инкирози, сув йиғилувчи тоғ ҳудудлари бузилмаган майдонларининг қисқариши кабилар ўрин олган.

Орол инкирози вазиятни назорат қилишга эҳтиётсиз ёндошув учун иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан жавоб беришга тўғри келишини кўрсатди. Мустаҳкам экологик барқарорлик ва табиат тизимининг фаолият кўрсатишини қўллаб-қувватлашда биологик ресурсларнинг аҳамиятини тўғри тушунишни ҳар томонлама рағбатлантириш лозим бўлади. Келажакда давлатимиз барқарор ривожланиш йўлига ўтиши учун биохилма-хилликни сақлаш ва бузмасдан фойдаланиш масалалари давлат тараққиётини режалаштиришда ўз аксини топди.

### **Биологик хилма-хиллик бўйича Миллий стратегия**

Мазмуни. Биологик хилма-хиллик бўйича Конвенцияда учта асосий мақсад кўрсатилган: биологик хилма-хилликни сақлаш, унинг таркибий қисмларини бузмасдан фойдаланиш ва манфаатларни ҳаққоний ва тенг тақсимлаш. Миллий стратегия мазкур мавзудан келиб чиқади ва Ўзбекистон биологик ресурсларидан фойдаланишнинг махсус ҳуқуқини аниқлаш учун ўтказилган баҳолашга асосланади. Ҳулоса шундаки, Ўзбекистонда улар устидан ишлашда зарур бўлган, қуйида устиворлиги тартибда санаб ўтилган, муаммолар асосий масалалар ҳисобланади.

Аҳолида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимини қайта ташкил этиш ва кенгайтириш, шу жумладан: қонунчилик ва институционал йўналишларни самаралаштириш; биологик ресурсларни ҳам сақлашни ҳам улардан исроф қилмасдан фойдаланишни ўз ичига олган алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларини бошқаришга бирлашган ёндошувни, баъзи ҳудудлар мақомини ўзгартириб жорий этиш; экотизим ва ареалларнинг самаралигини таъминлаш мақсадида мавжуд алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг бир қисмини кенгайтириш ва янгиларини ташкил этиш; маҳаллий ҳокимиятлар ва

жамоатчиликнинг иштирок этиш даражасини ошириш ва улар томонидан қўллаб қувватлашни кучайтиришни таъминлаш.

Жамоатчилик хабардорлиги, таълим ва биохилма-хилликни сақлаш ва ундан бузмасдан фойдаланиш ҳаракатида қатнашиш, шу жумладан, жамиятнинг барча табақаларида хабардорликнинг даражасини ошириш, айниқса қарор қабул қилишга масъул бўлган шахслар, маҳаллий ҳокимиятлар, ёшлар, устивор ҳудудлар аҳолиси; мактаблар ва олий ва ўрта таълим тизими муассасаларининг ўқув режаларини ишлаб чиқиш; маҳаллий ва кенг жамоатчиликнинг алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар фаолиятини таъминлашдаги иштирокини рағбатлантириш ва уларнинг қўллаб-қувватланишига эришиш.

Биологик ресурсларни бузмасдан фойдаланиш механизмларини ривожлантириш, жумладан, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ичида бузмасдан фойдаланиш моделларини, тажриба сифатида уларни бошқа ерларда такрорлаш мумкин бўлиши учун ташкил этиш; Ўзбекистондаги мавжуд ва режалаштирилаётган бузмасдан фойдаланиш турларини баҳолаш; Ўзбекистонда биотехнология, биофармацевтик саноат ва агробιοхилма-хилликни ривожлантириш масалаларини режалаштириш ва баҳолаш.

### **Биологик хилма-хиллик масалаларини таъминлаш бўйича ҳаракат режаси**

Ҳаракат режасида кўйилган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган аниқ ҳаракатлар ва чора-тадбирларни ўз ичига олган стратегияни ҳаётга жорий этиш учун муҳим жараёнлар ва аниқ ҳаракатлар алоҳида ишлаб чиқилган, масъул ташкилотлар ва муассасалар белгиланган, молиявий ресурсларга эҳтиёж ва уларнинг манбалари баҳоланган, календар режаси тузилган. Биологик хилма-хиллик бўйича Трансчегара дастури (Жаҳон банки ГЭЖ) каби тегишли амалга оширилаётган дастурлар ва чора-тадбирлар режа асосида бирлаштирилади. Келгуси лойиҳаларни амалга ошириш ва донор ташкилотлари томонидан ёрдамнинг тақдим этилиши мазкур ҳаракат режаси миқёсида рўёбга чиқади. Ҳаракат режаси шунингдек, эришилган ривожланиш ва иш самарадорлиги баҳосини таъминлайдиган тизимли назорат механизми ва тушунарли шаклда ҳисобот беришни ўз ичига олади.

### **Ҳаракат режасини амалга ошириш**

Масъулиятнинг таъсироти ва . операцион контекст, Лойиҳани Бошқариш қўмитаси ва атроф муҳит масалаларига раҳбарлик қилувчи Бош Вазир Уринбосари томонидан кўриб чиқилгандан ва келишилгандан сўнг стратегия ва ҳаракат режаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади ва розилик олингандан сўнг Ўзбекистон Ҳукуматининг расмий сиёсатига айланади. Биохилма-хиллик бўйича Миллий комиссия тузилгандан сўнг у ўз зиммасига ишларни ташкил этиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишнинг тўғридан-тўғри мажбуриятини олади.

Календар режаси ва бажарилиш суръатини текшириш, Стратегия 10 йиллик даврга мўлжалланган (1998-2007йй.), унинг бажарилиши амалга оширишнинг биринчи 5 йиллик даври тугагандан сўнг муфассал текширилади. Бу текшириш давомида стратегия ва ҳаракат режасини ҳаётга тадбиқ этишда эришилган ютуқлар кўриб чиқилади ва зарур бўлса, ўзгараётган шарт-шароитларга жавоб берувчи ва янги йўналишларни киритишни талаб этувчи ўзгартиришлар киритилади. Шу пайтдан бошлаб зарур тадбирларни амалга оширишнинг изчиллигини таъминлаш учун олдиндан режалаштириш ва кейинги босқич учун стратегияни ишлаб **ЧИҚИШ** ишлари амалга оширилади (2008-2017 йиллар).

## **Кириш**

### **1. Биологик хилма-хиллик нима ?**

«Биологик хилма-хиллик» ёки «биохилма-хиллик» тушунчаси қиёсан янги ва hozirda ҳали кенг маълум эмас. У ердаги барча ҳаётнинг хилма-хиллигини ҳайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмлар, уларнинг генлари ва экотизимларини англатади. "Биохилма-хиллик" терминида маълум бир организм тўғрисида статистик маълумот эмас, балки биологик дунёнинг барча қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабат ўз аксини топган. Кўпинча биохилма-хиллик уч босқичда кўриб чиқилади: турлар хилма-хиллиги, яъни барча ҳайвонлар ва ўсимликлар хилма-хиллиги, шу жумладан, кўзиқоринлар ва микроорганизмлар; генетик хилма-хиллик турлар доирасида генетик материалнинг хилма-хиллиги; экотизимли хилма-хиллик экотизимлар хилма-хиллиги (масалан ўрмонлар, тоғлар, дашт ёки саванна, чўллар ва бошқалар). Биргаликда бу даражалар биохилма- хилликнинг таркибий қисмларини шакллантиради.

Биохилма-хиллик - жамиятнинг иқтисодий, экологик ва маданий - эстетик эҳтиёжларини қондиришнинг долзарб ва салоҳиятли ресурси ҳисобланади. У бўлмаса жамиятнинг барқарор ривожланиши мумкин эмас. Бирок, бу ҳам илмий доираларда тан олинган, дунё генофонд, биологик турлар ва улар шакллантирадиган экотизимлар нуқтаи назаридан тезлик билан янада бир хиллашиб борапти. Бунинг сабаби инсон таъсири бўлиб, авваламбор бутун дунё бўйлаб таъминот, ишлаб чиқариш, савдо, ҚИШЛОҚ хўжалиги ва саноат ривожланиши, уй-жой қурилиши, аҳоли ўсишининг замонавий моделларининг тез ёйилиши боис, биологик хилма-хилликка инсон таъсири юксак даражада ўсмоқда.

Биохилма-хилликнинг на иқтисодий на экотизим аҳамияти ҳали кенг равишда маълум эмас. Айрим ҳолларда кишилар экотизим ичида биологик турларнинг ўзаро боғлиқлиги ва қайси бир турнинг йўқолиши бошқасига таъсири оқибатини етарлича тасаввур қила олмаётдилар. ХХІ асрга қадам қўйилиши билан биохилма-хилликнинг камайишини секинлаштириш ва борини сақлаб қолиш жуда катта муаммога айланиб бормоқда.

### **« 2.Узбекистон ва умуман жаҳон учун биохилма-хилликнинг муҳимлиги.**

Биологик хилма-хиллик ҳам жаҳон ҳамжамияти учун, ҳам ҳар бир давлат учун муҳим ҳаётий манба ҳисобланади. У иқтисодий фаолиятнинг ва яшаш учун манба топишнинг асосида ётибди, уни сақлаш ва самарали фойдаланиш эса инкирозсиз ривожланиш учш мзо^лақо зарурдир. Уни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш - келажак авлодлар ижтимоий фондига ҳисса қўшиш билан баробар, негаки ҳатто гўё инсонга мутлақо фойда келтирмайдиган ҳаёт шакллари ҳам ҳаёт шароитларини ўзгартиришда муҳим бўлиши мумкин.

Биохилма-хилликнинг шундай, ёввойи ва хонаки ёки маданийлашган биологик турлари таркиби озиқ-овқатларнинг ва кўпгина дори-дармонларнинг, шунингдек саноат маҳсулотларининг алмашлаб бўлмайдиган ягона манбаи ҳисобланади. АҚШ каби индустриал ривожланган давлатлар Ялпи Миллий Маҳсулотнинг (ЯММ) 4,5%га яқини фақатгина ёввойи турлардан фойдаланишдан олади. Кам ривожланган длатлар учун бу рақам анча юқори бўлиши мумкин. Маданий ўсимликлар турлари ва хонакилашган ҳайвонларнинг замонавий тижорат аҳамияти анча юқори, масалан Узбекистонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ЯММнинг 45% ни ташкил этади. Айниқса, кам ривожланган

давлатлар учун бу борада кўп даромад олнш ИҚНСОДИЙ кўрсаткичлар билан белгиланмасада, улар халқлар учун ҳаёт кечириш манбаи ҳисобланади. Мисол учун Ганада ахрлининг 4/3 қисми учун ёввойи табиат истеъмол қилинадиган оксилнинг асосий манбайи ҳисобланади, рийожланаётган давлатлардаги деярли 80% кишилар учун ёввойи ҳайвонлар ва усимликлардан олинадиган анъанавий дори-дармонлар соғлиқни сақлашнинг асосий биринчи чора-тадбирлари ҳисобланади. Ҳаттоки, замонавий фармокопия дори-дармонларининг 1/4 қисми таркибида усимликларнинг фойдаланиладиган фаол таркибий қисмлари мавжуд бўлиб, ундаги топилмаган имкониятлар фойдали модаларнинг кичик бир қисмини ташкил этади.

Биологик хилма хиллик биосферани шакллантиради, унда, бошқа биологик турлар билан бирга инсон ҳам истиқомат қилади ва яшовчанлик ва мувоффақият унинг ҳолатига боғлиқ. Утмишда инсоният фаолияти табиат жараёнлари мицёсига такрслаганда унчалик кенг эмас эди. Хрзир вазият бошқача бўлиб, инсоният XXI асрга яқинлашгани сари юз бераётган иқлимий ўзгаришлар, чўлланиш, ер деградацияси ва бошқа хавфлар биз ўз келажагимиз асосига ҳам миллий даражада ҳам жақон миқёсида талофат етказаетганимизни кўрсатмоқда. Марказий Осиё минтақасининг нотўғри ривожланиши ОБ;ибатида юзага келган Орол инқирози бундай ривожланиш ҳам алоҳида минтақалар, ҳам умуман саёрамиз учун канчалик хавфли оқибатларга олиб келишининг яққол мисолидир.

### **3. Узбекистон ва биохилма-хиллик ҳақида Конвенция.**

Илгари кўпгина давлатларда биохилма-хилликни сақлашга унчалик катта аҳамият берилмас эди. Бирок, дунё олдида турган муаммони англаш даражаси ошиши билан биохилма-хилликнинг зарурлигини тушуниш даражаси ҳам ошди. Бугун биологик хилма-хилликни сақлаш глобал устувор

аҳамият касб этди ва шундай сифатда давлатларнинг барқарор ривожланиш режасига кирди.

1992 йилда БМТнинг Атроф Муҳит ва Ривожланиш бўйича Конференциясида 156 давлат имзолаган биохилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция бу йўналишда хал қилувчи қадам ҳисобланади. (Рио-де-Жанейродаги "Ер муаммолари бўйича Олий даражадаги Учрашув") 1993 йилда у халқаро ҳужжат сифатида кучга кириб, 1995 йил охирида 120 давлатда, жумладан Узбекистонда ҳам ратификация қилинди. Конвенциянинг асосий мақсадлари:

- Ернинг биологик ресурслари-хам ердаги, ҳам сувдаги, жумладан ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмлар хилма-хиллигини сақлаш;
- мамлакатларнинг уз биологик ресурсларидан қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида на ресурсларга, на бу тармоқларга зарар келтирмайдиган усуллар билан фойдаланишини таъминлаш;
- генетик ресурслардан фойдаланиш имкониятлари ва шу асосда олинадиган фойдаларни адолатли ва тенг тақсимланишини рағбатлантириш.

Конвенция ҳукуматлардан табиат манбаларини бошқариш ва ишлаб чиқишда биохилма-хилликни сақлаш ва самарали фойдаланишни таъминлашни талаб қилади. У миллий иқтисодий тузилмаларни ва сиёсатни уларни сақлаш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш бўйича иқтисодий шарт-шароитлар яратиш усуллари аниқлаш учун баҳолашни ўз ичига олади. Бундан ташқари, Конвенцияда алоҳида шарт сифатида таъкидланадики, унинг Томонлари (ёки қонун чиқарувчи идоралари ушбу битим билан ўзларини боғлашга мажбурият олган давлатлар) маълум бир тадбирларни амалга оширишлари шарт, жумладан:

-биологик ресурсларни сақлаш ва беталофат фойдаланиш бўйича миллий стратегияларни ишлаб чиқишни;

жамиятнинг хабардорлиги ва таълимини рағбатлантириш;

тадқиқот ва ўқув датурларини таъсис этиш;

"атроф муҳитга таъсирни баҳолаш" махсус жараёни ёрдамида иктисодий ривожланиш босқичида биохилма-хиллик масалаларининг зарурий ҳисобини таъминлаш;

Томонлар уртасидаги илмий ва техник ҳамкорликни рағбатлантириш.

#### **4. Биологик хилма-хиллик бўйича миллий стратегия ва ҳаракат режаси**

##### **Кириш.**

Ўзбекистон ўзининг барқарор ривожланиши учун биохилма-хиллик ресурсларининг муҳимлигини тан олган ҳолда, 1995 йилда биохилма-хиллик тўғрисидаги халқаро Конвенцияга қушилди. Ҳукумат олиб бораётган сиёсатга мувофиқ ҳамда Конвенция доирасидаги устувор мажбуриятларни бажариш учун республикада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш Дастури ва Глобал экологик жамғармаси томонидан фаол қўллаб-қувватланган "Биохилма-хилликни сақлаш бўйича миллий стратегия ва ҳаракат режаси" лойиҳасини тайёрлашга киришилди. Мазкур лойиҳа ҳукуматнинг ижрочи агенти сифатида ҳаракат қилувчи Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Кўмитаси билан ҳамкорликда амалга оширилди. Ушбу ҳужжат бир вақтнинг ўзида Ўзбекистоннинг 1997 йил декабрь ойигача биохилма-хилликни сақлаш бўйича Миллий Стратегия ва Ҳаракат Режаси ишлаб чиқиш юзасидан олган мажбуриятларига мувофиқ, Томонлар Халқаро Конференциясининг ҳисоботи ҳисобланади.

**Маълумот ва фаолият соҳаси.** Биохилма-хилликни сақлаш бўйича миллий стратегиянинг мақсади-мамлакат биологик ресурсларини бошқаришнинг ягона бош йўналиши ва режалаштириш тузилмасини шакллантиришни таъминлашдан иборатдир. Шундай қилиб, мазкур соҳадаги истиқбол фаолияти стратегияда кўрсатилган ва мустаҳкамланган қондаларга мувофиқ бўлиши лозим. Стратегиянинг яратилиши миллий даражада режалаштириш учун аниқ йўналиш беради, шунингдек, мақсадга қаратилган ва самарали дастур ҳамда лойиҳаларни ишлаб чиқишни таъминлайдиган механизм яратади. Бундан ташқари у ёрдам берувчи донор ташкилотлари томонидан ҳам фойдаланилади. Биохилма-хилликни сақлаш стратегиясининг ҳаракат доираси фақатгина мамлакат биохилма-хиллигини сақлаш ва ундан фойдаланиш масалалари билан чегараланади ва бошқа соҳалардаги фаолиятгатаалукли бўлмайди. Баъзи йўналишлар, масалан, сув манбаларини бошқариш биохилма-хилликка жиддий таъсир кўрсатсада, бошқа дастур ва лойиҳаларга киритилган.

**Мазкур ҳужжатларнинг тузилмаси.** Ҳужжат уч қисмдан ва иловадан иборат.

**Биринчи қисм** Биохилма-хилликни сақлаш бўйича Миллий стратегияни ишлаб чиқиш шарт-шароитлари ва асослари ўз ичига қуйидагиларни олади: халқаро контекстни деталлаштирувчи кириш бўлими; ердан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари ва характерини ифодаловчи бўлим; Ўзбекистонда биохилма-хилликнинг мақоми ва баҳоси қисқа тарзда кўрсатилган бўлим; биохилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишнинг қонунчилик ҳамда институционал контекстини ўз ичига олган бўлим.

**Иккинчи қисм** - Биохилма-хилликни сақлаш бўйича Миллий стратегияси мавжуд ахборотларнинг қисқа таҳлилидан, асосий ва жорий миллий мақсадлардан,

хамда уларни амалга ошириш йўллари, шунингдек, стратегия матнидан иборот.

Учинчи қисм - Биохилма-хилликни сақлаш бўйича Миллий ҳаракат режаси мақсадга эришишнинг аниқ ҳаракатларини, масъул ташкилотлар ва томонларни, ҳаракатлар режаси ва жадвалини белгилайди ҳамда ривожлантиради. Келгусида амалга ошириш босқичида ҳаракат режасида бюджет на молиявий манбалар белгиланган бўлади.

Миллим стратегия ва ҳаракат режасини тайёрлаш чоғида кўпгина томонларни жалб этган ҳолда, мультиинтизомий ва интеграл ёндашувдан фойдаланилди. Лойиҳага ўрмон хўжалиги, алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар, сув ва қишлоқ хўжалиги, энергетика мажмуи, илмий жамоатчилик, режа органлари ва ноҳукумат ташкилотларининг жамоа ва алоҳида вакиллари ҳам қўшилди. Мамлакатнинг турли ҳудудларида кўпгина томонлар иштирокида семинарлар ўтказиш йўли билан (маҳаллий ҳокимият-ҳокимликлар, давлат органларининг маҳаллий вакилликлари, жамоа хўжаликлари, ер қурилиши ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари) лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнига манфаатдор томонлар кенг жалб қилинди. "Биохилма-хилликни сақлаш бўйича Миллий стратегия ва ҳаракат режасини" ишлаб чиқиш жараёнида зарур маслаҳатларни таъминлаш, ўқитиш ва техник ёрдам кўрстиш учун халқаро маслаҳатчилар жалб этилди. Лойиҳани амалга ошириш услуги мамлакатлар биологик хилма хиллигини тадқиқ қилиш бўйича Асосий тамойиллар (БМТнинг Экологик Дастури (БМТЭД), биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция бўйича кенгаш мажлисига маълумотнома, (Табиатни Сақлаш Халқаро Уюшмаси (ТСХУ), 1994 ) ва биологик хилма-хиллик бўйича стратегия ва ҳаракат режасини тайёрлаш бўйича Асосий йўналишлар (Халқаро Тадқиқоклар Институти - ХТИЛГМҚХИ/БМТИП).

**Лойиҳани амалга оширишни ташкил этиш.** Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси лойиҳани амалга оширувчи омил ҳисобланиб, у тегишли давлат ташкилотлари, шунингдек, Давлат Ўрмон Қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги, Фанлар Академияси, Макроиктисодиёт ва статистика Вазирлиги, "Ўзбекбалиц" корпорацияси ва нодавлат ташкилотлари вакиллари ўз ичига олган институтлараро иш тартиби қўмитасини ташкил этди.

Лойиҳани мувофиқлаштирувчи, иш тартиби қўмитасининг умумий раҳбарлиги остида юқорида кўрсатилган мутахассислардан иборат ишлаб чиқувчиларнинг интизомий гуруҳи, шунингдек биологик хилма-хилликка тегишли бошқа ташкилотлар вакиллари фаолиятини бошқариб турди. Лойиҳани тайёрлашда бундай кенг доирадаги вакиллик биохилма-хилликни сақлаш стратегиясининг мультисекториал асосда ишлаб чиқилаётганига кафолат беради ва Ҳукуматнинг барқарор ривожланишга эришиш бўйича қилаётган сайёҳ-ҳаракатларининг бир қисмига айланади.

### **3. Биохилма-хилликни сақлаш Стратегияси ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган бонус жараёнлар ва тадбирлар ўртасидаги муносабат.**

Мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон муҳим иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар объектига айланди. Республика олдида турган энг катта муаммолардан бири ўтмишда бу ҳудудда барқарор ривожланиш сиёсатининг бўлмаганлиги туфайли юзага келган инқирозли экологик ва ердан фойдаланиш ва бошқа вазиятларни енгишдир. Шу муносабат билан бир қанча миллий ва ҳудудий ташаббуслар юзага келдики, уларнинг барчаси турли даражада биохилма-хилликка тегишлидир. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

Табиатни муҳофаза қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланишини экологик таъминлаш бўйича Миллий ҳаракат режаси (ТМҚБРМХР). Бу ҳужжат ҳозир Жаҳон банки ёрдамида тайёрланмоқда. Биохилма-хилликни сақлаш стратегияси бу ҳужжатга асосий таркибий ҚЎМ сифатида қиради. ТМҚБРМХР экологик режалаштиришни аниқ йўналтириш, унинг таркибий қисмларини қўллаб-қувватлаш ва ўзаро муносабатга кафолат беради.

Барқарор Ривожланиш бўйича Миллий Комиссия (БРМҚУ) БРМҚ Республиканинг келгусидаги барқарор ривожланиши учун масъулдир. Унинг вазифасига қисман барқарор ривожланишни таъминлайдиган ташаббускорлик сиёсати, стратегия ва ҳаракат режаси қиради, шунингдек, уларнинг самарали бажарилишини назорат қилади. Бундан ташқари Риоде-Жанейрода ўтган "Ер муаммолари бўйича Олий даражадаги Учрашув"да ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон томони ҳам имзолаган битимни самарали ҳамда тўлиқ амалга ошириш унинг асосий масъулияти ҳисобланади. Бунга эришишда ТМҚБРМХР унинг биохилма-хиллик бўйича таркибий қисмларини қўшганда асосий восита бўлади.

"Иқлимнинг узғариши" ва "Чулланишга қарши кураш" халқаро конвенциялари. Глобал Экологик Жамғармаси (ГЭЖ) БМТРД ёрдами билан Ўзбекистон мисолида иқлимнинг узғариши бўйича ҳудудий тадқиқотлар ўтказмоқда. БМТЭД ва БМТРДнинг кўмагида чулланишга қарши кураш ва иқлимнинг узғариши бўйича миллий режани тузишга тайёргарлик кўрилмоқда. Ушбу икки лойиҳанинг мавзуси ва биохилма-хилликни сақлаш муаммолари кўп жиҳатдан бевосита бир-бири билан боғлиқдир. Мазкур йўналишлар бўйича қўлланиладиган ягона чора-тадбирлар республикадаги экологик вазиятнинг инқирозли муаммоларини ҳал қилишда аниқ натижаларга эришилишини таъминлаши зарур. Бу ерда шунингдек,

ялпи натижаларни эътиборга олган ҳолда ҳаракатларни мувофиқлаштириш, муҳим аҳамиятга эга.

Шимолий Тиён-Шоннинг биохилма-хиллигини сақлаш бўйича трансчегара лойиҳаси. Бу лойиҳа ГЭЖ ва бошқа ташкилотлар томонидан молиявий таъминланиб, 10 млн. АҚШ долларига тенгдир. У ҳозирги вақтда Жаҳон банки, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон Ҳукуматлари томонидан тайёрланмоқда. Лойиҳа куйидаги асосий таркибий қисмларга эга бўлади: Қирғизистон Республикаси учун Миллий стратегия ва Ҳаракат режасини ишлаб чиқишни, сиёсат, қоидалар ва институционал шарт-шароитларни мустаҳкамлаш; Ғарбий Тиён-Шондаги маҳаллий аҳоли томонидан табиат бойликларидан барқарор фойдаланишни қўллаб-қувватловчи дастурни ишлаб чиқишни; алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлари жорий ҳаражатларини қоплаш учун молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш; ҳудудий ҳамкорлик ва экологик мезонларни уйғунлаштиришни рағбатлантириш.

Лойиҳани ишлаб чиқиш 1998 йилда бошланади. Бу биохилма-хилликни сақлаш бўйича Миллий стратегияни ишлаб чиқишнинг расмий равишда яқунланиши ва тасдиқланиши ҳамда Ўзбекистонда биохилма-хилликни сақлаш бўйича Ҳаракат Режасини амалга оширишнинг бошланишига тўғри келади. Шундай қилиб, Трансчегара лойиҳаси гуруҳи билан қилинган маслаҳатлар натижалари бўйича у ўз ичига қаердаки зарур бўлса мазкур лойиҳани амалга ошириш учун зарур стратегик ва таркибий тузилмани таъминлайди. Уз навбатида у стратегия ва ҳаракат режасини ишлаб чиқишда вужудга келадиган импульсни қўллаб-қувватлаши ва амалий натижалар беришини таъминлаши зарур. Трансчегара лойиҳаси стратегияни ишлаб чиқишдан амалий ҳаракатларга ўтишни таъминлашда фавқулотда фойдали бўлади.

Орол денгизи дастури (Жаҳон банки / БМТҲД / БМТЭД). У мазкур минтака учун сув ва ердан фойдаланишнинг узок муддатли муаммоларини ечишга йўналтириши лозим бўлади. Қисқа ва ўрта муддатларда у энг номаълум худудлар аҳолисининг бевосита эҳтиёжларини кондиришни таъминлашга жалб этилгандир. Мазкур дастурнинг, минтака табиий ресурсларини бошқаришни такомиллаштиришдан иборат узок муддатли мақсадларига кўшимча сифатида, 3 та дастур мавжуд бўлиб, улар Узбекистон биохилма-хиллиги учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу куйидаги дастурлардир: 4.1 Амударё дельтасининг суволди худудларини тиклаш; 4.3 - Экологик тадқиқотлар (жумладан биохилма-хилликни баҳолаш); ва 6 - Юкрий сув айиргичлар худудлари ер ва сув манбаларини мукамал усулда бошқариш.

Судочье кўли атрофидаги худудларни тиклаш бўйича лойиҳа (ГЭЖ/Жаҳон банки). Ариза тақдим қилиш босқичида турган бу лойиҳа Орол денгизи Дастурининг таркибий қисми ҳисобланади. У Амударё дельтасининг чап қирғоғи қисмида жойлашган Судочье кўли атрофидаги худудларни муҳофаза қилиш ва тиклашга қаратилган бўлиб, маҳаллий биохилма-хилликни жиддий таҳдиддан сақлаш, маҳаллий ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни яхшилаш ва йирик зовур ёрдамида оқова сувларни бошқариш мақсадларини кўзлайди. Судочье кўли атрофидаги худуд учиб ўтувчи қушларни сақлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Уни Рамсар Конвенцияси ҳимоясига тегишли худудлар рўйхатида киритиш тўғрисида тақлифлар бор.

Узбекистон учун Миллий экологик ахборот тармоғи (БМТЭД / ГРИД-Арендэл). GRID-Arencia ўтиш босқичини бошидан кечириётган мамлакатларда атроф-муҳит ва табиат манбалари бўйича ахборот тизимининг бир қисми сифатида Марказий Осиё давлатларига миллий экологик ахборот тармоқларини ишлаб чиқишда

ёрдам кўрсатмоқда. Узбекистонда аллақачон дастлабки баҳолаш ишлари ўтказилган, техник-иқтисодий асослар ва амалий ишланмалар устида эса иш олиб борилмоқда. Миллий ҳаракатларга ёрдам сифатида Орол хавзаси учун худудий ахборот тармоғи Орол дастури доирасида ривожланмоқда. Ҳозирги кунда самарали экологик режалаштиришдаги асосий муаммолардан бири, биохилма-хилликни ҳам кушганда, қарор қабул қилувчи ташкилотлар ва шахслар учун ягона аниқ маълумотларнинг етишмаслигидир. Номлари тилга олинган лойиҳалар ўз навбатида келажакда биохилма-хилликни сақлашни режалаштириш ва ундан барқарор фойдаланишда катта аҳалшятга эга бўлади.

Нурота қуриқхонасини биосферик даражасига ўтказиш бўйича тақлиф (ТМҚНФ). Халқаро НХТ Табиатни муҳрфаза қилиш Немис федерацияси (ТМҚНФ) Марказий Осиё қуриқхоналарида, жумладан Жиззах вилоятидаги Нурота қуриқхонасида ишлаш бўйича катта тажрибага эга бўлиб, бошқа манфаатдор ташкилотлар (Урмончилик Давлат Қўлшаси ва Табиатни муҳрфаза қилиш Давлат Қўмитаси) билан халжорликда "Нурота қуриқхонаси ва унга туташ худудлар табиатини сақлаш ва тиклаш ҳамда барқарор иқтисодий ривожланишини рағбатлантириш, шунингдек, минтақани экологик ривожлантириш" устида иш олиб бормоқда. Шу мақсадда, Узбекистондаги ташкилотлар - бу иш қатнашчилари 1997 йил охиригача мазкур қуриқхонага халқаро мақом беришни сўраб ЮНЕСКОга мурожат қилиш мажбуриятини зиммасига олишган. Агар у муваффақиятли ўтадиган бўлса, мазкур лойиҳа Фарбий Тиён-Шоннинг биохилма-хиллиги бўйича Трансчегара лойиҳаси каби (юқорига қаранг) стратегик йўналишдаги мақсадларни амалий ҳаракатларга жорий этиш нуқтан назаридан муҳим аҳамият касб этади ва Узбекистоннинг бошқа минтақаларида амалий ва синаб кўрилган андозалари ҳақида тасаввур уйғотади.

Қозғоғистон ва Қирғизистоннинг биоҳилма-хиллигини сақлаш стратегияси. Қозғоғистон ва Қирғизистон яқин вақтларда (1998йил) биоҳилма-хилликни сақлаш бўйича Миллий стратегия ва ҳаракат режасини ишлаб чиқишлари лозим, бундан ташқари кейинчалик Туркманистон ва Тожикистон (агарда сиёсий шароит йўл қўйса) ҳам шундай стратегияни ишлаб чиқишга киришади. Ҳар бир давлат режаларини ўзаро уйғунлаштириш ва интеграциялашни таъминлаш учун барча мавжуд сайё-ҳаракатларни ишга солишнинг муҳимлиги шундоқ ҳам аёнки, келгусида бу нарса биоҳилма-хилликни сақлаш бўйича минтақавий стратегия ва ҳаракат режасини яратишга имкон бериши мумкин.

Ҳаракат режаси бўйича Ўзбекистонда туризмни барқарор ривожлантириш бўйича лойиҳани ишлаб чиқиш. 1995 йилда бошланган мазкур лойиҳадан кўзда

тутилган мақсад умумий сиёсат йўналишида туризмни, халқаро маркетинг, инфраструктурасини ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлашни назорат қилиш бўйича раҳбарий (ҳаракат режасини тайёрлаш ва ҳаётга тадбиқ этиш ва доимий ахборот-норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш) ҳужжатларларни ишлаб чиқишдир. Лойиҳанинг муҳим вазифаси ташкилий тузилмани ва кадрлар салоҳиятини яхшилаш ҳисобланади, шунингдек хусусий бўлимни ва унинг маблағларини туризмни ривожлантиришга жалб қилишни ўз ичига олади. Лойиҳа алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудларини бошқариш ишида ва биоҳилма-хилликдан самарали фойдаланишдан келган иқтисодий самараларни амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Унинг ҳаётга тадбиқ этилиши мамлакатда экотуризмни ривожлантириш учун қулай вазият яратади.

1-Қўриқ: Ўзбекистон гео-сиёсий з{арҳтаси



# Географик ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар

## Кириш.

Мазкур бўлим ўз олдига республикада биохилма-хилликдан фойдаланиш, тартибга солиш ва муҳофаза қилишнинг шарт-шароитларини кўрсатиб беришни мақсад қилиб қўяди. Бу нарса биологик ресурсларнинг жорий вазиятини ва иқтисод., ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳа ҳамда экологик шароитлар, жумладан биохилма-хиллик уртасидаги ўзаро боғлиқликни тўғри тушуниб етишда ниҳоятда аҳамиятлидир.

## 1. Таъриф.

Узбекистон Республикаси ЕвроОсиё континентининг марказий қисмида шимолий яримшарнинг субтропик ҳудудида 37 ва 45 даража ш.к. ва 56 ва 73 ш.у. ўртасида жойлашган. Умумий ҳудуди 447000 кв.км.ни ташкил этади. Шимол ва ғарбда Узбекистон Қозоғистон билан, жанубда Туркменистон ва Афғонистон, шарқда Қирғизистон ва Тожикистон билан чегарадош ва денгиздан энг узокда жойлашган давлатларга киради. Республика 12 асосий маъмурий бирликка вилоятларга бўлинади, шунингдек, мамлакатнинг шимоли-ғарбий қисмига жойлашган Қорақалпоғистон автоном республикасини ўз ичига олади.

Узбекистон ҳудудининг деярли 85% ни чўллар ва ярим чўллар эгаллаган бўлиб, шу жумладан Марказий Осиёдаги энг йирик чўл-Қизилқум ҳам киради. Бу чўллар шарқда ва жанубий-шарқда умумий ҳудуднинг 15 % ни банд этган Тиён-Шон ва Ҳисор-Олой ТОҒ тизмаларига тутшиб кетади. Асосий сув томирлари - Амударё ва Сирдарё, уз сувларини Орол денгизига олиб боради, унинг катта қисми республикамызга тегишлидир. Сугориладиган деҳқончилик учун серутум фойдаланиладиган кенг, текис водийларни шу дарёлар шаклланган.



## Иқлим.

Узбекистон иқлими - кескин субтропик бўлиб, ҳароратнинг мавсумий ва кундалик сезиларли ўзгариши, ёз ойининг давомли курук ва иссиқлиги, кузнинг намлиги ва ҚШ об-ҳавосининг ўзгариб туриши билан характерлидир. Иқлимнинг ўзига хослиги асосий унта омил билан белгиланади куёш радиацияси, атмосферанинг умумий алмашиб туриши ва маҳаллий рельеф. Ёз ойларида куёш радиацияси даражаси 800-1000 МД ж/кв.м га етади. Шамолнинг оддий йўналиши қишда шимолий-шарқдан, шарқдан ва жанубий-шарқдан, ёзда эса шимолдан ва шимолий-шарқдан бўлади.

Узбекистонда учта асосий иқлимий ҳудудлар мавжуд: чўллар ва ҚУРУҚ даштлар, тоғолди ерлар ва тоғлар.

Деярли барча чўллар ва дашту биёбонлар, жумладан Қизилқум, Устюрт платоси, Қарши ва Далварзинтепа даштлари денгиз сатҳидан 400 метр пастликда жойлашган. Ёғингарчиликнинг ўртача миқдори бу ҳудудларда йилига 200мм дан камни ташкил этади. Ёғингарчиликнинг энг кўп миқдори март-апрелда, энг ками август ва сентябрь ойларида бўлади. Қиш мавсуми анча қисқа-жанубда икки ойга ва шимолда беш ойга яқин. Қор қатлами жуда кам (2-11см). Январь ойи уртача ҳарорати жанубда 3°C (Термез) ва шимолда (Устюрт) -8°C. Бироқ ҳароратнинг ўзгарувчанлиги сезиларли даражада (максимум 20°C дан минимум - 37°C гача). Мусбат ҳароратли кунлар ўртача 190-200 кунни ташкил этади, бироқ 160 кунгача пасайиши мумкин, масалан Устюрт платосида. Баҳор одатда эрта келади ва қисқа давом этади, мартнинг бошланиши жанубдаги ўсиш муддатининг бошланиши, шимолда эса у мартнинг охири ёки апрелнинг бошланишига тўғри келади. Чўл ва

2—Харита: НИ^АНМ кўрсаткичлари



даштларда ёз давомли, иссиқ ва ҚУРУҚ бўлади. Езда кузатилган энг юқори ҳарорат 45-49°С даражага етади, тупроцнинг устки қатлами 60-70°С гача ҚИЙШИ мумкин.

Тиён-Шон ва Хисор тоғ тизмаларини ўраб турувчи тоғ-олди ҳудудлари денгиз сатҳидан 300-1000 м баландликда жойлашган. Тоғ-олди ҳудудларида йиллик ёгин даражаси 400 мм га яқинни ташкил этади. Чўл ва даштларга ўхшаб бу ерларда ёгингарчилик максимуми март-апрелга, минимуми август ва сентябрь ойларига тўғри келади. Тоғ-олди ҳудудлари иқлими чўл ва даштларга нисбатан юмшоқ бўлиб ўртача ҳарорат 26-28° С ни ташкил этади, кундузи энг юқори ҳарорат 45° С даражага етиши мумкин. Мусбат ҳароратли кунлар сони ўртача 210-240 кунни ва жанубда баъзан 260 кунни ташкил этади.

Тоғ ҳудуди денгиз сатҳидан 1000 ва 4000 м баландлик нуқталари оралиғида жойлашган. Бу ҳудудда ёгинлар йил бўйи рўй бериб, май-июнь ойларида энг юқори кўрсаткичга етади. Баъзи ерларда ёгин миқдорининг ўртача йиллик кўрсаткичи 800 мм. дан ошиб, энг юқориси 2000 мм.га етади. Қор ёғиш ғудудлари денгиз сатҳидан 800-1000 метр баландликдан бошланади. Вир йилда 500 мм қор ёғади. Денгиз сатҳидан 3500-

4000 метр баландликда қор қатлами йил бўйи сақланиши мумкин. Барча ҳудудларда ёгингарчилик миқдори йиллар бўйича ўзгариб туради ва кўп йиллик миқдорнинг ярмини ёки ундан уч марта кўпроқни ташкил этади.

## 2. Иқтисодий омиллар

Асосий курсаткичлар: Ўзбекистон иқтисодий мустақилликка эришилгандан сўнг бошланғич даврда бюджет ва тўлов тизимининг танқислиги, нармар эркинлашуви ва республикалар аро алоқаларининг узилиши оқибатида маълум қийинчиликларни бошдан кечирди. Бироқ иқтисодий ислохатлар натижасида ишлаб чиқариш суръатининг пасайиши тўхтатилди. Бунга асосий омиллар-Ўзбекистоннинг бой табиий бойликлари ва уларнинг хом-ашё материалларини экспорт қилишдаги роли, узоқ хорижга экспортнинг тезлашуви (мае. пахта), шунингдек, маҳаллий хом ашёнинг қайта ишлаш бўйича янги соҳаларнинг изчиллик билан ташкил этилаётгани. Ялпи ички маҳсулот(ЯИМ) 1991 йилга нисбатан 1995 йилда аниқ равишда 18,89 га қисқарди ва бу собиқ Совет давлатларидан анча кам. 1996 йилда ЯИМ, 1,6 % га ўсди.

Мустақилликдан сўнг икки йил мобайнида молиявий сиёсатда асосий аҳамият иқтисодиётни ўнглаш ва ишлаб чиқаришни

### 1. Жадвал. Ўзбекистон ҳақида асосий маълумотлар.

География	
Жойлашуви	Марказий ЕвроОсиё
Майдони	447000 кв.км
Иқлими	Субтропик кескин континентал
Пойтахти	Тошкент (аҳолиси 2,2 м.\\н. киши)
Иirik шаҳарлар	Самарканд, Андижон.Бухоро
<b>Аҳоли кўрсаткичлари (1997 й.)</b>	
Аҳолиси	23,3 млн
Аҳоли ўсиши	2,3 %
Умр давомийлиги	69 йил (69,3 кишлоқда 71,2 шаҳарда)
<b>Этник таркиб (1997 й.)</b>	
Ўзбеклар	76,8 %
Руслар	5,5 %
Тожиқлар	4,8 %
Қозоқлар	4,0 %

2. Жадвал, Иқтисодий кўрсаткичлар.

**Ялпи Ички Мазъулот (ЯИМ)**

ЯИМ жон бошига 2370 АҚШ дол.(1994й., харид ёшлиш устиворлиги бўйича баҳоланган)  
Манбалар: Жаҳон ривожланиши хақида х,исобот-1996й.) Жаҳон банки,  
1996й., 252 б.

ЯИМ да саноат хиссаси 22,3 % (1993 й.),17,0 % (1994 й.),17,1 %  
(1995 й.),17,4 % (1996 й.)

ЯИМ да ҚИШЛОҚ хўжалиги 27,8 % (1993 й.),34,5 % (1994 й.),28,0 %  
Хиссаси (1995 й.), 22,5 7о (1996 й.)

Ҳақийъий ўсиш -0,9 % (1995 й.)  
1,6 % (1996 й.)

**Инфляция ва ишсизлик**

Инфляциянинг ўртача йиллик 534% (1993 й.), 1522,5% (1994 й.), 304, (1995 й.), 54%  
даражаси (истеъмом нархлари) (1996 й.)

Ишсизлик 0.2% (1993й.), 0,3% (1994й.), 0,37% (1995 й.),0,39% (1996 й.)

**Ташқи савдо**

Ташқи савдо ҳажмида МДҲ 77,1% (1996 й.)  
Аъзоси бўлмаган давлатларга  
Экспортнинг салмоғи

Экспортнинг асосий боблари Пахта толаси, олтин, энергия ташув-чилар, минерал ўғитлар, машина ва  
ускуналар, рангли металллар, озиқ-овқат маҳсулотлари

Асосий ҳамкорлар Буюк Британия, АҚШ, Швейцария, Корея, Голландия, Хитой

**Ички савдо**

Ички савдо ҳажмида МДҲ 67,9% (1996й.)

Аъзоси бўлмаган давлатлар  
Импортнинг салмоғи

Импорт қилинувчи маҳсулот Озиқ-овқатлар, машина ва ускуналар, кимё маҳсулоти, пластмасса-  
лар, қора ва рангли металллар

Асосий ҳамкорлар Германия, АҚШ, Туркия, Корея, БАА, Буюк Британия, Швейцария

**Саноат (1996 й.)**

Асосий тормоқлар Ёқилғи-энергетик, машинасозлик ва метални қайта ишлаш, енгил ва  
озиқ-овқат, металлургия, кимё

Саноатда ўсишнинг даражаси 6,0 %

**Қишлоқ хўжалиги**

Асосий экинлар Пахта, дон-бошоқчилар, сабзавотлар, мевалар, узум

Қишлоқ хўжалигида ўсиш 7,0 % (1997 й.)  
даражаси

субсидиялашга қаратилди. Миллий валюта йилда кучайди. Молиявий сиёсат жорий қилинган (1994й. 1 июль), қатъийлашуви натижасида инфляция макроиктисодий сиёсатда нархни суръатлари сезиларли қисқарди. 1993 барқарорлаштириш ва алмашлаш курсига йилда у 531 % бўлган бўлса, 1995й-этибор берилди. 304 %, 1996 йилда эса 54 % га Барқарорлаштириш таркибий пасайди. тузилишдаги ислохатлар сиёсати 1995

Ўзбекистон ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин қисқаришига йўл қўймади ва шу боис ошқора ишсизлик жуда кам даражада қолмоқда. 1996 йилда ишсизлик даражаси 0,39% ни кўрсатди. Сўм жорий этилгач ўртача иш ҳақи АҚШ долларига кўра 2 баробар ошсада, Ўзбекистон маҳсулотлари ташқи бозорда рақобатбардошлигича қолмақда. 1995 йилга нисбатан 1996 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо муомиласи 40,8 % га ўсди, жумладан, ташқи савдо ҳажми 23,4 %, ички савдо ҳажми 63,2 % га ошди.

Таъриф: Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. 1996 йилда қишлоқ хўжалиги зиммасига ЯИМнинг 22,5 %, экспортнинг 60 % ва бандликнинг 41,2 % тўғри келди.

Ҳозирги вақтга келиб барча давлат хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари хусусийлаштирилиб жамоа хўжаликлари, ижара корхоналари, кооперативлар, акционерлик уюшмалари ва бошқа тузилмаларга айлантирилди. Бир қанча чорвачилик фермалари ним ошди савдосида сотилди. 1997 й. 1 январга келиб деҳқон хўжаликлари сони 19828тани ташкил этади. Тармоқдаги нодавлат сектори 99 % ни ташкил этди.

1994 йилда пахта ва ғалладан бошқа барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига давлат бюртмаси бекор қилинди. Пахта ва ғаллага давлат буюртмаси доимий равишда камаймоқда ва ўз навбатида харид нархлари ошмоқда.

1996 йилда ЯИМ ишлаб чиқаришда саноат салмоғи халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 13% дан фойдаланган ҳолда, 17,4 %ни ташкил этди. 1996 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 6,0% га ўсди. Машинасозлик, металлни қайта ишлаш, металлургия, кимё ва ёғочни қайта ишлаш саноати каби соҳаларда кучли ўсиш кузатилди. Ўзбекистон ҳукумати ёрдами билан инвестицияларнинг кўпаяётганлиги туфайли нефть ва газ казиб чиқариш, пўлат.

кимёвий ўғитлар ишлаб чиқариш, қора металл прокати талайгина ўсди. Ириқ қўлма корхоналар ишга тушируди, пировардида автомобиллар, электроника, дон маҳсулотларни ўриш машиналарини ишлаб чиқаришнинг кескин кўнаишига олиб келди.

Иқтисодий ислохотлар: Маъмурий буйруқбозлик тизими шароитида Ўзбекистон халқ хўжалиги бошқа собиқ совет республикалари иқтисоди билан чамбарчас боғлиқ эди. Ўзбекистон иқтисоди умумиттифоқ меҳнат тақсимотининг таркибий қисми бўлиб, иттифоқ бюджетидан келадиган ресурсларга боғлиқ ва ишлаб чиқаришнинг яққаҳоқимлик тизимига эга эди.

Бунга жавобан Ўзбекистон иқтисод ва жамиятни тизимли трансформация қилиш учун киришишга мажбур бўлди. Ўзбекистон бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш йўлини танлади ва бу йўналишда муҳим юксалишларга эришилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши ва ишсизлик даражасининг кескин ўсишига йўл қўйилмади. Ҳукумат сайёи-ҳаракатлари иқтисодий тизимнинг ўзгариши билан боғлиқ; уч босқичдаги ечимларга қаратилди:

1. ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиш;
2. иқтисодий ўсишни тиклашнинг асоси сифатида макроиқтисодий барқарорликка эришиш;
3. барқарор ўсиш учун шароитлар яратиш.

Ўзбекистон бир қанча устувор омилларга эга. 1996 йилда Ўзбекистон аҳолиси ўртача йиллик миқдори 23,3 млн. кишини ташкил этди, уларнинг ярми меҳнатга яроқли ёшдадир. Ўзбекистон ҳиссасига Марказий Осиёдаги меҳнат ресурсларининг 40 % тўғри келади. Мамлакат меҳнат салоҳиятининг характерли хусусияти бўлиб юқори таълим даражаси ҳисобланади.

Халқ хўжалигида банд бўлганларнинг ҳар тўртдан бири олий маълумот ёки ўрта махсус маълумотга эгадир.

Ўзбекистон табиий бойликларга бой. Унинг ҳудудида 2700 тадан ошиқ турли фойдали қазилма конлари аниқланган, улардан 900 таси ўрганилган. Ўзбекистон олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тузи, фосфор каби фойдали қазилмаларнинг тасдиқланган захиралари ва келажакдаги фойдаланиш билан МДХда етакчи ўринни эгаллайди. Минерал хом-ашёни қазиб олиш ва уни қайта ишлаш иқтисодиётнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатиб, асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Марказий Осиё минтақасида жамланган барча газ конденсатининг 74 %и, нефтнинг 31 %и, табиий газнинг 40 % ва кўмирнинг 55% захираси Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Энергетик мустақилликга эришиш учун нефть ишлаб чиқариш 1990 йилдан 1996 йилгача уч хисса ошди ва 7,7 млн. тоннани ташкил этди, табиий газ қазиб олиш эса 20 %га ошиб, 49 млрд. куб.м.ни ташкил этди. Бу нафақат ички эҳтиёжларни қондиришга, балки уни экспорт қилишга ҳам имконият яратди. Ўзбекистон табиий газ қазиб олиш бўйича дунёдаги энг йирик газ қазиб олувчи мамлакатлар унлигига қиради. Бухородаги янги нефтни қайта ишлаш заводи эвазига нефтни қайта ишлаш камида 30 % га ошади. Ўзбекистон ўзини тўлиқ кўмир билан таъминлаган. Республиканинг энергетика мустақиллиги ҳал этилган. Марказий Осиёдаги фойдаланса бўладиган имконий ва техник гидроэнергетик манбаларнинг 14 % Ўзбекистонга тўғри келади. Ҳозирги вақтда электр энергиясининг 85 %и ИССИҚИЖ станциялари ва 15 %и гидроэлектростанциялар томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон кучли қишлоқ хўжалик салоҳиятига эга. Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг 95 % га яқини суғориладиган ерлар билан боғлиқ.

Суғориладиган ерларнинг деярли 4,2 млн. гектарига ривожланган сув омборлари, насос станциялари, каналлар, суғориш иншоотлари, коллекторлар ва бошқа гидротехник иншоотлар тизими орқали хизмат кўрсатилади. Асосий қишлоқ хўжалик экини пахта ҳисобланади. Ўзбекистон пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича дунёда тўртинчи ва уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда туради. 1996 йилда экин майдонларининг 35 % пахта экиш учун ажратилди. Пахта толаси салмоғи 1996 йилги умумий экспортнинг 38,1 %ни ташкил этди. Мамлакатда 15 % га яқин тола қайта ишланади.

Шунингдек, сабзавотлар, мевалар, ғалла ва гуруч ҳам асосий экин турларига қиради. Озиқ-овқат билан ўз-ўзини таъминлаш ва мустақиллигига эришиш ва халқ фаровонлигини таъминлаш учун пахта майдонлари секин-аста қисқартирилиб, бошоқли экинлар экиш, жумладан хосилнинг бир қисмини сотиб олиш кафолатланганлиги туфайли ҳам кўпаймоқда. Натижада бошоқли экинлар майдони 1992 йил 29% бўлгани ҳолда, 1996 йилда 35% етди. Ўз навбатида ғалла ишлаб чиқариш ҳажми ҳам 2,3 млн. тоннадан 2,9 млн. тоннага ошди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик майдонларининг кўпгина қисми, қорақўлчилик ва дағал мўйнали қўйчиликнинг ривожланиши учун асосни ташкил этувчи яйловларга тўғри келади.

Республикада 30 минг тоннага яқин пилла ишлаб чиқарилиб, унинг қарийб 30 %и экспорт қилинади.

Ўзбекистон ривожланган транспорт тизимига эга. Ҳозир янги икки ички темир йўл тармоқлари қурилиши олиб борилмоқда. Барча вилоят марказларида аэропортлар мавжуд.. 20 дан ошиқ чет эл шаҳарлари билан ҳаво йўналишлари ташкил қилинган. Ўзбекистон автомобил йўлларининг ривожланган тизимига эга,

уларнинг 90 % каттик қопламдан иборат бўлган йўллардир.

Республикада мавжуд транспорт ва телекоммуникация тармоғи кўшимча харажатларсиз янги ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга имкон беради.

Ўзбекистоннинг мавжуд ниҳоятда улкан ресурслар бўйича, ақл-заковат ва ишлаб чиқариш имконияти иқтисодни тубдан ислоҳ қилиш, хорижий капитални жалб қилиш ва жаҳон ҳамжамиятига кўшилиш учун юксак имконият ва шарт-шароитлар яратади.

### **3. Аҳоли**

Аҳоли сони бўйича Ўзбекистон Марказий Осиёда пешқадам ва МДХ давлатлари ичида Россия ҳамда Украинадан кейин 3 ўринда туради. 1997 йил бошига келиб аҳоли сони 23 млн 349 минг кишига етди. Ўзбекистон демографиясининг ўзига хослиги-туғилишнинг юқорилиги билан белгиланади. Бу аҳоли тез ўсишида асосий омилдир. Ҳар йили республикада 650-640 минг бола туғилади ва ҳар йили 2,3 %га ўсишни ифодалайди. Шу билан бирга кишлоқда туғилиш даражаси шаҳарга нисбатан 45-50 % кўпдир. Аҳолининг икки баробар ўсиш даври 30 йилни ташкил этади.

### **4. Атроф-муҳит соҳасидаги сиёсат ва бошқарув**

*Собик Совет Иттифоқидан Ўзбекистон учун атроф-муҳит соҳасида қолган мерос.*

Ўзбекистоннинг собиқ СССР таркибидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши иқтисодий сиёсатнинг атроф-муҳитга кўрсатадиган таъсирини ҳисобга олмасдан олиб борилган эди.

Аввалги даврлар таҳлиллари шуни кўрсатадики, режалаштирилган экологик дастурлар ё умуман бажарилмаган ёки қисман бажарилган. 1991 йилда

Ҳукуматнинг уларга сарфлаган харажатлари бор-йўғи ЯИМнинг 0,06 % ини ташкил этди. Вазиятни ўнглаш учун 1991 йилда 2005 йилга мўлжалланган "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат манбаларидан оқилона фойдаланиш бўйича Дастур" ишлаб чиқилди. У республиканинг экологик ҳолатини яхшилаш учун узок муддатли стратегия ва асосий вазифаларни ўз ичига олади. Сўнгги беш йил давомида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бажарилган чора-тадбирлар ушбу дастурга мувофиқ амалга оширилган.

### ***Атроф-муҳит соҳасидаги сиёсат ва бошқарув***

Ўзбекистонда мустақилликнинг эълон қилиниши, унинг жаҳон иқтисодиёти ва сиёсий структураларга кўшилиши аҳоли турмуш тарзининг ўсишига ва экологик муаммоларнинг ҳал этилишига кучли рағбатлантириш бўлди. Ҳозирги вақтда республикада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласига иқтисодий ислохатларнинг ажралмас узвий қисми сифатида қаралмоқда. Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати ишлаб чиқариш ва атроф-муҳит уйғунлигига эришишга йўналтирилган бўлиб, мамлакат олдида турган экологик муаммоларни ҳал қилиш бўйича олиб борилаётган ҳаракатлар ҳар томонлама қўлланмоқда.

Айни вақтда фуқароларнинг экологик ҳавфсизлиги Конституция билан кафолатланган. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик аҳоли экологик ҳавфсизлигининг ижтимоий ва иқтисодий асосларини яратди. Конституциянинг 55-моддасига мувофиқ, ер, сув, ёввойи ҳайвонлар, ўсимликлар ва бошқа табиат манбалари миллий бойликнинг ажралмас қисми бўлиб, давлат томонидан қўриқланади.

Экологик дастурларни молиялаштиришга ажратилган маблағни, табиатни муҳофаза қилиш ҳудудий жамғармалари тизими, нодавлат экологик жамғармалари ва бозор

иктисодиетига ўтишда ривожланаётган янги молиявий ҳамда кредит механизмлари воситасида эришилади,,

### **Ердан фойдаланиш ва сув манбалари**

#### **Кириш.**

Табиий манбалардан фойдаланишни оқилона бошқариш етишмаслиги Ўзбекистонда ердан фойдаланиш натижаларини аниқ кўрсатиш имконини бермайди. СССРнинг тарқалиб кетиши оқибатида, Марказий Осиё республикаларининг мустақил давлатларга айланиши ҳудудий бўлинишларга олиб келди. Бу ердан фойдаланиш ҳисоботларида жиддий ноаниқликлар пайдо бўлишига сабаб бўлди. Шунга қарамадан, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, ҳамда Давлатбионазоратдан олинган маълумотлар асосида 4-Жадвал тайёрланди. У қатор кўрсаткичлар бўйича маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги ва чегараланганига қарамадан, Ўзбекистонда ердан фойдаланиш, мамлакат ҳудудидаги ҳар хил ерлардан қандай фойдаланилаётгани характери ҳақида ва биохилма-хилликни сақлаш учун ердан фойдаланишнинг турли тоифаларига тегишли бўлган ҳудудларнинг зарурлик даражаси тўғрисида муайян умумий тасаввур бера олади.

## **1. Ўзбекистонда ердан фойдаланишнинг шарҳи**

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, 1995 йилда республика ер манбалари 447,4 минг кв.км.ни ташкил этган. Унинг 61 %и ҚИШҲХ хўжалигида, 3,6 %и ўрмон хўжалигида фойдаланилган. 2 %ини алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар эгаллаган ва 26%и эса фойдаланилмайдиган ҳудудлардир. Қолган 6,9 %и шаҳар аҳолиси (0,5 %),

гидротехник иншоотлари (1,5 %), саноат, транспорт ва бошқа но қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган (4%).

Қишлоқ хўжалигида 82 % гача ер қорвачилик учун яйлов ёки ўриб олиннадиган пичанзор жой сифатида фойдаланилади. Ишлов бериладиган ерлар республика ҳудудининг 10,8 % ини ташкил этади.


1995 йилда суғориладиган ерлар 42 979 кв.км. (республика ҳудудининг 9,7 %и) эди: республика ҳудудининг 7,5 %и ҳайдаладиган ерлар, қолган қисми чўллар, манзарали дарахтлар ёки мевали боғлар, ҳамда ўрмон хўжалигига қарашли ерлардан иборат. Ҳайдаладиган ерлар жами ҳудудининг 69 % суғорилади.

Ўрмон хўжалиги. Республиканинг давлат ўрмон фонди 8.285.301 гектардан иборат ва унинг 4.492.071 гектарини ўрмон ерлари, 3.793.230 гектарини ноўрмон ерлари ташкил этади.


Қумлик минтақаларда жойлашган ўрмонлар 6.971.250 га-ни, тоғ ўрмонлари 1.185.085 га-ни, дарёбўйи ўрмонлари 57.846 га-ни, водий ўрмонлари 71.147 га-ни эгаллаган.

Гидротехника ва бошқа сув иншоотлари тоифаси каналлар ва сувни бошқариш бўйича таълуқли инфраструктураларни, ўз ичига олади, аммо йирик ва ўрта катталиқдаги сув ҳавзалари ва кўллар бунга қирмайди. Шундай бўлсада, "Ўзбалик" корпорацияси маълумотларига кўра, кўллар, бошқа сув иншоотлари 6.761 кв.км.ни ёки республика ҳудудининг 1,5 % ини эгаллайди. Бундан ташқари, Орол денгизи қуриётган бўлсада, унинг қолган қисми ҳам 16.500 кв.км. ни ёки Ўзбекистон ҳудудининг 3,7 % ини эгаллайди.


3-Харита: Аҳолининг жойлашиши



1. Расм. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ўзаро нисбати ва унинг ёш бўйича тақсимланиши



Q Шаҳар аҳолисининг  
Q Қишлоқ аҳолисининг



- 16 ёшдан кичик
- Меънатга лаёқатли ёшда
- Меънатга лаёқатли ёшдан юқорн

3. Жадвал. Аҳоли зичлиги ва қишлоқ аҳолисининг ҳудудлар бўйича фойзий тақсимланиши (таъ.)

	Аҳоли зичлиги киши / кв.км	Қишлоқ аҳолисининг ҳудудлар бўйича фойзий тақсимланиши % ҳисобидан
Ўзбекистон (ўртача)	49,6	61
Қорақалпоғистон	8,3	51
Андижон	464,6	70
Бухоро	32,7	67
Жиззах	41,6	68
Қашқадарё	65,8	74
Навоий	6,6	60
Наманган	215,1	62
Самарқанд	145,0	71
Сурхондарё	71,6	81
Тошкент	121,0	58
Фаргона	337,7	70
Хоразм	185,6	75
Тошкент ш.	6382,4	-

4. Жадвал. Ердан фойдаланиши даражалари ва уларнинг биохилма-хиллик нуқтани назаридан ахамияти тўғрисида маълумот

Ердан фойдаланишнинг асосий даражаси (FAO)	Ердан фойдаланишнинг мамлакатда қабул қилинган классификацияси	Ер май—дони МНГ КВКМ	Республика умумий ер май-донидан 70и	Биохилма - хиллик-нинг мазкур тоифа ерлардаги сифати
Ҳайдалади—ган ерлар	Суғориладиган экинзор	33,55	7,5	жуда паст
	Суғорилмайдиган экинзор	7,6	1,7	жуда паст
	Шудгор >илинган ерлар	0,67	0,15	паст
	Томорца майдонлари ва хусусий ерлар	6,04	1,35	паст
	Мелиорация ишлари учун вақтинчалик олинган	0,77	0,17	жуда паст
<b>Жами</b>	<b>Жами Ҳайдаладиган</b>	<b>48,63</b>	<b>10,87</b>	
Доимий >ГЛИ^ ва яйловлар	Суғориладиган пичанзорлар ва яйловлар	0,45	0,1	паст
	Суғорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар	225,9	50,5	ўртача
	<b>Жами пичанзорлар ва З^локлар</b>	226,3	50,6	
	<b>Жами Ишлок хўжалигида</b>	275,2	61,5	паст F жуда паст
Урмон хўжалиги	Суғориладиган кўчатлар ва мевали боғлар	3,58	0,8	паст
	Суғорилмайдиган кўчатлар ва мевачи боғлар	0,13	0,03	ўртача
	Табиий ўрмонлар ва бутазорлар	12,5	2,8	юқори
	<b>Жами ўрмон хўжалиги бўйича</b>	16,2	3,6	ўртача
	<b>Алот^ида му^офаза қилинадиган табиий з^удлар</b>			
Доимий муҳофаза қилинадиган Районлар*	Миллий боғлар	5,8	1,3	юқори
	Қўриқхоналар	2,2	0,5	жуда юқори
	Бошқалар**	0,9	0,2	юқори
	<b>Жами доимий му^офаза қилинадиган з^удлар бўйича</b>	8,9	2,0	юг^ори F жуда юқори
	Саноат корхона^ари, транспорт тармоқлари ва бошқа ноқишло^ хўжа^ик тармог^ларида фойдаланадиган ерлар	1,7	4	паст
	Гидротехник ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари ерлари	6,7	1,5	паст F ўрта
	Шаҳар худудлари	3,1	0,5	жуда паст
	Фойдаланилмайдиган ерлар	119,4	26,7	номаълум
Жами республика худуди		447,4	100	

бу юртмахоналарни ҳисобига о.в.и.а.наАа \*\* табиат едгор.хиклари. паррандачи.чик захиралари

**Туряи тоифадаги ердан фойдаланиш  
худудларида биохилма-хиллик сифатлари**

Суғориш деҳқончилиги натижасида табиий яшаш шароитининг тўлиқ емирилганлиги, кимёвий моддаларнинг юқори даражада қўлланилгани, пахта яккахокимлиги, ерларнинг юқори шўрланганлиги, бегона ўтларнинг ва паразитларнинг кенг тарқалгани сабабли барча хайдаладиган ер майдонларининг биохилма-хиллик сифати жуда паст. Аксарият яйловларда, қайси-ки, чорвачиликнинг унимсиз тизими

асосан ерларни унумли суғориб ишлов бериш худудларида жойлашгани учун нисбатан паст. Усимликлар табиий ҳолида ўсадиган ерларда ёки алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий худудларда биохилма-хилликнинг сифати юқори ёки жуда юқори. Хусусан, қўриқхоналарда, кучли муҳофаза остида бўлганлиги учун тегилмаган яшаш шароити сақланиб қолмоқда. Шунга қарамадан, уларнинг кўпчилиги ҳажми чегараланганлиги сабабли, уларнинг тўпланганлиги ва ёмонлашиб бораётган умумий шароит биохилма-

**3.Жадвал. Пестицид ва дефолиантларни қўллашнинг меъёри (1990-1993йиллар)**

Йил	Инсектицидлар ва фунгицидлар	Гербицид-лар	Дефолиантлар	Олтингу-гурт бирикмалари	Жами
	кг / га				
1990	5,1	6,4	19,4	37,2	19,0
1993	2,5	12,3	18,1	26,0	14,8

қўлланилаётган бўлса табиий яшаш шароити ва экотизимлардан унумли фойдаланиш оқибатида талайгина ўзгарди, бироқ ёввойи тегилмаган табиат унсурларини хали ҳам сақлаб келмоқда. Бироқ кўрсатилаётган тайзик, айниқса йирик судралиб юривчиларга, улар бошларининг жиддий қисқаришига ва уларнинг деярли тўлиқ йўқ бўлиб кетишига олиб келди. Биохилма-хилликнинг сугориладиган майдонлар ва ўрмон хўжалиги мевали боғлардаги бойлиги,

хилликнинг сифати бу жойларда ҳам ёмонлашишига олиб келмоқда. Саноат, транспорт, шаҳар, суғориш иншоотлари мавжуд худудларда биохилма-хиллик сифати юқори антропоген тайзик натижасида паст даражада деб қўзда тутилмоқда.

Айни пайтда "фойдаланилмаётган ерлар тоифасидаги биохилма-хиллик сифати номаълум бўлиб қоляпти.

**б.Жадвал. Мулкчиликнинг турли даражалари бўйича чорва моллари**

Чорва тури	Хусусийлаштириш тур тоифаси	Моллар сони (минг бош)	
		1995й.	1996й.
Кўйлар ва эчкилар	Жами	10059,3	9700,3
	Хусусий	3143,5	5277,1
	Жамоа	199,5	219,4
Чўчкалар	Жами	350,4	206,6
	Хусусий	25,0	28,0
	Жамоа	5,7	4,9
Йирик бошли қора моллар	Жами	5483,3	5304,3
	Хусусий	3852,8	3938,6
	Жамоа	188,8	216,1
	Жами сигирлар	2336,9	2282,2
	Хусусий	1866,1	1854,9
Жамоа	59,2	66,7	
Туялар	Жами	—	13,9
Отлар	Жами	144,8	145,5
	Хусусий	70,5	75,7
	Жамоа	7,8	8,8
Эшаклар	Жами	-	-

## 2. Қишлоқ хўжалиги

Юқорида қайд қилинганидек Ўзбекистон худудининг 61 %и қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилади. Шундан: 82 %и яйлов сифатида ва фақат 18 %и дехқончиликда. Утмишда қишлоқ хўжалиги ҳам бошқа барча тармоқлар сингари катъий марказлашган тартиб билан бошқарилган. Мустақилликка эришилгач, Ҳукуматнинг сиёсати бу муаммони эркин бозорнинг хом ашё ва маркетинг талаблари асосида ҳал қилишга йўналтирилди.

### Қишлоқ хўжалигида тайдаладиган ерлар

Мазкур тармоқ деярли тўлалигича суғориладиган дехқончилик билан банд ва республикада етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 95 %ини ишлаб чиқаради. 1960 йилдан бошлаб Ўзбекистонда етиштириладиган ўсимлик пахта ҳисобланади, у суғориладиган ерларнинг 40-60 % ини эгаллаган эди. Бошқа муҳим экинлардан ғаллалилар (буғдой, арпа, маккажўхори, супурги), чорва озукаси экинлари, картошка, сабзавотлар ва полиз экинлари етиштирилган.

### 7.Жадвал. Урмон цатлами.

Тури	Майдони (кв.км.)		Умумий майдондан % ҳисобида	
	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	Давлат Урмон қўмитаси	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	Давлат Урмон қўмитаси
Сунъий ўрмонлар	3340	3745	0,7	0,8
Боғли қўчатхоналар	8,5	-	-	-
Табиий ўрмон ва бутазор ерлар	24420	12547	5,5	2,8
Утлоқ ва чўл яйловлари	-	224611	-	50,5
Жами	27768,5	240703	6,2	54

1991 йилда барча турдаги экинлар учун ер тақсими куйидагича бўлган: пахта учун -41 %, ғалла учун -26 %, чорва озукаси экинлари учун- 25 %, мева-сабзавот ва бошқа экинлари учун 8 %.

### Заводлар химикатлар

Кейинги йилларда Ўзбекистонда пестицидларни қўллаш асосан иқтисодий сабабларга кўра кескин камайди.

Ҳозирги пайтда пестицидлар билан ифлосланиш хавфи турли ишлаб чиқаришларнинг оқова сувларидан келиб чиқади: сув оқимларининг экин майдонларидан ифлосланиши; пестицидларнинг атмосферада чангланиш орқали ҳавони ифлослантириши; сувдаги сув ўсимликларни ва бошқа организмларни назорат қилиш мақсадида химикатларни тўғридан-тўғри қўллаш; . Пестицидлардан ифлосланишнинг чекланган «қайноқ нуқтасига» дори пурковчи самолётлар учун аэродромлар ва пестицидлар омборлари ҳисобланади.

### Суғориш тармоқлари

Жўяклар суғориш Ўзбекистонда суғоришнинг кенг тарқалган усулидир. Суғориладиган майдонларнинг 95 % фоиздан кўпроғи айнан шу усул билан суғорилади. Томчилатиб суғориш, ёки пурқаб суғориш каби илғор усуллар ҳрзир кам қўлланади ва бу усулларни янада кенг жорий қилиб кўрсатилган усулларни ривожлантириш учун жуда катта маблағлар талаб этилади.

Жўяклар суғориш усулининг самарадорлиги 65 %ни ташкил этади. Сувни экин

майдонларига каналлар орқали келтириш чоғида йўқотилиш, каналлар туби ва ён деворлари сиртларининг махсус қонлаб чиқилмагани учун сувнинг ерга сингиши ва буғланишнинг кўплигидир. Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитасининг баҳолашича, суғориш тармоқларининг умумий самарадорлиги 50 % дан ошмайди.

Баҳоланишича, жами суғориладиган ерларнинг 70 дан 100 %гача бўлган майдони дренаж тармоқлари билан жиҳозланган. Шундай бўлсада, ботқокланиш ва шўрланиш энг жиддий муаммо бўлиб қолмоқда.


### Чорвачилик

Ўзбекистон ҳудудининг 225.031 кв.км. ёки 50 %и чорвачилик учун яйлов сифатида ажратилган. Бу ҳудуднинг катта қисмини табиий яйловлар ташкил этади, кичик қисми (420 кв.км.) эса суғорилади. Жадвалда чорва моллари сони уларнинг

### Аҳамияти ва маълуми

Урмонлар ва табиий ўсимликлар билан қопланган бошқа ҳудудлар хўжалик нуқтаи назаридан ҳам табиатни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Биринчидан, атроф-муҳитдаги жараёнларни барқарорлаштириш нуқтаи назаридан (дарё ва сув айирғичларни сақлаш, чўлланиш жараёнларига қарши ҳаракат, атмосфера шароитларига таъсир кўрсатиш ва бошқалар) улар жуда муҳимдир; иккинчидан, улар ҳудудининг бир қисмини яхши яйловлар сифатида ишлатиш мумкин;

2.Расм Ўзбекистонда пестицидларнинг қўлланилиши



қайси турга мансублигига кўра ажратиб кўрсатилган (6.Жадвал).

### 3. Урмон хўжалиги.

Ўрмонлар Давлат Ўрмон Қўмитаси ва Қишлоқ, ва сув хўжалиги Вазирлигига қарашли бўлгани учун ҳуқуқда жадвалда ҳар иккала манбадан олинган қисқача маълумотлар келтирилди. (7.Жадвал).


### Тақсимланиши

Урмонлар республика ҳудуди бўйича бир текисда тақсимланмаган. Давлат Урмон Қўмитаси маълумотларига кўра, табиий ўсимликлар ва ўрмонлар дашт ҳамда чўллар ҳудудларининг 85 % ини, тоғларнинг 13 % ини қоплаган. Авваллари ўсимликлар билан бой қопланган дарёбўйи ва водийлар ҳудудларида улар бор-йўғи 2 % қолган.

ва учинчидан, улар ёнилғи манбаи сифатида ҳам фойдаланилмоқда, бунда ёнғоқ, мевалар ва бошқаларни йиғиб олиш ҳам амалга оширилади,

Қирғоқбўйи ўрмонлари {тўқ, айлар} йирик дарёлар қирғоқлари ёқалаб жойлашган. Улар яқин вақтларгача айтарли катта ҳудудларни эгалларди, бироқ, у ердаги дарахтларнинг кесилиши ва дарё оқимларини тартибга келтириш оқибатида бу ерлар майдони 10 мартадан кўнга қисқариб кетди. Қишлоқ хўжалигида ерлардан фойдаланиш учун ўрмонларнинг ёппасига кесилиши ҳудуд атрофларининг иккиламчи шўрланишига сабаб бўлди, сув ва шамол емириши муаммоларининг кўпайишига олиб келди. Тоифа сифатида қўриқилган қирғоқбўйи ўрмонлари мутлоқ, йўқотиш ҳажмлари нуқтаи назаридан

4"~Харита: Узбекистонда ердан фойдаланиш даражаси



Шахар атрофида хўжалиги (сабзаовлар, полиз жинири, узумзор/ир): сут чорвачилиги

Гўшт—терп чорвачилиги, водаҳ. шрдаги дон экияти майдонларини бордорчилик ерлари

Сугориш дехқончилиги: сут...гўшт чорвачилиги

Қўшма сугориш даражаси Арлари

Ла.оги дехқончилик (дон экинларини гўшт-слт чорвачилиги)

Қўшма қорақулчиликни РИЕ ОЖЦҚ ТИ рини худудларини: кўшма ш.лини, ТМҚ

Қўшма «1 ШОИЧИЛИК»

Чўл Ер ярим Қўшма яйловлар қорақулчилик, «5ги

^ Ондатранп кўпайтириш

^ Ҳисор қўшма,ларини кўпайтириш

бошқаларга нисбатан кўпроқ талофат кўрди.

Республиканинг тоғли худудлари деярли тоғ ўрмонлари билан қопланган. Улар иқлимни мўтадиллаштириб, сув режимларини тартибга солади, тупроқни эмирилишдан сақлайди.

Чўл бутазорлари ва бошқа ўсимликлар асосан қумли тупроқларда кўкаради. Бу ўсимлик турлари қумларни мустаҳкамлаш учун, кескин континентал чўл иқлимни юмшатишда жуда муҳим ўрин тутди.

яхлит холда ўзлаштирилишининг натижаси сифатида содир бўлди. Кейинги йилларда бу ишларнинг шиддати бир мунча қисқарди. Шунга қарамадан, Ўзбекистондаги ўрмонлар ва табиий ўсимликлар қопламлари ҳолати ҳозирда ҳам қониқарсиздир. Фазовий кузатиш бўйича Миллий марказ маълумотларига кўра, Қашқадарё хавзасида мавжуд бўлган дарахтзор ва бутазорлар билан қопланган майдонлар 12 %га қисқарган. Бу худудда ёнғоқ ва бошқа мевали дарахтлар, доривор ва бошқа ноёб ўсимликлар миқдорининг икки марта қисқариб кетгани

*в.Жадвал. Амударё ва Сирдарё сув ҳажмини узоқ муддатли баҳолаш*

Дарёлар	Узоқмуддатли ўртача йиллик 01^ими (куб.км.)	
	"А" баҳо	
Амударё хавзаси		
Панж	33,35	34,92
Вахш	20,14	20,14
Бошқалар	22,23	22,09
Жами Амударё бўйича	75,72	77,15
Сирдарё хавзаси		
Норин	13,96	12,53
Қорадарё^	3,81	3,82
Фарғона водийси		
сув ирмоқлари	7,63	5,65
Чирчиқ	7,26	6,94
Бошқалар	2,07	1,69
Жами Сирдарё бўйича	34,73	30,63
Жами Орол денгизи хавзаси бўйича	110,45	107,78

Чўл ва дашт бутазорлари билан қопланган катта ер худудлари Бухоро, Навоий ва Қорақалпоғистонда жойлашган. Сурхондарё, Хоразм, Сирдарё вилоятлари ва Фарғона водийсида уларнинг кичик-кичик майдонлари бор.

#### **Мавжуд эҳлолат**

2 млн. га ўрмон майдонлари қишлоқ хўжалиги ташкилотларига вақтинчалик фойдаланишга берилган, улар ўн йиллар мобайнида бу майдонлардан муттасил равишда яйлов сифатида фойдаланиб келингани сабабли улардан ўрмон хўжалигида фойдаланишнинг имконияти йўқотилишига олиб келди.

Урмон ва табиий ўсимликларнинг энг йирик йўқотилиш йиллари 1930 йилдан 1980 йилгача, асосан қишлоқ хўжалигининг

жиддий ҳавф мажудлигидан далолат беради.

Шунинг учун 1993 йилда Ўзбекистон Ҳукумати ўрмон худудларидан узоқ муддатли фойдаланишни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди. 90 минг гектар майдонда иморатбоп тераклар 800 минг гектарда элдор қарағайлари ва суғориладиган аммо кам ҳосил берадиган 500 гектарда грек ёнғоқлари етиштириш ҳақида ҳам қарор қабул қилинди. Доривор, озик-овқат ва манзарали ўсимликлар йиғиш қодалари ва режалари белгиланди.

Келгусида хўжаликни юритишда ўрмонларнинг табиий ўсишини сақлаш, шунингдек, сунъий ўрмонлар вужудга келтиришга устивор аҳамият бериш керак.

#### 4. Сув манбалари

##### Ерусти сув манбалари

Амударё ва Сирдарё хавза\ари сув ОҚМНИ барча ерусти сув манбалари ташкил этади. Унинг катта қисми Тожикистон ва Қирғизистонда таркиб топади. Амударёнинг уртача йиллик сув хажми 75 куб.км., Сирдарёники 35 куб.км. бўлиб, жами 110 куб.км. ни ташкил этади.

##### Кўллар ва сув омборлари

Унча катта бўлмаган сув омборлари ва бошқа сув хавзаларининг аксарияти ҚИШЛОҚ хужалиги мақсадлари учун яратилган. Ягона табиий сув тўпланиш манбаи булиб Орол денгизи ҳисобланади. Бу кўлнинг акваториясининг ярми Ўзбекистон (Қорақалпоғистон)га, ярми Қозоғистонга қарашли бўлиб, у ўтган даврда амалга оширилган ерларни ўзлаштириш ва сув манбаларини бошқариш сиёсати туфайли талофат кўрди. 1970 йиллардан бошлаб Орол денгизи худуди деярли тенг ярмига қисқариб, Орол бўйида экологик фожиага олиб келди. Орол фожиаси дунё микёсидаги кулфат сифатида эътироф қилинди. Оролнинг қуриши ва унинг салбий оқибатлари минтақада табиий манбаларни бошқаришнинг умумий тизимлари мувозанат ва барқарорликни ҳисобга олмасдан амалга оширилганлигига кўргазмалар мисолдир..

Орол денгизидан ташқари, республика худудида яна бир катта сув хавзаси Айдар-Арносой кўл тизими мамлакат марказий қисми шимолида Жиззах ва Навоий вилояти худудларида жойлашган. У асосан 1969 йилда Сирдарё ўзанидан 25 кв.км. гача сувни табиий ёпиқ ботикликга ташланиши натижасида пайдо бўлди. Унинг сув сатҳи майдони ва сув хажми ўзгариб туради ва 1996 йилда 3000 кв.км. ва 30 куб.кмни ташкил этади. Кўл суви шўрроқ, аммо махсулот беришга яроқли, шу муносабат билан кўлда республика балиқ овлаш базасини

ташкил этиш учун етарли имконият мавжуд.. Кўл турли тарафдан учиб утувчи кушларга қўналға ва тўқай ўсимликларини ривожлантириш жойи сифатида катта аҳамиятга эга.

Ер ости сувлари республика сув манбаларининг салмоқли қисми ҳисобланади ва ичимлик ва қишлоқ хўжалигида сув таъминоти, жумладан, суғориш ва сув бостиришда катта аҳамият ўйнайди. 357 та ер ости чучук сув манбалари (маъданли ва термал сувлардан ташқари) топилган. Уларнинг захираси суткасига 21480 минг куб.метр бўлиб, унинг кунига 10523 минг куб. метри ичимлик масадларидадир. Аниқланган манбалардан бор-йўғи 267 тасидан кунига 8530 минг куб.метр хажмидаги сув фойдаланилади ёки қишлоқда тоза ичимлик сув таъминотини ривожлантиришнинг етарли захираси мавжуд.

##### Балиқчилик хўжалиги

Халқ хўжалигининг биологик ресурслардан энг самарали фойдаланадиган тармоги балиқчилик хўжалигидир. 60-йилларга қадар асосий балиқчилик саноати, Мўйноқ асосий балиқчилик маркази булган, Орол денгизидан жамланган эди. Денгиз йилига 40000 тонна балиқ етказиб берар эди, унинг 25000 тоннаси денгизнинг Ўзбекистонга тегишли қисмидан овланарди. Денгизнинг қуриши оқибатида унинг балиқчилик хўжалик аҳамияти йўқотилди, шундан кейин балиқчилик хўжалигини ривожлантириш учун бошқа имкониятлардан фойдаланилди.

9.Жадвал. Балиқ тайёрлаш ҳажми.

Йил	1992	1993	1994	1995	1996 (10 ойда)
Мий:дори (центнер)	7388,4	6675,4	3129,6	3611,6	3061,6

Асосий эътибор ҳовуз хўжалик\арини кўпайтириш ва балиқчиликка мие бўлган кўллар, биринчи навбатда Айдар-Арносой тизимидаги кўллардан фойдаланишга қаратилди.

Жадвалда кейинги 5 йилликда Узбекистоннинг барча сув хавзаларидан тутилган жами ба-лик микдори кўрсатилган (9.Жадвал).


1992 йилдан 1995 йилгача балик тайёрлаш кескин камайди (51 % атрофида). Бу ишлаб чиқаришнинг умумий пасайиб кетиши, молиявий ва ташкилий кийинчиликлар ва бошқа нисбатан кичик сабабларга боғлиқлиги билан изоҳланади.

**Келтирилган балиқ турларининг илмга мослашиши**


60-йилларгача Узбекистонда 31-39 хил маҳаллий балиқ тури мавжудлиги қайд қилинган. Кейинги 30 йилда кўплаб балиқ

турлари махсус, айримлари ҳар хил тасодифлар билан келтирилиб, иқлимга мослаштирилди. Сув хавзаларига бу ерда авваллари бўлмаган зоғара балиқ, чўртандўнг пешона, сiсiан ўтказилди. Хитой, Шимолий Америка, Сибирь каби узок жойлардан ҳам балиқлар келтирилиб, иқлимлаштирилди. Натижада умумий балиқ турлари ҳудудимизда 80 хилгача кўпайди. Шу билан айрим маҳаллий балиқ турларининг йўқолиб кетиш хавфи пайдо бўлди, хатто айримлари йўқолиб кетди. Жумладан, дарёларнинг ўрта қисмларида илгаридан яшаб келган баъзи балиқ турлари урчиш учун алоҳида шароитнинг бузулиши туфайли қирилиб кетмоқда.

5-Харита: Узбекистонда экологик ўзгаришларнинг асосий даражадри



6-Ҳарита: Ўзбекистон экотизимларининг асосий даражалари



# Ўзбекистон биохилма-хиллиги.

## 1. Ўзбекистоннинг биогеографияси, экотизимлари ва хавзалари.

### Кириш.

Ўзбекистон худуди табиий-географик тузилиши бўйича тоғлик ва текислик қисмларга бўлинади. Ана шу кўрсаткичларга кўра флора ва фауна таркиби ва улар экологик шароитларининг асосий кўрсаткичлари, муайян фарқларига асосан ажратилувчи 5 биогеографик зона аниқланган:

1. Текисликларнинг чўл экотизимлари.
2. Тоғ-олди ярим чўллар ва даштлар.
3. Асосий дарёларнинг дарё ва қирғоқ бўйи экотизимлари.
4. Намланган худудлар ва дельталар экотизимлари.
5. Тоғ экотизимлари.

Ҳар бир зона турли-туман табиий бирикмалар мажмуасига эга ва улар флора ва фаунанинг махсус уюшмалари фаолияти ва ривожланишини аниқлайди.

## 2. Текисликларнинг чўл экотизимлари.

Чўл экотизимлари Туров паст текислигининг катта қисмини эгаллаган бўлиб, у Қизилқум чўли, Устюрт платоси, Қарши чўли ва республика жанубидаги ва Фарғона водийсидаги айрим ерларни эгаллаган.

Чўл худудлари қумли, шўрхокли, соз тупроқли, тошлоқ ва гипсли (шағалли) чўлларга бўлинади. Уларнинг барчаси денгиз сатҳидан 100 метрдан 300 метргача бўлган мутлоқ ба'анд\икда жойлашган бўлиб, бир-бирига яқин, ўртача йиллик ҳарорат 11-18° С, егингарчилик

микдори 100 мм дан 150 мм бўлган омилар билан аниқланувчи нисбатан ўхшаш иклимий шароитларга эга.

Ўзбекистон чўл экотизимлари бой, ранг-баранг флора ва фаунаси билан ажралиб туради. Масалан, Қизилқумда ўсимликларнинг 937 тури, умуртқали ҳайвонларнинг 500 дан кўп тури ва турдоши, умуртқасизларнинг 950 тури мавжуд.

Чўл экотизимининг бўлақларини ташкил этувчи Қизилқум ҚОДҚ тепаликлари ва Устюрт чинки, ландшафтнинг зарур ҳимояловчи мажмуасини ўзида намён этади. У ерда флора ва фауна мажмуаларнинг энг бой дунёси жамланган. Бундан ташқари, чўл экотизимида кўплаб кичик сув тўпланадиган хавзалар бор-ки, уларда миграция даврида сувда сузувчи ва ботқоқ қушлари учрайди.

Чўл экотизими хинд асалхўри, дашт мушуги^ жайрон, мармар чуррак, морхўр, болтаютар, окбош кумой, лочин, йўрға тувалоқ ва оқ қоринли булдуруқ каби ноёб ва йўқолиб бораётган жонзотлар яшайдиган макон ҳисобланади. Ноёб судралувчилар орасидан 5 тури чўлларда яшайди. Чўл экотизимидаги вақтинчалик турларга ноёб қушларнинг 15 турини киритиш мумкин. Фарғона водийси чўл майдонларидаги кўнғизлар, тўқай капалаклари йўли^олиб бораётган турларга киритилган.

### Қумли чўллар

Қумли чўллар чўлнинг қумли жойларида таркиб топади. Қумли массивлар майдони республика текислик

майдонининг 27 %ини ташкил этади. Энг йирик кумли массив Қизилқумдир, Амударё ва Қашқадарё водийлари оралиғида Сандикли кумлиги ва Сурхондарёнинг қуйи оқидамида Каггақум кумлиги жойлашгандир.

Қумли чўллар иқлими қаттиқ ҚУРУҚ ва кескин континенталлиги билан ажралиб туради. Қишнинг минимал температураси  $-36^{\circ}$ ,  $-32^{\circ}\text{C}$  га этади, ёзда эса температура  $46^{\circ}$ ,  $47^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади. Еғингарчилик миқдори жуда кам бор-йўғи 75-100мм га этади.


Ўзбекистоннинг кумли чўлларида гулли ўсимликларнинг 134 тур ва 31 оилага мансуб 320 га яқин хили мавжуд. 171 тури ҳақиқий псаммофитдир, улардан 40 таси гипс чўллари, 60 таси тоғ-олди ва қуйи тоғ минтақасида ўсади. 50% га яқин тур - эндемик, қолганлари эрон-турон, турон-кавказ ва турон-европа элементларидан иборат.

Дарахт-бута ўсимликлар псаммофит ўсимликларининг асосий қисми саналиб, флоранинг 30 фоизини ташкил этади: дарахтлар-*Haloxylon persicum*, *Ammodendron conollyi*, *Salsola richteri*, *Eremosparton flaccidum*; дарахтсимонлар-*Calligonum* оиласининг турлари; бутасимонлар-*Calligonum* оиласининг бутасимон вакиллари, *Salsola arbuscula*, *Ephedra strobilacea*, *Astragalus unifoliolatus*, *A. paucijugus*.

Кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар гуруҳлари эфемероидлар (10 %) ва ёзги мавсумий ўтлар (20 %) намоиш этилган. Эфемероидлардан *Сagex physodes*, *Роa bulbosa*, *Ferula foetida*ни таъкидлаб ўтиш лозим, улар ўсимлик қатламида асосий ҳисобланади. Кўп йиллик ўтсимонлардан *Stipagrostis pennata*, *S.karelinii*, *S.minor* кабилар эса кўчмас кумларнинг пионерлари ҳисобланади. Чўл кумлари турларининг 40 %га яқин турини бир йиллик эфемер-ўтлар ва ёзги кўқарувчилар ташкил этади. Қумли чўл фаунаси умуртқалиларнинг 200га яқин турлари билан ташкил этилиб,

улардан 16 турдагиси паррандалар, 150 таси кўниб ўтадиган ва уя қўйувчи кушлардан ва 22 таси сут эмизувчилардан иборатдир. Чўл ҳайвотот дунёси жонзотларининг кумли оиладошлари энг характерли вакилларидан псаммофил турдагилардир: қизилқулоқ ва матрап-тўгаракбош калтакесак, ҳамда қўшоёқларнинг баъзи турлари - жуноёқли, тароқ бармоқли, Лихтенштейн ва Бобрин турлари ажралиб туради. Қумсичқон ва юмронқозиқ чўл кемирувчилари орасида типик кўмли формалари вакилдирлар. Қушларнинг 50га яқин тури кумли чўл шароитида яшашга мослашган. Саксовулзор ва бутазорлар уя қўйиш учун қулай манзил бўлиб хизмат қилади. Қумли чўллар Шарқий Европа ва Шимолий Осиёдан учиб ўтувчи оқимларнинг кесиб ўтиш районлари ҳисобланади ва уларга қиска муддатли қўналға жойи вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, юмшоқ кам қорли киш, кишлаш учун шимолий ҳудудлардан 30 га яқин турдаги қушларни ўзига жалб этади.

#### Тошлок^ чўл ( шагалли, гипсли)



Бу гур  
\* Устьюрт  
платоси,  
Қизилқум  
чўли бир  
қисмининг  
асосий  
ландшафти  
ҳисобланади

ва республика жанубидаги тоғ тизимлари этаклари бўйлаб айрим бўлақларни ташкил этади.

Чўлнинг бу хили иқлими умуман бошқа чўлларнинг иқлимига ўхшашдир. Уртача йиллик ҳарорат  $10-14^{\circ}\text{C}$  ни, минимуми  $-32^{\circ}\text{C}$ , максимуми  $46^{\circ}\text{C}$  атрофида бўлади. Еғингарчилик юқори эмас - шимо^да 100 ММ гача, жанубий ҳудудларда эса 200мм гача бўлади.

Тошлок, кўнғир-қулранг тупроқ чўл тупроғининг ўзига хос хусусияти, унда кўнғир қатламнинг мавжудлигидир. Унинг зичлиги, майда тошли ва 1 метр

чукурликкача бўлган гипс қатламининг ортиб бориши бунга асос бўлади.

Қўнғир қатлами чўллаларнинг ўсимликларини чуқур илдиз отмайдиган, камхосил, унумдор бўлмаган қадимги тоғ тупроқлари ва ранго-ранг қатламларда ўсувчи 400га яқин ўсимлик турлари ташкил этади. 41 турдаги ўсимликнинг сув-минерал озикланиши тупроқнинг гипсли қатлами билан боғлиқ.

Тошлоқ чўл фаунасида умурткали ҳайвонлар 129 тури мавжуд, уларнинг 11 тури судралувчилар, 100 тури қушлар, 18 тури сут эмизувчилардир.

Қушларнинг уя қўйувчиларга таълуқли 30 тури бу ерда доимий яшайди, уларнинг энг характерлилари: сувбулдурук, қора коринли булдурук, йўрға тувалоқ, япалоққуш, қора думли тентаққуш, олтин тусли кўркинак ва 4 турдаги тўрғайлардир.

Майда тошли чўлда яшайдиган асосий сутэмизувчилар - кемирувчилардир, улар орасида: катта қумсичқон, Северцов кўшоёғи, кичик кўшоёқ ва бошқалар бор. Чўлнинг бу тури - сайғоқ ва жайрон каби жуфт туёқлиларнинг яшаш маконидир.

Судралиб юрувчилардан бу ерда тақир ва матрап тўгаракбошлар, чўл ағамаси ва чопқир калтакесаклар яшайди.

### **Шўрхок чўл**



Бу тур чўллар Устюрт нлатоси шўрланган қисмлари ва ён бағирларида, Айдар-Арнасой кўллари тизимининг (Оёкогитма, Қорахотин, Мингбулоқ ва бошқа) оқимсиз ботикларида ва Амударёнинг ҳозирги дельтасида жойлашган.

Бу тур чўллар Устюрт нлатоси шўрланган қисмлари ва ён бағирларида, Айдар-Арнасой

Ўзбекистоннинг шўр босган ерларида ўсимликларнинг 304 тури учрайди. Уларнинг 1/3 қисми ҳақиқий галофитларга, 26%и Марказий Осиё эндемикларига, 4% Узбекистон эндемикларига мансубдир.

Шўрхокларнинг ўзига хос хусусияти тупроқ устки қатламининг доимо намлиги ва ёпиқ сув ҳавзаларининг вақтинчалик мавжудлигидир. Бу турнинг экологик афзаллиги фаунанинги ўзига хос тартибини аниқлайди, сувда ва қуруқда яшовчилар (чўл қурбақаси) ва қирғоқ бўйи қушлари бу ерга келиб турадилар.

Шўрхок чўл фаунасида ҳайвонот дунёсининг 118 тури аниқланган бўлиб, уларнинг 7 таси судралувчилар, ЮОтаси қушлар ва 11 таси сут эмизувчилардир.

### **Соз тупроқли чўл**



Бу хил чўллар Қашқадарё ҳавзаси, Далварзин ва Мирзачўл чўлларининг тупроқли ва соз тунроқли қатламларида

жойлашган. Бу чўлнинг тупроғи асосан оч бўз ерларга таълуқлидир.

Соз тупроқли чўллар кўнроқ ер усти сувларига бойдир ва уларнинг ҳолати кўпроқ иқлимни белгилайди. Ўртача йиллик ёғингарчилик миқдори 200-300мм, ўртача йиллик ҳарорат 14-16° С, минимум ҳарорат -28°-30°С, максимал иссиқ ҳарорат 44°С дан 49°С гача ўзгариб туради.

Соз тупроқли чўл флораси майда шагалли (юқорига қаралсин) чўл билан бир жиҳатдан ўхшашликка эга, бу ерларда намгарчиликнинг юқори бўлганлиги сабабли баҳор вақтларида қалин ўсимлик қатлами таркиб топади.

Соз тупроқли чўл фаунаси умумий таркибига кўра майда тошли чўл

фаунасига ўхшайди. Ўзига хос жониворлар вакиллари: Урта Осиё ташбақаси, чаққон ва ҳар хил тусдаги калтакесаклар, чипор илонлар. Қушлардан икки холли ва чўл тўғайлари ва учиб ўтувчилардан булдуруқлар, турналар учрайди.

Соз тупроқли чўл йўқолиб кетаётганининг асосий сабаби ерларнинг ўзлаштирилишидир. Мирзачўл деярли маданий ландшафтга айлантилди, Қарши ~ чўли мунтазам ўзлаштирилмоқда. Яқин келажакда бу табиат таркибининг йўқолиб кетиши катта хавф остида қолмоқда.

### 3. Тоғ даштлари

Тоғ даштлари денгиз сатҳидан 2000-2600 м; - метр -Р' баландликда жойлашган. Асосий

тупроғи қора бўз тупроқ<sup>^</sup>. юқори қисмларида оч кулранг ва жигарранг тоғ-дашт тупроқлардир. Уртача йиллик ҳарорати 11-14°С.

Бу жойларнинг флоравий таркибида 48 туркум, 257 оилага мансуб 634 та ўсимлик тури мавжуд. Улардан 313 тури Урта Осиё эндемиклари, 476 таси Ўрта Осиё, Олд Осиё ва Ўрта Ер денгизи флораси учун умумий бўлган ўсимликлардир.

387 турлар (61 %) кўп йиллик ўтларга тегишли. Бир йиллик ўсимликлар 146 турни ташкил этади, бзтазорлар -34, дарахтлар 15, ярим бутасимонлар 52 турни ташкил этади. Судралувчилар туркум гуруҳи Туркистон агамаси, Осиё яланг кўзи<sup>^</sup> узун оё<sup>^</sup>ли сцинк, сариқ илон, Тожик калтакесаги, Ўрта Осиё капчабош илонидан иборат. Қушлардан: дехқончумчук, чўл микқити, тентаққуш, олтин тусли кўркинак, кўк

қарға, турғаилар; сутэмизувчилардан: чул сассик кўзани, кулранг оғмахон, даласичкон, бўрсик, жайрон учрайди.

### 4. Дарё ва қирғоқбўйи экотизимлари.

Бу экотизимлар асосан Амударё ва Сирдарё водийлари текислик қисмлари, Зарафшон ва Сурхондарё қуйи қисмларини ўз ичига олади. Дарё экотизимлари таркибида тўқай ва қайир ўрмонлари асосий ўрин тутаяди. Ҳайвонлар тартиби унчалик бой бўлмасда, лекин ўзига хос хусусиятга эга.

Дарё экотизимлари шароитлари хилма-хиллиги учта асосий типдаги яшаш жойлари ажратишга имкон беради: камишзорлар, очик саёзликлар ва тўқайлар.

#### Тўқайлар (галерей ўрмонлари)

Чўл тўқайларининг йирик массивлари эсиз йўл ёки ороллар шаклида Амударё водийси ва



унинг дельтасида, Сирдарё, Сурхондарё, Зарафшон, Чирчиқ дарё водийлари айрим жойларида сақланиб қолган. Уларнинг умумий майдони 1660 минг гектардан ортик. Тўқайларнинг алоҳида кўринишлариинг Ангрен ва Қашқадарё қуйи қисмларида учратиш мумкин.

Тўқайларнинг ўсимлик таркиби 35 оила ва 105 турга мансуб 285 хил томирли ўсимликлар билан намоиш этилган. Типик тўқай ўсимликлари асосан 40 хилга яқин.

Намгарчиликнинг сероблиги амфибияларнинг тўқайларга ўтишига йўл беради. Судралувчилардан яланг кўз, сариқ илон ва нисбатан қуруқ жойларда калтакесаклар учрайди. Ву жойда чипор илон, сув илони, қора илон бўлиши доимий ҳолдир. Қушлардан айниқса тустовук бу ер учун

хусусиятлидир. Қора қарға, зағиғон, кичик чумчук симонлар ҳам яшайди. Кўк қўтон, қоровойлар колониялар ҳосил қилади. Қалхат, о тош қирғий ва бошқалар ин қуришади. Ииртқич сутэмизувчилардан: тўқай мушуги, чиябўри, тулки, бўрсик, кемирувчилардан қумсичқон, каламуш, каспий дала сичқони, туёқлилардан: тўнғиз ва Бухоро буғуси яшайди.

#### **Қамишли чакалакзорлар**

Бу жойлар ғозқанжир, қашқалдоқ, мўйловли читтак, какку, ботқоқ бўқтарги, қора қарға каби кўплаб қушларнинг озикланиши ва ин қуриши учун хизмат қилади. Саёликларда чайка, балиқчилар, қораёқалар, чўл каккулари ин кўйишади. Яшил бақа, қалтакесак, сув илони, чўл яланг кўзи бу ерда яшайди.

#### **Дарёлар ва очик сазликлар**

Дарёлар ва сойлар катта ва сохта-куракбурун, Орол бақра балиғи, Орол сўзан балиғи, окқайроқ яшайдиган жойи ҳисобланади. Бу жойнинг умуртқалилар биохилма-хиллиги унчалик катта эмас, аммо тўқайлар ва қирғоқ бўйи ўрмонлари уни сацлашда жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ушбу ҳудудларнинг экотизимлари антропоген таъсирдан каттик шикастланган, бинобарин йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларнинг асосий қисми мана шуларга тегишлидир. Ноёб, ҳаёти дарёлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳайвонлар ичида, сони бир неча юзтага камайиб кетган (қўриқхона ҳудудларида мавжудлари билан бирга) Бухоро буғуси ва Урта Осиё қундузини кўрсатиш мумкин. Урта Осиё учун эндемик ҳисобланган тустовуқнинг 6 турдошини сақлаб қолишда тўқайли ўрмонларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Дарё экотизимларининг

нодир қушлари биркозон, қошиқ бурун, қоровой ва кичик қоровойлардир.

Дарё соз тупроқли жарлик қирғоғи ихтисослашган яшаш жойларини шакллантиради. Улар асосан қоровойлар, дашт ва оддий миққитлар учун ин кўядиган жой ҳисобланади.

#### **5. Ички сув-ботқоқлик (намланган ХУЛУДлар) экотизимлари**

Ўзбекистонда намланган ва чўл ҳудудларининг биргаликда кўшилиши бу экотизимда мужассамдир. Ушбу намланган ҳудудларни сунъий ва табиий ҳудудларга ажратиш мумкин. Табиий ҳудудлар жуда кучли ўзгаришларга учраган, бундай ҳудудларга Амударё дельтаси қиради. Ботқоқ ва намланган ҳудудлар экотизимлари дарё ва қирғоқ бўйи экотизимларига ухшашдир, аммо улардан фаркли ўлароқ умумий юқори намланнш даражаси ва кенг сув сатҳи майдонлари билан характерланади.

#### **Амударё дельтаси**



Амударёнинг ҳозирги дельтаси Нукус шаҳридан қуйида жойлашган ва у кўпгина ирмоқли, ясси қиялн текисликни намоён этади.

Дельта кўплаб кичик дарё тармоқларидан (Толдиқ, Қозоқдарё ва бошқалар) ташкил топган ва қарийб 700 минг гектарли майдонни ташкил этади. 1960 йиллар ўрталаридан бошлаб, сув камчил йиллари Амударё суви Орол денгизига етиб бормаяпти. Дарё сувининг дельтага камайиши натижасида ва Орол денгизи қирғоқ чизигининг чекиниши оқибатида 50 га яқин чучук сувли кўл қуриди, тўқайзорлар майдони 2 мартага, қамишзорлар майдони 6 мартага қискарди. Катта каналлардан сизот сувларининг оқизилиши натижасида эса Қўнғирот,

Судочье, Дарё ўртаси, Қоражар кўл тизимлари ва умумий майдони 99 минг гектарни ташкил этувчи Тоғузтўра, Девкамбир, Қозокдарё, Довуткўл, Девқора, Оқтепа кўллари пайдо бўлди.

Тупроғи - ўтлоқли, ботқоқли, шўрхоқ. Амударё дельтаси иқлими кескин континенталдир. Ҳарорат июлда 25-26°C, февралда ~10 -13°C ва ёгингарчилик жуда кам бўлиб, йилига 110-150мм ни ташкил этади.

Дельтада ўсимликларнинг икки хили тўқайли ва кўп микдордаги қамишлилар тарқалган. Ўтлоқли ва ўтлоқ-чўкмадан ҳосил бўлган тупроқларда қўғ, қамиш, қиёқ каби гигрофитлар ўсади. Қамишли ўсимликларнинг кўп йиллик чангалзорлари баъзи ерларда плавниларни ҳосил қилади.

Қуйи Амударё қадимдан сув-ботқоқ қушларининг ҳам уя қуриб яшаш, ҳам мавсумий миграция вақтида кўп тўпланадиган жойи ҳисобланади. Бу ерда пушти ва жингалак бирқозонлар, қоравойлар, йирик қоравойлар, ҳар хил турдаги қўтонлар мавжуд. Оққуш-ўрдақ, кулранг ғоз ва шўнғувчи ўрдақлар, қашқалдоқ, қамиш ҳайвони, қонжирлар, балиқчи қушлар, балиқчилар ҳам уя қўйиб яшашади.

Ондатра, тўнғиз, шоқол, бўрсик, тулки, дашт мушуги, тароқли қумсичқон каби сут эмизувчилар характерлидир. Судралувчилардан калтакесак ва сув илони асосий турлар ҳисобланади, кулранг чумқуқ, чўл ялангкўзи, дашт ағамаси ва ҳар хил рангдаги чипор илонлар кўп. Фауна ўзгаришининг белгиси бўлиб, мўйначиликнинг асоси бўлган ондатралар сонининг кескин камайиб кетиши ҳисобланади.

#### **Антропоген намланган ҳудудлар**

Умуман, бу экотизим асосан сунъий сув ҳавзаларидан иборат бўлиб, бир неча ўн йилларда қирғоқ бўйи ва сув қушларини

сақлаб қолиш ва табиий сув ҳавзаларида балиқ захиралари қисқаришининг ўрнини қоплади.

Энг йирик сув ҳавзаларига биринчи навбатда Айдар-Арнасой кўллари тизими, Денгизкўл, Қорақир, Шўркўл ва Тўдакўл, Талимаржон, Чимқўрғон каби катта сув омборлари ва бошқалар қиради. Улар икки хил келиб чиқишга эга: оқова сувлар ташланадиган кўллари (1) ва дарёлардаги чучук сув омборлари (2). Биринчилари, нисбатан стабил гидрологик режимга ва қирғоқ бўйи ўсимликлари мажудлиги билан характерланади, иккинчилари гидрологик омилларнинг дарёларга бевосита боғлиқ бўлган кўллари ва сув омборлари ҳолати ўзгарувчанлиги, уларни таъминловчи дарёлар режими, сув ҳўжалигида фойдаланилиши ва қирғоқ бўйи ўсимликларининг йўқлиги билан ажралиб туради.

Ўсимлик дунёси табиий сув ҳавзалари учун хусусиятли бўлган тўқай-қамишлилардир.

#### **6. Тоғ экотизимлари.**

##### ***Тоғ-олди ярим чўллари.***

Тоғ-олди ярим чўллари денгиз сатҳидан 800-1200 метр баландликгача бўлган тоғ-олди минтақасини ташкил этади. Тупроғи айрим жойларда гипсли ва шағалли оч бўз тупроқ. Уртача йиллик ҳарорат Ғарбий Тиён-Шонда 12,6°C, Ҳисор тоғ тизмаларида 15-17°C. Ўртача йиллик ёгингарчилик 250 дан 400мм гача. Тоғ-олди ярим чўллари минтақаси 30-35 км кенгликга эга бўлиб, республика тоғ ҳудудининг 2/3 қисмини, 64000 кв.км атрофида, ташкил этади. Бу минтақа ўсимликларида 14 турдаги шувоқ фармациялари асосий ярим бутасимон




Ўсимликларнинг ксерофил турларини ташкил этади

Бўз тупроқларда ярим чўл ўсимлиги 400 турдаги ўсимликлар билан ифодаланган. Унинг 150 хили тоғ этаги минтақасидан ташқарига чиқмайди, 140 тури тоғларда ўсади. ЮОга яқин тури чўл биоценози ҳисобланади.

Ярим бутасимонлардан 44 тури қадимий ўрта ер денгизи тури саналади. Улардан 28 таси Урта Осиё эндемиклари, 6 таси Урта Осиё, Эрон, Афғонистонда учрайди; қолган турлари қадимий Урта Ер денгизининг турли районларини эгаллаган. Кўп йиллик ўтлар 168 турни, бир йиллик ўсимликлар 188 турни ташкил этади.

Тоғ-олди ярим чўл ҳайвонот дунёсини судралувчилар: Урта Осиё тошбақаси, Туркистон геккони^ тақир юмолқбоши, сариқ илон, эчкэмар, турли рангдаги ва чопқир калтакесаклар (жанубда қора кўзли), ранг-баранг сув илони; кушлар: тўрғайлар, дехкончумчуқ, ва бошқалар; сутэмизувчилар: сариқ юмронқозик, қизил думли ва катта қумсичқон, кўшоёқ ва бошқалар намоёнланган.

### Тоғ баргли ўрмонлари



Унчалик катта бўлмаган худудни (218,2 минг га) эгаллаб, денгиз сатҳидан 800-1000 метрдан 2500-2800 метргача

баландликда жойлашган. Рельефи мураккаб хусусиятга эга бўлиб, унда даштли ва ўтлоқ майдонларда ёки яланг қоялар билан алмашиб турувчи дарахтсимон ва бутасимон ўсимликлар асосий кўринишни яратади. Тупроғи асосан ҚУРУҚ ён бағирларда жигарранг ёки намланган ён бағирларда эса тоғ-ўрмонли бўз тупроқлардир. Уртача йиллик ҳарорат 8 дан 10-12°C атрофида тебранади.

Ёғингарчилик йилига 400-600 мм ни ташкил этади.

Тоғ баргли ўрмонларнинг йирик майдонлари Ғарбий Тиён-Шон тоғ тизмаларида: Угом, Писком, Чотқол, Тошкент, Қоржонтоғ тоғ тизмаларида жамланган. Улар денгиз сатҳидан 800-2000 метр баландликда учрайди.

Ўрмон туркумидагиларнинг ўсимликлар таркиби 47 турдаги дарахтлар ва 96 турдаги буталардан иборат.

Ўзбекистоннинг тоғ баргли ўрмонлари, уларни таркиб топтирган жинсларда униб чиқиш шароитлари ва таркибига кўра икки хил тоифага фарқланади: (1) ён бағир ўрмонлари; (2) водий ўрмонлари.

Қадимий ўрмонлар: (а) ёнғокзор; (б) чинорзор; (в) оддий хурмозорлар билан цопланган.

Ўрмонларда учрайдиган кушлардан: ок канотли қизилиштон, зағизғон, чуғурчик, бухоро читтаги, кумри, катта кумри, говкаптар, жаннат ва кулранг узункуйрук, майкутлар, цора қарға, зарғалдоқ, ялтирбош саъва, ваҳима куш; сут эмизувчилардан: бўрсик, тўнғиз, ўрмон олмахони, туркистон ка. \амуши; Судралувчилардан: Туркистон ва Ҳимолой агамаси, чўл яланг кўзи, Урта Осиё қора илони ва қалқон тумшук илонлардан иборатдир.

### Арчали ўрмонлар

Арчали ўрмонлар денгиз сатҳидан 1400-3000 метр баландликда ўсади. Бу ернинг тупроқлари кулранг ва қора кулрангдир.

Арчазорлар республика тоғ ўрмонларининг асосидир. 105 минг га ўрмон билан қопланган майдоннинг 85,6 минг гектарини арчазорлар эгаллаган. Улар

..М




Қоржонтоғ, Угам, Пском, Кўксув, Ғарбий Тиён-Шоннинг Чотқол ва Курама тизмалари ва Помир Олойнинг Туркистон, Зарафшон, Ҳисор, Бойсун тизмаларининг ён бағирларида учрайди, Қўхитонг ва Боботоғда кичик бутазорлари ўсади.

Ўзбекистоннинг арчали ўрмонлари уч турдаги қора арчадан ташкил топган: *Juniperus seravschanica* Komar., *J. semiglobosa* Rgl. и *turkesnanica* Komar.

Помир-Олой Тоғ тизмасида типчок даштлари билан биргаликда ўсимлик яши намоеън бўлган денгиз сатҳидан 1900-2300 метрдан 2800 (3000) метргача баландликда Шимолий Туркистон қояларида арчазорлар кенг тарқалган. Денгиз сатҳидан 3200 (3500) метр баландликда, тарқалишнинг юқори қисмида, Туркистон арчаси қопловчи шаклга эга, 60-70 смдан баланд бўлмаган, тузлиши жиҳатдан баҳайбат ёстикни эслатади ва криофил ўсимлиги билан алмашинади.

Арчазорларда умуртқали ҳайвонларнинг махсус комплекси, қушларнинг баъзи хиллари яшайдики, улар Хитой ёки Ҳимолай фаунаси вакиллари ҳисобланади. Уларга: арча буданоси, Ҳимолай вьюркаси, пушти чумчуқ, арча читтаги, оқ бўйинли булбул, Ҳимолай пихухуни киритиш мумкин, зағизгон, катта кумри, мойкутлар ҳам кам эмас. Сутэмизувчилардан: арча даласичқони ҳосдир, ўрмон сичқони, куён, тулки, бўри, тошсимон сувсар, Тиён-Шон қўнғир айиғи, тўнғиз, судралувчилардан: олой яланг кўзи, Чернов агамаси, Ҳимолай ва Туркистон агамалари ва қалқон тумшукли илонлар учрайди.

#### Субальп ва Альп ўтлоқлари



Улар денгиз сатҳидан 2700-2800 метрдан 3600-3700 метргача баландликда жойлашган. Атмосфера

ёғингарчиликнинг энг юқори миқдори - 800 ммгача. Уртача йиллик ҳарорати 80° С, нисбатан-совуқ иқлим билан характерланади. Республикада зона майдони 0,6 млн. га ни ташкил этади. Тупроғи: ўтлоқ-даштли қўнғир, баъзан субальп қора тупроқлидир.

Ўсимлик дунёси тараноли (*Polygoneta coriarii*), прангосли (*Prangoseta pabukariae*), нозик кесмаланган ферулалар (*Ferula tenuisectae*), пранго баргли ферулалар (*Ferula prangifoliae*), Ешке ферулалар (*Ferula jaeschkeanae*) формацияларидан иборатдир.

Ҳашаротлардан ковоқ ари хусусиятлидир, амфибиялардан яшил бақа; судралиб юривчилардан олой ялангкўзи, ҳимолай агамаси, қалқонтумшук илонлар ҳам учрайди. Шохли тўрғай, вьюркалар оддий ҳолдир; сут эмизувчилардан: айиқ, қор барси, оқ сичқон, лагча, бўри, Сибир тоғ эчкиси, тоғ қўйи, Мензбир суғури, узун думли юмронқозик, дала сичқон ва кизил думли сичқонлар хусусиятлидир.

#### Баланд тоғлиқлар



Улар денгиз сатҳидан 3500 метр баландликни эгаллаган. Умумий майдони

9,6 минг кв.км ни ташкил этади. Ил давомида ўртача ҳарорат нолдан паст. Ўсимлиги паст бўйли гиламли ўтлоқлар

#### Ю.Жадвал. Биохилма-хилликнинг асосий типлари турлар бойлиги

Типлар	Турлар сони	%
Бактериялар	1942	7,19
Вируслар	200	0,7
Оддийлар	870	3,2
Ясси чувалчанглар	300	1,1
Юмалоқ чува^чанглар	930	3,4
Моллюскалар	140	0,5
Бўғимоёццилар	11300	41,8
Умуртқалилар	664	2,5
Қўзкоринлар	2008	7,4
Юқори ўсимлик^лар	4500	16,6
Сув ўтлари	4146	15,3

билан намоялан бўлиб, баланд тоғлар альп минтақаси музланиш таъсирига учраган рельефининг алоҳида хили учун хусусиятлидир. Булар - баланд тоғ чўққилари, музликлар қатлами, мореналар, тик ҚОЯЛИ ён бағирлардир.

Ўзбекистоннинг паст бўйли ўтлоқли қисмларида альп турларига типик хос 110

тур ўсимлик усади. Уларнинг 40 тури Урта Осиёники.

Қуйидагилар формацияларнинг эдификатор ва

субэдифакторлари ҳисобланади: Қушлардан: Ҳимолой улари, болтаютар, альп зағчаси, ва субэдификаторлари

ҳисобланадилар: Lagotis korolkovii, Geranium regelii, Ranunculus rubrocalyx, R. rufosepalus, Ferula alatica, Oxytropis microsphaera, Puccinellia subspicata, Astragalus subrosularis, A. sphanaassjevii).

Бу ҳудудда доимий яшайдиган умуртқали ҳайвонлар йўқ. Бу ерларга мавсумий келадиган ҳайвонлардан сибирь тоғ эчкиси, қор барси, йирик йиртқич қушлар кузатилади.

### 7. Турлар бойлиги ва эндемизм (хослиги).

Ўзбекистоннинг биохилма-хиллиги 27000 га яқин турни ташкил этади (10-Жадвал). Шундан 15000 турдан ортиғини ҳайвонлар ташкил этади, ўсимликлар, кўзиқоринлар ва сув ўтлари 11000 га яқин турга етади.

И.Жадвал. Бўғимоёқлилар асосий таксонома тик гуруҳининг турлар хилма-хиллиги

Синфлар/туркуилар	Жами турлар	Бўғимоёқлиларнинг умумий сонидан % - Да
Ургимчаксимонлар	800	7,0
Хашоротлар:		
Тўғриқанотлилар	400	3,5
Тенгқанотли	900	7,9
хартумлилар	700	6,2
Ярим каттик канотлилар	3000	26,5
Каттиканотлилар	1500	13,3
Каттиканотлилар	1500	13,3
Тангақанотлилар	1200	10,6
Пардақанотлилар		
Қўшқанотлилар		

Умуртқалилардан буюми турларнинг 1) аммадан йам кенг тарқалган. Турларнинг асосий мидори ашоратларга таъсир келади. Улардан 40дан 3000 гача булган турлар хилма-хиллигининг 7 та асосий туркумили алоҳида ажралиб туради (11-Жадвал).

12.Жадвал. Умуртқали ҳайвонлар турлар хилма-хиллигининг қиссий баҳоланиши

Синфлар	Жазмон Микёсида	МДХ.да	Ўзбекистонда
Бағриклар	22000	500	83
Сувда ва қуруқликда яшовчилар	2300	34	3
Судралиб юривчилар	6750	147	59
Қанотлилар	9672	764	424
Сув эмизувчилар	4327	332	97

Умуртқали ҳайвонлар 664 турни жамлаган бешта синфлар орқали намояланган (12-Жадвал).

Марказий Осиёдан келиб чиққан эндемик ҳайвонлар турларининг муҳим яшаш жойи Ўзбекистон ҳисобланади. Айрим турлар Амударё ва Сирдарё оралиғида дастлаб келиб чиқиб ва эволюцион ривожланиб, кейинчалик Марказий Осиёнинг бошқа жойларига ҳам тарқала бошлаган.

Ҳозирги вақтда умуртқали ҳайвонларнинг Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг эндемик мажмуаларини намоен этувчи 53та тури ва турдошлари маълум (13-Жадвал). Балиқлар ўртасидаги эндемизм даражаси 52 % ни ташкил этади.

Ўзбекистон флораси 4800дан кам бўлмаган 650-та туркум ва 115 оилаларга мансуб томирли ўсимликлар билан намояланган. Турлар эндемиклиги нисбатан юқори эмас, флоранинг ичидаги эндемиклар (400-га яқин тур) умумий турлар сонининг 8 %ни ташкил этади. Қадимги эндемиклар барча эндемикларнинг 10-12 %ни ташкил этади.

## 8. Биохилма-хилликка бўлган хавфлар

Узбекистонда биохилма-хилликнинг асосий хавфи, улар ареалларининг қисқариши ва маълум даражада ўзгаришидир. Табиий экотизимларга қуйидаги учта антропоген омил асосий таъсирни кўрсатади:

1. Сув манбалари қайта тақсимотини назарда тутган ҳолда ерларнинг ўзлаштирилиши
2. Яйлов чорвачилиги
3. Тоғ-кон ва энергетика саноатлари.

Умуман улар қуйидагиларни ўз ичига олади: чўлланаш жараёнининг кучайиши; яйлов хўжалигини олиб боришни жадаллаштириш ва чорва молларини керагидан ортик; ўтлатиш; ерларни суғориш ва ҳайдаш натижасида уларнинг шўрланиши ва хўжаликлар ҳисобидан чиқарилиши; дарёлар оқимини жиловлаш; гидроэнергетик объектлар; сув йиғилувчи маълумотларда қишлоқ хўжалик фаолияти ва сув мувозанатининг бузилиши; қирғоқ бўйи ўрмонларининг йўқ қилиниши; сув тубидаги қум ва шағалларнинг қазиб олиниши; дарё сув сатҳининг пасайиши ва шўрланиши билан сув режимининг беқарорлиги; пестецидлар, полидихлорфениллар ва оғир металллар билан ифлосланиш; дарахтларнинг кесилиши; ўсимлик хомашёларини тайёрлаш; рухсатсиз ов қилиш; рекреация.

Суғориш деҳқончилиги тармоғининг ривожланиши минтақада суғориладиган ерларнинг 1955 й. 25850 кв.км дан 1990 й. 42218 кв.км гача кенгайишига ва сувдан фойдаланишнинг ошишига олиб келди, шу туфайли Орол денгизига келиб

тушадиган сув оқими тахминан 1960 й. 68 куб.км.дан, 1983Й. 6 куб.км гача камайди.

Гарчи суғориладиган ерлар барча ҳудуднинг фақат 10 %ни ташкил этсада, Узбекистон ва унга чегарадош республикаларнинг экологиясига катта

14-Жадвал. Умуричали ҳайвонлар турларининг экотизимлар бўйича тақсимоти.

	Чўллар	Дарёлар (15ИРҒ015 бўйи)	Ички сув хавзалари	Тоғ ўрмонлари
<b>ЭКОТИЗИМ БУЙИЧА ТУРЛАР Сони</b>				
<b>СУТ ЭМИЗУВЧИЛАР</b>				
Жами	57	22	10	57
Ноёблар	12	2		14
%	21,0	9,0	-	24,5
Эндемиклар	9	1	-	-5
%	15,7	4,5	-	8,7
<b>ҚУШЛАР</b>				
Жами	>28,0	>20,0	>17,0	>21,0
Ноёблар	22	21	22	24
%	7,8	10,5	12,9	11,4
Эндемиклар	1	5	3	1
%	0,3	2,5	1,7	0,4
<b>СУДРАЛУВЧИЛАР ВА АМФИБИЯЛАР</b>				
Жами	33	12	6	27
Ноёблар	8	1	-	1
%	24,2	8,3	-	3,7
Эндемиклар	23			7
	турдош лар			турдош- лар
%	69,9	-	-	25,9
<b>БАЛИҚЛАР</b>				
Жами	-	56	56	15
Ноёблар	-	8	8	1
%	-	14,3	14,3	6,6
Эндемик	-	33	30	4
%	-	59,0	53,5	26,6

таъсир кўрсатиб, баъзи бир экотизимларнинг тўлиқ бузулишида ва бошқалари майдонлари кескин қисқаришда намоён бўлди. Барча экотизимлар амалда катта ўзгаришларга дуч келдилар.

Экотизимлар томонидан кўрилган зарар (ерларни тозалаш пайтида) ареалларнинг тўғридан-тўғри емирилишидан бошлаб, тўлиқ

13.Жадвал. Узбекистоннинг судралиб юрвчи умуричали ҳайвонлари эндемизмининг даражаси.

Синфлар	Турларнинг жами	Эндемиклар	%
Судралиб юрвчилар- Reptilia	58	30	51,7
Қушлар - Aves	424	8	1,8
Сут эмизувчилар - Mammalia	97	15	15,4
Жа.ми:	579	53	9,2

боғлиқ бўлмаган ва ўзгаришларга кам бўйсунадиган самаралар билан тебраниб туради (масачан, иқлим ва гидрологик даврнинг ўзгаришлари).

Суғориш деҳқончилигининг ривожланиши давлатимизнинг анчагина худудини ташкил қилган чўлли, ярим чўлли ва тоғ экотизимларига кичик бўлсада бевосита ўз

тоғлар экотизимлари учун хавфнинг асосии тури бўлиб қолади.

Саноатнинг ривожланиши ва маиший эҳтиёж учун манбалардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигига нисбатан кам миқдорда бўлса ҳам, айниқса сувларнинг ифлосланиши орқали, шунингдек сувли ва ярим сувли тизимларга келтирилган зарар ўз хиссасини қўшгандир. Бундан ташқари, мамлакатнинг айрим қисмларида, айниқса чўллар экотизимига қазилма бойликларни қазиб олиш ва металлургия саноати томонидан анчагина зарар етказилган.

Биологик ресурсларга берилаётган катта аҳамиятни устунлигига қарамадан ва экологик стабилликни қўллашда, юқорида қайд этилган омиллар ўзининг салбий фаолиятини амалда ўзгартирмасдан таъсир кўрсатиб келмоқдалар.

Шундай қилиб, агар биз келажакнинг башоратли кафолатини истасак, унда махсус чоралар кўришимиз лозим бўлади.

#### **Алоҳида хавф остида бўлган экотизимлар ва турлар**

Текислик худудлари, суғориш учун ўзлаштирилган дарё қайирлари ва қайир юқорисида жойлашган ерлар, сувли ва сув олди экотизимлар, Орол денгизи минтақаси энг кўп ўзгаришларга дучор бўлган.

Ҳозирги кунда республикада 80% соз тупроқли чўллар, 95% дарё қайирлари, 20% - қумли чўллар (Фарғона водийсида -90%), ва тоғли худудларнинг 40% ўзлаштирилган.

Дарё қайирлари ва қайир юқорисида жойлашган худудларда табиий ўсимликларни кенг қўламда ўзлаштириш ва ерларнинг суғоришга олинганлиги туфайли зиён кўрдилар. Яна жуда катта йўқотишлар ва таназзуллар шўрланиш, ботқоқланиш ва агро- ва захарли

15-Жадвал. *Ўзбекистоннинг асосий табиий-худудий мажмуаси флорасининг биохилма-хиллиги*

Табиий-худудий мажмуалар		Майдони Кв. км.	/0	Турлар сони
Чўллар	Қумли чўллар	9870	22	320
	Соз тупроқли чўл. тақирлар	13185	29	400
	Инаға-Али чўллар ва колдик тепаликлар	1700	4	566
	Шўрхоқ чўллар	1310	3	304
Намланган майдонлар	Дарё қайирлари ва Кўллар	1541,3	3	285
Чўл даштли ва ўтлоқ-даштлилар	Тоғ-олди ярим чўллари	459	1	1180
	Тоғ қуруқ даштлари	365	1	634
Урмон-ўтлоқ даштлари	Тоғ баргли ўрмонлар ва батазорлар	218,2	0,4	248
	Арчазорлар	85,6	0,2	235

таъсирини кўрсатди. Шунга қарамадан, у бевосита бўлмасда ўзининг анчагина таъсирини айниқса тоғ экотизимларига кўрсатди, негаки улар ўзгаришларга ўта сезувчандир. Орол денгизи тубининг очилиши ва табиий ўсимликлар қоплами майдонларининг кескин камайиши, маҳаллий иқлимнинг муҳим ўзгаришларига олиб келди, шу туфайли у ўта ҚУРУҚ ва континентал иқлимга айланди. Шамол тезлиги ортди, чўлланиш жараёни шиддати кучайди. Шамол тарқатадиган ифлослантирувчи моддалар ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Чорвачилик, суғориш деҳқончилигига қараганда, ўзгаришларга таъсирчанроқ, чунки у кам марказлашган ва сув хўжалиги соҳаларига эҳтиёжи камроқдир. Хусусий мол эгалари иқтисодий фойдани олиш мақсадида, мол сонини тезда кўпайтиришга қодирлар, шунинг билан бирга нозик ва ўта қуруқ экотизимларга зиён етказдилар. Агар тартибга келтириш чоралари қабул қилинмаса, унда ушбу омил чўлли, даштли ва кам даражада

химикатлар билан ифлосланиш, қишлоқ хўжалик ишларини олиб боришда нотўғри амалиёт қўлланилиши натижасида келиб чиққан.

Сувли ва ярим сувли экотизимлар сувнинг шўрлиги ортиши ва агрохимикатлар билан ифлосланишга жуда сезгирдир. Бундан ташқари, ирригация

вакилларига таъсир килди. Йирткичларнинг йўқолиб кетган турларига турон йўлбарси, йўқолиб кетиши яқин бўлган турларга эса йўл-йўл сиртлон, қорақулоқ, Олд-Осиё ҚОПЮНИ кирадилар. Республиканинг турли синфларга мансуб ноёб ва йўқ бўлиб кетиш ҳавфи туғилган ҳайвон турларининг 161 тури 1996 йили нашр этилган

16-Жадвал. Ўзбекистоннинг ноёб ва йўқолиб кетаётган ҳайвон турлари *сони*

Синфлар	Синфлардаги турларнинг сони ва умумий сонидан %		
	Ўзбекистоннинг ноёб ва йўқолиб кетаётган турлари (1996й.)	СИТЕС	1996й. ТМҚХИ "Қизил Китоби"
Сут эмизувчилар	27 (27,8%)	11 (11,3%)	23 (23,7%)
Қушлар	62 (14,6%)	59 (13,9%)	23 (5,4%)
Судралувчилар	14 (23,7%)	4 (6,7%)	4 (6,7%)
Балиадар	10 (12,0%)	4 (4,8%)	4 (4,8%)
Умуртсизлар	48	1	36

тизимининг ривожланишидан келиб чиққан табиий-гидрологик даврлар ўзгаришининг кенг ривожланиши, турлар камайиши ва ареалларнинг қисқариши ёки уларнинг бутунлай йўқ бўлиши билан давом этиши, экологик шароитнинг жиддий ўзгаришига, шунингдек, кўпгина экзотик балиқ турларининг иқлимлашиши экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келди.

Деярли барча Марказий Осиё худуди учун гидрологик манба бўлиб хизмат қилувчи Орол денгизи минтақада сугориш деҳқончилиги ривожлантирилиши туфайли ҳаммадан ҳам кўп талофот кўрди. Сувларининг суғориш мақсадларида самарасиз фойдаланилиши Орол денгизига сув оқимининг тез ва юқори даражада қисқаришига ва бу эса денгиз сув сатҳининг кескин пасайишига олиб келди. Асосий натижа бўлиб сув шўрлигининг уч мартаба ошиши ва бунинг оқибатида кўпгина жониворларнинг нобуд бўлиши бўлди.

Турли экотоизимларнинг ўсимлик ва ҳайвонот биохилма-хиллиги жиддий фарқланади ҳамда у ёки бу табиий минтақанинг даражасига боғлиқ бўлади.

Бир қатор умуртсиз ҳайвонларнинг йўқолиш жараёни улар яшаш жойларининг таназзули ва тўғридан-тўғри йўқ қилиниши натижасида, айниқса йирик сут эмизувчиларда кўринади. Ҳайвонлар тарқалган жойлар ва сонининг қисқариши энг аввало туёқли ва йирткичилар

ТМҚХИ "Қизил Китоби" ва СИТЕС рўйхатига киритилган. (16-Жадвал).

"Ўзбекистон Қизил Китоби"нинг биринчи нашрида ўсимликлар турларининг умумий сони 163-га, иккинчи нашрга тайёрланган рўйхатда эса 301 тур деб кўрсатилган.

## 9. Агробиохилма-хиллик.

### Таъриф

Ушбу тушунча маданий ўсимликлар ва уй ҳайвонларининг, табиий шароитда яшаётган ва тадрижий ривожланаётган, уларнинг аجدодлари ва ёввойи яқин қариндошлари билан бир қаторда турувчи турларининг генетик хилма-хиллигига тегишлидир.

### Аҳамияти ва аҳмияти

Қишлоқ хўжалиги кенг миқёсда жаҳонда мавжуд бўлган биологик хилма-хилликнинг умумий спекторида ҳаддан зиёд кичик ҳиссага асосланади. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги мақсадларида инсон томонидан яратилган ва ишлатиладиган ҳайвон ва ўсимликларнинг генетик хилма-хиллиги камайиб кетди. Бунга селекция белгиларига таянган ҳолда тарихда мавжуд бўлган зудлик билан талабларга энг яхши жавоб берувчи урчатиш ва бошқаларни улоқтириб ташлаш айбдор бўлди. Бу атроф-муҳит шароитларига кенг мослашиш имкониятларини таъминлаб берувчи ички

чекланган тур^хар генофондининг иўқолишига олиб келди. (касаллию\арга ва бегона ўтларга, курғоқчиликка, шўрланишга,

жоиларда яшаш учун мое экотизимларни ва уларда биохилма-хилликни қўллаб-қувватлаш, муҳим аҳамият касб этади.

17.Жадвал. Давлат Ўрмон иўмитаси томонидан (^993'96йй) тайёрланган ёғоч-тахталар

Йил	Жами (куб.м)	Ишга яро1^ли ёғоч	Утин	Куру15 шохча-лар	Ликвид 1^иймати	Ишга яро1^ли ёғоч 1{ийма-ти	Пул бирлиги
1993	73938,7	2540,4	29433,8	38914,6	110021,7	18117,5	Сўм
1994	60226,3	3276,4	26831,3	30123,6	2064	780,2	Сўм-купон
1995	52741,9	3596,8	22333,1	26802,2	6430,5	2741,2	Минг сўм
1996	49680	.					Минг сўм

ботқоқликка, шароити оғир иклим шароитига ва хаказоларга бардошлилиги). Узбекистон биохилма-хиллиги бир қатор хатарликларга дучор бўлган, бунинг устига агробиохилма-хиллик айниқса заифлашгандир. Биринчидан, жаҳоннинг айрим жойларида ёввойи аждодларнинг зич жойлашуви ва уларнинг маълум экотизимларига Аах\АорАНгН; иккинчидан, кўплаб қишлоқ хўжалик турларнинг ичида генетик хилма-хиллиликнинг камайиши. Утмишда сиёсатда ва амалий ёндошувда анъанавий қишлоқ хўжалик ўсимликлари ва хайвонлар наслининг аҳамиятига етарлича баҳо берилмаганлиги туфайли, уларнинг кенг иқлимлашган манзарали турларга алмашишига, анъанавий турларнинг қисқариши ва йўқ бўлиш ҳавфига олиб келди.

**Ю.Узбекистонда биохилма-хилликнинг замонавий хўжалик ўрни ва ундан олинадиган фойда**

*Дарёларнинг сув йиғилиш ҳудудлари ва дарё ҳавзаларини муҳофаза к/ллиш.*

**Дарёларнинг ю1^ори 01^им 1^исми сув йиғилиш ҳудудлари.** Муболагасиз айтиш мумкинки, малакатимизнинг яшовчанлиги шарқий тоғли ерларда ҳосил бўлаётган чекланган сув манбаларининг кафолатлилиги ва унга эришиш мумкинлигига тўлиқ боғлиқдир. Демак, Амударё ва Сирдарё дарёларини шакллантирувчи ирмоқлар сув йиғиш ҳудудларининг экологик барқарорлиги республика учун жуда муҳим стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга. Бу

Демак, Узбекистон ўз ҳудудида биохилма-хилликни етарли даражада муҳофаза қилиш кафолотини бериши ва чегарадош республикаларда бу муаммонинг ечилишини қўллаши керак.

Аниқ усуллар натижасида, табиий ўсимликлар дарёларнинг юкори қисми сув йиғилиш ҳудудларида ҳосил бўлувчи сув ҳажми ва сифатини сақлашга кўмаклашади, жумладан, ёғингарчиликдан ҳосил бўлувчи оқимларни сақлаб қолиш ва тартибга келтириш (ва шу билан оқимнинг умумий миқдор даражаси ва хусусиятларини цўллаб-қувватлаш), ерларни яхшилаш микро ва мезоиклимий ишларини олиб бориш (ёғин-сочин ва эвапотранспирацияни стабиллаштириш), ер емирилиши ва лойқаларни камаййтиришни (сувнинг сифатини таъминлаш ва куйи оқимда лойқа чўкиши муаммоларига қарши курашишни енгиллаштириш) ўз ичига олади.

**Дарёларнинг ўрта ва 1уйи 01^имлари дарё т^авзалари ва сув йиғиш майдонлари**

Дарёларнинг ўрта ва куйи оқимларидаги дарё ҳавзалари, ҳамда сув йиғиш майдонларининг сугориш дехқончилигида, коммунал хизмат ва саноат фойдаланувчилари томонидан юкори даражада истеъмол қилиниши Узбекистон учун характерлидир. Экотизимларнинг бу жойларда яшовчанлик қобилятини куйидаги муҳим сабаблар белгилайди: биринчидан, сув ва қирғоқ бўйи дарё экотизимлари яшовчанлиги ўзига хос механизмни ифодалайдики, бу тизимга кириб келаётган ифлосланишлардан, айниқса

органик материаллардан, тозалашни таъминлайди, шу билан бирга, дарё куйи ' ҚИСМИ фойдаланувчилари томонидан олинадиган сувнинг сифатини таъминлашда ўз хиссасини кўшади; иккинчидан, суғориладиган ерлар табиий ўсимликлари ши ер ости сувлари сатҳини барқарорлаштиришга ёрдам беради ва шу

18-Жадвал. *Ўзбекистонда 1996 йилда таёёрланган дори-дармон ва озиқ-овқат хом ашёси ва 1997йил учун белгиланган режа, тонна*

Тайёрланадиган ўсимликлар	1996 йил режаси	Бажарилиши	1997 йил режаси
Наъматак	129	54,6	60
Қизилпойга	18	12,9	13
Тоғрайхон (жанбул)	20	13,7	14
Гармала	20	18	20
Зира	1	0,3	0,3
Равоч	70	60,5	70
Зирк	7	3,5	4
Зизифора	16	11	8
Қора андиз	2	1	2
Жағ-жағ (агамбит)	4	1,2	2
Қичитки ўт	3	2,1	3
Кодонопис	2,5	2,3	3
<i>Зуптурум</i>	1	0,05	1
Шувок	3	1,8	2
Қирқбўғим	0,5	0,2	0,3
Оц калдирғоч	0,3	0,08	0,2
Мармарак	0,5	0,5	0,5
Сувзамчи	1,3	0,5	0,5
Иттиконак	0,5	0,1	0,2
Дармана	34	.	.
Тухмак	2	0,2	0,2
Дастарбош,	1	1	1
бўйимодарак	43	3	5
Қизилмия	0,85	0,6	0,8
Медиазия	388,6	189,1	215,5
Жами:			

билан бирга шўрланиш ва ботқоқланиш жараёнлари ривожланишини олдини олади; учинчидан, табиий ўсимликлар кишлок хўжалик ҳудудлари маҳаллий иқлимини, кишлок хўжалик маҳсулотларини етиштириш шароитлари, шунингдек маҳаллий аҳоли соғлиги ва яшаш сифатини яхшилаб, мелиорация қилади.

#### **Тупроқ емирилиши жараёнини назорат қилиши**

Табиий ўсимликларнинг мавжудлиги тупроқнинг барча шакллардаги емирилишининг олдини олади ёки

сусайтиради. Бу айниқса, катта талофат етказувчи, тоғли ҳудудлардаги селларнинг олдини олиш учун муҳимдир. Текислик ҳудудларда табиий ўсимликлар ерга яқин эсадиган шамолнинг тезлигини пасайтиришда ва шундай қилиб, суғориладиган далаларда ва бошқа майдонларда шамол емирилишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

#### **Чўлланиш**

Табиий ўрмонлар ва ўсимликларнинг қисқариши, Орол денгизининг қуриши, шўрли чўллар катта майдонларининг пайдо бўлишига олиб келди, чорванинг бир ерда керагидан юқори даражада ўтлатилиши, гидрологиянинг ўзгариши ва шунга ўхшаш омиллар барча Марказий Осиё республикаларида чўлланиш жараёнини ҳаракатга келтирди. Айниқса улар Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистонда жуда кучли намоён бўлди. Ҳам табиий ва ҳам сунъий ўсимликлар билан қопланган сақланган ҳудудлар чўлланиш даражасининг пасайишида муҳим роль ўйнашлари мумкин. Бундан ташқари, келажакда бу муаммони таъминлаш учун яшашга имкон бўлган жойларда майдонларни қўллаш ва таназзулга учраган ҳудудларни барқарорлаштиришда, келажакда имкони борича тиклаш чораларини қабул қилиш зарур.

#### **Биохилма-хилликдан иқтисодий максадларда фойдаланиш**

Аввал қайд қилинганидек, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши унинг асосии табиий омиллари барқарорлиги ва сифатига боғлиқ, яъни ўзаро чамбарчас боғланган иқлим, сув, биологик, кишлок хўжалик ва бошқа ресурсларга боғлиқдир. Узок муддатли қувватлаш ва барқарорликни таъминлаб берувчи энг муҳим механизм, масалан, сув манбалари учун, муҳим экотизимларнинг ҳаракатини кафолатлашга имкон берувчи биохилма-хиллик даражасини сақлаб қолиш ҳисобланади.

Республика иқтисодиётининг барқарор ривожланиши учун биохилма-хилликни

саклаш муҳимлигидан ташқари, бир қатор тўғри иқтисодий фойда (молиявий ва молиясиз) мавжуд ёки олиниши мумкин.. Уларга қуйидагилар киради:

ҳамда уларни йиғиш учун белгиланган режа ва 1996 йилда ҳақиқий йиғиш ҳажми ҳақидаги маълумотлар қуйида жойлаштирилган жадвалда келтирилган. Афсуски пулдаги баҳоси мавжуд эмас (18-Жадвал).

19.Жадвал. Ёввойи ҳайвонларни овлаш режаси

Ҳайвонлар турлари	1996 йил режаси	Овланган	Бир ^айвонга лицензия нархи, (сўм)	1996 йилги даромад, (сўм)
Айик				
Тўнғиз	100	100	1200	120000
Тоғ эчкиси	50	20	1200	24000
Буғу	10	5	600	3000
Сайғо^	10	-	-	-
Бўрсик	500	20	30	600
Жайра	500	40	30	1200
Қуён	5000	2000	12	24000
Сувсар	300	20	300	6000
Тулки	2000	1000	180	180000
Қизил суғур	-	-	-	-
Сувда сузувчи қушлар	100000	45000	12	540000
Каклик	5000	2000	1,8	3600
Қирғову^, тустовук	500	400	30	12000
Қаптарлилар гуруҳи	200000	100000	3	300000
Қора и^он	1000	150	600	90000
Чарх илон	150	100	600	6000
Тошбақа	10000	10000	12	120000
За^арли умурт^асизлар	300000	-	6	-
Жами:	-	-	-	1430400

**Ов.** Ўзбекистонда ов қилишнинг асосан тўрта тури мавжуд бўлиб улар: ҳаваскорлик ва спорт, озиқ-овқат маҳсулотлари, мўйна териси учун ва илмий мақсадда овлашдир. Уларнинг барча турлари бошқарилмоқда ва қонун назорати остидадир. Республикада 50 яқин овчилик-балиқчилик хужаликлари мавжуд бўлиб, уларда ҳар бир жонивор эозланади (ҳайвонлар

ишга яроқли бўлган ёғоч, ўтин ва ўрмон^арнинг ёғочли бўлмаган маҳсулотлари (доривор моддалар, ёнғоқлар, табиий тўқимачилик бўёқлари ва ҳаказо);

ов, ҳайвонларни тутиш, ҳайвонотчилик (яъни гўшт, тери ва бошқа ёввойи ҳайвонлар маҳсулотларини олиш);

балиқчилик (ҳам саноат, ҳам ҳаваскор);

— аҳолининг дам олиши ва туризм.

#### Урмон хўжалигининг маҳсулотлари

Ўзбекистонда иқтисодий қийматга эга бўлган жуда кўп ўрмон маҳсулотлари мавжуд, уларга ўтин, синиб тушган дарахтлар, тутиладиган маҳсулотлар, доривор ўсимликлар, ёнғоқлар ва бошқалар киради. Қуйида жойлаштирилган жадвалда айрим маҳсулотларнинг нар^olari ҳақида маълумотлар берилган (17-Жадвал).

Ўзбекистонда иқтисодий қимматга эга бўлган доривор ва озиқ-овқат ўсимликлари

озиқлантирилади ва қўриқланади). Уларнинг кўпчилик қисми сув олди ҳудудларида жойлашган, бу ерда асосий овчиликнинг тури сувда сузувчи қушлар ҳисобланади.

Охирги беш йил мобайнида, аслаханжомларнинг, ўқ-дорилар нарҳининг ошиши ва бошқа иқтисодий омиллар натижасида ҳаваскорлик овчилиги бир мунча қисқарди. Бундан ташқари, Орол денгизи атрофида ва Амударё дельтасида ир^тисодий фаолиятнинг энг асосий тури бўлган ҳайвонларни овлаш деярли тўхтатилганининг сабаби, ареалларнинг деярли бузилиши натижасида улар оммалашувининг кескин қисқаришидир.

#### Балиқчилик

Тутилган балиқларнинг ҳажми ва нарх^лари нуктаи-назардан 1995 йилнинг саноат балиқчилиги маълумотлари мавжуд. Шунингдек 1996 йил учун режа ва имконий даромад ҳақида маълумотлар ҳам мавжуд. Спорт балиқчилиги бўйича маълумотлар йўқ (20-Жадвал).

20<sup>1</sup>Жадвал, Саноат балиқчилиги-режа, овлаш хажми ва баҳоланган қиямати (Давлатбионазорати ҳужжатлари).

1995 йил режаси, тонна	1995 йилда тутилган, тонна	1995Й. ба <sup>2</sup> о-ланган нархи, (сум)	1996 йил режаси, тонна	Имконий нарх (агар режа фойдаланилса) (сум)
5689,7	3584,2	4301040	4000	4 800 000

#### А<sup>2</sup>олининг дам олиши ва туризм

Узбекистонда туризм диққатга сазовор бўлган изданий ва тарихий обидалар атрофида (Тошкент, Самарканд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларда) деярли тўлиқ ташкил этилиган, мамлакатимиз диққатга сазовор табиий масканлари ва экотуризмга эса камроқ эътибор берилмоқда. Лекин, Узбекистон жозибали табиат манзараси қамраб олган чўллар, суводли ҳудудлар ва улкан **ЮГ** тизмаларига эга бўлиб, экотуризмни ривожлантириш учун бой имкониятларга эга. Унинг ривожланиши халқаро туризмни ташкил этиш ери сифатида республика имкониятини анчагина кўтариши ва кўшимча манбаларни жалб этилишининг муҳим омили булиши, ҳамда унга **ЯҚИН** бўлган янги ташкил этиладиган алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий з<sup>3</sup>удлар ва районлар иқтисодий фаоллигини кучайтириши мумкин.

#### Алоҳида му<sup>4</sup>офаза 1<sup>4</sup>илинаётган табиий ҳудудларда туризм

Узбекистонда дам олиш ва сайёҳлик фаолият учун очилган иккита ҳудуд мавжуд: Тошкент яқинида жойлашган Угам-Чотқол миллий боғи ҳамда, Жиззах ва Самарканд яқинидаги Зомин (Жиззах) миллий боғидир.

Ҳисоботларга кўра Угам-Чотқол миллий боғи 1996 йилда рўйхатга олинган 5000 дан 6000 гача келиб-кетувчиларни қабул қилган ва тахминан шунча киши рўйхатга олинмаган. Даромадлар ҳақидаги маълумотлар мажуд эмас.

Зомин миллий боғини ҳар йили 1500 га яқин ташкил этилган ва 3000 рўйхатга олинмаган сайёҳлар келиб кўриб кетадиар. Туризмдан тушадиган даромад ва чет эл сайёҳларининг сони ҳақидаги маълумотлар иуқ

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва бошқа табиат минтақаларида туризмни (экотуризмни, чет эл туризмни ва таътилчилар туризмни) тегишли даражада ривожланиши, уларнинг тикланиши учун муҳим омил бўлар эди. Аммо биохилма-хилликка бўладиган салбий таъсирни камайтиришга қаратилган ва маҳаллий аҳоли ва бу ҳудуд хизматчиларига максимал фойда келтиришнинг ўзига хос ёндошуви талаб қилинади. Узбекистонда экотуризмни ривожлантириш учун ниҳоятда кам тажриба мавжуд, шу билан бирга "Узбектуризм" бундай аниқ тажрибага эга эмас.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда туризмнинг ривожланиши улар умумий фаолиятининг интеграл қисми бўлиши керак. Демак туризмнинг ривожланиши биринчи навбатда ушбу ҳудудлар бошқарув аппарати қўлида бўлиши лозим. аммо бу соҳада кенг тажрибага эга бўлган халқаро ташкилотлар билан ҳамжиҳатда ишлаш ҳам халқаро бозорни ривожлантириш, ҳам доимий ишни қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан ҳам яхши таъсир кўрсатиши мумкин. Маҳаллий ташкилотлар ва аҳоли билан ҳамжиҳатда ишлаш ҳам тўғридан-тўғри стабил фойда олишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

9  
**Ўзбекистан биохилма-хиллиги учун асосий хавфлар**


4-Расм: Ҳаддан зиён ўтлатиш ва чўл экотизимларида чўлланиш жараёнининг боиланиши




15-Расм: Яккаҳоким деҳқончилиқнинг йирик миқёси




17-Расм: Шўрланган ерлар



16-Расм: Гидрологик ўзгаришларнинг йирик миқёси




18-Расм: Саноат орқали ифлосланиш



*Ўзбекистон, инг дунёга машхур ва хавфга учраган фаунаси*

19-Расм: Арслон (йўх бўлиб кетган)




20-Расм: Бўри



21-Расм: Сибир тоғ эчкиси



22'Расм: Каклик




23-Расм: Хонгул (жуда катта хавф остида)



24-Расм: Оқ лайлак



25-Расм: Бирқозон




Агробиохилма -хиллик

26-Расм: Ёввойи олма ва лолалар Дунё биохилма-хиллиги учун муҳим бўлган кўпгина турлардан икки хили




Овлаш учун муҳим бўлган турлар (Қонуний ва қонунга хилоф равишда)

27-Расм: Ёйриқич қушлар



28-Расм: Тошбақалар



# **Биохилма-хилликни сайлаш ва барқарор фойдаланишнинг мавжуд шарт-шароитлари.**

## **1. Ривожланиш тарихи.**

Узбекистонда биологик ресурсларни бошқариш ва уларни химоя қилишнинг расмий ҳаракатлари биринчи мартаба 19 аснинг охирларида бошланган, қайсики минтақамиз чор Россияси таркибига киргандан кейин ўрмонларни химоя қилиш бўйича "Урмонларни химоя қилиш ҳақидаги фармон" (1897) қабул қилинган. Бундан сўнг 1918 йилда "Туркистонда Урмон ва ерларни давлат мулкига мусодара қилиш ҳақидаги" Қонун қабул қилинди, унда Давлат Урмон жамғармасини тузилиши кўзда тутилган эди.

1924 йилдан бошлаб табиатни муҳофаза қилиш муаммоларига катта эътибор берила бошлади. Қўриқланадиган ҳудудларни химоя қилиш, ёғочлардан иқтисодий фойдаланишини ташкил этиш, дарахтзорларни ўтказиш бўйича тадбирларни пул билан таъминлаш бошланди. Россияда муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ҳақида концепцияси уларнинг узок тарихий ривожланишига эга. XX аснинг бошларида Россияда, кейинчалик Собиқ Совет Иттифоқида жаҳонда энг ривожланган ва самарали муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тизими яратилди. Узбекистонда 1926 йилда Ғуралаш қўриқхонаси ва 1947 йилда Чотқол давлат қўриқхоналари яратилишида у ўз аксини топган. Узбекистонда алоҳида табиатни муҳофаза қилиш ташкилотларнинг яратилиш саналари куйида санаб берилган:

1940й. - Вазирлар Маҳкамаси қошида давлат овчилик назорати.

1947й. - Чотқол қўриқхонаси.

1962й. - Вазирлар Маҳкамаси қошида балиқлар заҳирасини муҳофаза қилиш бошқармаси,

1963й. - Балиқлар заҳирасидан фойдаланишни тартибга келтириш ва муҳофаза қилиш Узбек ҳавзалараро бошқармаси - Ўзбексувбалиқ.

1982й. - Давлат Ўрмон Қўмитаси қўриқхоналар ва овчи хўжаликлар Бош бошқармаси.

1988й. - Узбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси таркибидаги қўриқхоналар, ҳайвонот ва ўсимликлар оламини муҳофаза қилиш Давлат назорати мавжуд (Давлатбионазорати).

## **2. Қонунчилик асослари.**

Ўрмон Кодекси 1978 йилнинг 26 июнида қабул қилинган. Урмон ресурсларини ишлатиш, қайта тиклаш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ўрмон ресурсларидан фойдаланиш жавобгарлиги белгилаб берилган.

"Ҳайвонот оламиндан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун 1982 йилда қабул қилинган. Ҳайвонот оламининг қайта ишлаб чиқариш, оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган ҳуқуқий муносабатларини аниқлайди.

"Ер тўғрисида"ги Қонун 1990 йилнинг 20 июнида қабул қилинган ва 1991 йилнинг 20 ноябрдаги 1993й. 7 майдаги 1994й. 6 май ва 23 сентябрдаги барча хўжалик шакллари кенг ҳуқуқли ривожланиши учун, табиий муҳитини сақлаш ва яхшилаш, ҳосилдорлик ерларини қайта ишлаб чиқиш, ерларни қўриқлаш ва улардан оқилона фойдаланиш учун

шароитлар яратиш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишни йўналтириш каби ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни 1992 йилнинг 9 декабрда қабул қилинган. Унда ҳуқуқий, иқтисодий ва атроф табиий муҳитини муҳофаза қилиш асосларини ташкил этиш, табиий манбаларидан оцилона фойдаланиш, экологик тизимини, алоҳида объектларни ва табиат мажмуаларини муҳофаза қилиш, муқобил атроф муҳит учун фуқаролар ҳуқуқи қафолатланиши белгилаб берилган.

"Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонун 1993 йилнинг 7 майда қабул қилинган бўлиб, унда ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асосларини яратиш ва алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларни бошқарилиши аниқлаб берилган.

1993 йил 6 майдаги Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақида"ги Қонунда, сувга бўлган муносабатни, халқ хўжалигида ва аҳолини ихтиёжи учун сувдан оқилона фойдаланишини тартиблари таъкидланган. Қонунда сувни ифлосланиш, булғаланиш, қисқаришдан муҳофаза қилиш, сувга бўлган зарарли таъсирларни оғохлантириш ва тугатиш, ҳолатини яхшилаш, шунингдек- фуқароларнинг ва деҳқончилик хўжаликларнинг, ташкилот, муассаса, идораларнинг сув соҳасидаги муносабатлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши белгилаб берилган.

1994 йилнинг 22 сентябрда "Қаэилмалар тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган ва унда ер қазилмаларидан тўғри фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича муносабатларни тартибга солиниши берилган.

1996 йилнинг декабр ойида "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган.

Республикада ноёб ва йўқолиб кетаётган ҳайвон ва ўсимликлар турини муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, шунингдек улардан фойдаланиш тартибини амалга оширилиши кўрсатилган қонун ва қонунга оид актлардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан 1993 йил 3 сентябрда "Ноёб ва йўқолиб кетаётган ҳайвон ва ўсимлик турларини муҳофаза қилишни кучайтириш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш ҳақида", Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 декабрдаги 600-рақамли "Еввойи ҳайвон ва ўсимликларни муҳофазасини кучайтириш бўйича ва улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида"ги қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 февралда 76-ф рақамли "Ўзбекистон Республикасида йиртқич қушларни олиб келиниши ва четга чиқарилишини тартибга солиш тўғрисида"ги фармойиши билан тартибга солиниши белгиланган.

Ўзбекистонда балиқчилик ва овчиликни олиб бориш тартибини акс эттирувчи қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1991 йил 10 апрелдаги "Республика ҳудудида овчилик-балиқчилик хўжалигини олиб бориш ва ов қилиш ҳақида"ги Низоми тасдиқланган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудсида ов ва балиқчилик қоидалари ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган буйруқлари асосида амалга оширилади.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини тартибга солиш масалалари "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси корхоналар тўғрисида", "Ижара тўғрисида"ги Қонунларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги "Тадбиркорликни ривожлантириш ва хусусий мулк эгасини

ҳимоя қилишини таъминлаш, иктисодий ислохатларни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида" ва 1994 й. 24 ноябрдаги "Ерлардан фойдаланиш самарасини ошириш тўғрисида"ги Фармонларида ерга бўлган муносабатни ҳуқуқий асослари меъёрий ҳужжатларда акс эттирилган.

Табиат бойликларининг айрим турларини муҳофазаси ва фойдаланилиши Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари билан чегараланган. Булар қаторига Вазирлар Маҳкамасининг 1993 й. 3 августдаги 385-рақамли "Сувдан фойдаланишни чеклаш ҳақида" 1995 й. 27 июлдаги 293-рақамли "Ўзбекистон Республикасида ўсимликлар оламига етказилган зарар учун белгиланган миқдорда ундириладиган тўловни (такса) тасдиқлаш тўғрисида", 1992 й. 27 майдаги 248-рақамли "Ўзбекистон Республикасида минтақавий сув омборларида ва бошқа ҳовузларда, дарё ва бош каналларни ҳамда шунингдек ичимлик манбаларини ва маиший сув таъминотини, даволаш ва маданий соғломлаштиришга қаратилган қарорлари тасдиқланган.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузганлик учун қуйидаги жавобгарликка тортиш турлари белгиланган: Маъмурий, жиноий, фуқоралик-ҳуқуқий (моддий), интизомли, иқтисодий. 1994 й. 22 сентябрда "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида" шунингдек жиноий кодекслари қабул қилинган, унда экологик қонунбузарлик учун тегишли маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари белгиланган.

Ҳозирги кунда ҳайвонот ва ўсимликлар оламидан фойдаланиш ва уни муҳофаза ҚЎШИШ бўйича янги қонунлар яратилмоқда ва кўриб чиқиш босқичида турибди.

#### **ҲаАi^аро ХҲҚҚ**

Табиатни муҳофаза қилиш масалалари-жаҳонда энг устувор масаладир. Табиатни муҳофаза қилиш фаолияти Халқаро шартнома ва битимлар билан тартибга

солинади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси БМТнинг иқлимнинг ўзгариши бўйича (1993й. май) халқаро битимига, Азон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Вена битимига ва озон қатламини емирувчи маддалар юзасидан Монреал баённомасига (1993й. май), хавфли чиқиндиларни трансчегара орқали ташиш ва уларни йўл қилишни назорати бўйича Базел битимларига (1995Й. август). Ўзбекистон Республикасида биологик ресурсларни сақлаб қолишга йўналтирилган халқаро шартномаларига катта қизиқиш уйғотмоқда. 1995 йилнинг октябрида Ўзбекистон биологик турлигиги бўйича Конвенция қабул қилинди. Узунбурун, ингичка тумшукни муҳофаза қилиш чоралари бўйича Бонн доирасидаги битимлари, сибир-турнасини сақлаб қолиш бўйича Меморандуми, Африка ва Европа Осиёга кўчиб ўтадиган сувда сузувчилар юзасидан шартномалар имзоланган эди. Ўзбекистон 1997 йилда қабул қилган и бўлиб кетиш хавфи бўлган ўсимликлар ва ҳайвон турларини сотиш юзасидан Конвенция"га ҳамда "Соҳил бўйидаги ерларни ва сувли-ботқоқларни муҳофаза қилиш бўйича Рамсар Битим"ларига қўшилди ва тасдиқлади.

### **3. Биохилма-хилликни сақлашни бошлаш арувчи институтлар**

**Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.**

Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси табиатни муҳофаза қилиш бўйича асосий ва махсус ваколатли муассасалар устидан турувчи ташкилот ҳисобланади.

Унинг асосий вазифалари:

- атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий манбаларидан оқилона фойдаланиш ва такрор ишлаб чиқариш устидан давлат назоратини амалга ошириш,;

- табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг тармоқлараро биргаликда бошқарувини амалга ошириш;

табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежашнинг ягона сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- атроф-муҳит экологик ҳолатининг мақбул ҳолатини таъминлаш ва экологик шароитни соғломлаштириш

қўриқхоналар фаолиятини бошқариш, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларининг тартибини таъминлаш.

Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси таркибига бундаги бошқармалар киради:

- 1) Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича;
- 2) Ер-сув манбаларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича;
- 3) Илмий-техник тараққиёт ва тарғибот;
- 4) Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодиёти ва уни ташкил этиш;
- 5) Бош давлат экспертизаси;
- 6) Экологик ахборот ва олдиндан айтиш;
- 7) Халқлараро ҳамкорлик ва дастурлар;
- 8) Экологик-ҳуқуқ;
- 9) Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан муомала қилиш;
- 10) Экологик меъёрлар, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш;
- 11) Бухгалтерлик ҳисоби, ҳисоботлар ва иқтисод.

Бундан ташқари Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси қошида иккита махсус республика назорати мавжуд;

Қўриқхоналар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш Давлат

инспекцияси (Давлатбионазорати) ўсимликлар, ҳайвонот олами ва қўриқхоналарни муҳофаза қилишга жавоб беради;

Махсус аналитик назорат Давлат инспекцияси.

Ўсимликлар ва ҳайвонот оламини қўриқлашда бошқа вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари маълум ролни ўйнайди, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат Ўрмон Қўмитаси, "Ўзбекбалиқ" бирлашмаси, Ўзбек овчилар ва балиқчилар иттифоқи, улар тизимида биологик ресурсларни муҳофазаловчи идоравий назорат мавжуд.

*Ўзбекистон Республикаси Давлат  
Ўрмон Қўмитаси.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат Ўрмон Қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилар:

ўрмонларни химоя ва муҳофаза қилиш, такрор ишлаб чиқариш, фойдаланиш соҳаси бўйича давлат бошқаруви;

ўрмон бойликларидан тўғри фойдаланиш ва кенгайтиришга йўналтириш, уларни қайта ишлаб чиқиш, мелиоратив ва экологик аҳамиятини кўтариш мақсадида ўрмон заҳиралари аҳолини яхшилаш, аҳолини ва халқ хўжалигига истеъмолчиларини ўрмон маҳсулотлари билан тўлиқ қониқтириш масалаларида ягона сиёсатни олиб бориш;

ўрмон фонди, фауна ва флорани ўрганиш ва ҳисобини олиб бориш;

қўриқхоналар фаолиятини, давлат овчилик хўжалигини, ов муддатларини, меъёр, қоидаларига амал қилиш юзасидан назорати ва тасарруфидаги бошқарув, ов хўжалигини олиб бориш тартиби ва бошқа талаблар ҳайвонот олаmidан фойдаланиш ва муҳофазалаш, ҳайвонларнинг яшаш муҳити, кўчиш йўллари ва кўпайиш шароитлари бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга

ошириш, урмончилик фонди худудида овчилик-саноат овчилиги ҳайвонларнинг давлат кадастрини (рўйхатини) олиб бориш;

дори ва озик-овкат ўсимликларни ншлаб чиқариш ва тайёрлаш бўйича та'лиқларни амалга ошириш;

урмончилик конунарига амал қилиш, ов ва урмончилик хўжаликларини олиб бориш бўйича меъёрий-техник ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш.

Ўрмончилик давлат қўмитасига заҳарли илонларни ва бошқа қимматли ҳайвонларни (шу жумладан балиқлар), кўпайтириш ва сақлаш бўйича питомниклар, илонхоналарни ташкил этиш, мўйна-тери маҳсулотларини қайта ишлаб чиқиш бўйича бўлимлар ва чорвачилик фермаларини очиш, шунингдек балиқчилик ва ов маҳсулотларини сотиш, чет эл овчилик туризми бўйича қўшма корхоналарни очиш рухсат берилган.

Урмончилик давлат қўмитаси тизимида биологик ва урмончилик манбаларидан фойдаланишни тартибга келтирувчи куйидаги бошқармалар мавжуд:

ўрмончилик хўжалигини бошқариш, ўрмонларни химоя ва муҳофаза қилиш;

урмончилик давлат инспекцияси;

ов хўжалиги, қўриқхоналар ва миллий боғлар бош бошқармаси.

Урмон фойдини муҳофа қилиш Давлат ўрмон муҳофазаси томонидан амалга оширилади. 1996 йилнинг маълумотларига кўра улар таркибида 1500 дан кўп назоратчилар бўлиб, улар қаторига Урмончилик давлат қўмитаси бошқарувининг ходимлари, вилоят бошқармалари, Урмон хўжаликлари, давлат қўриқхоналари ходимлари киради.

Бундан ташқари, тегишли вазирликлар, муассасалар, идораларда табиатни муҳофаза

қилиш бўйича бўлимлари ишламоқда, улар асосан ўзига хос тор маъноли масала-харни ечишади (йўл қўйилган концентрация, сувларни оқизиш ва атмосферага ташлашнинг йўл қўйилган миқдори ҳаво, сув манбаларнинг ҳолати мониторинги).

#### **"ЎзбекбаАиқ " Корпорацияси**

Бу ташкилот республиканинг балиқ хўжалик сув хавзаларидаги балиқ заҳираларидан фойдаланиш, идоравий муҳофаза қилиш ва бошқариш учун масъулдир.

#### **Ўзбек овчилар ва балиқчимар иттифоқи.**

Балиқчи ва овчиларнинг спорт жамиятлари иттифоқи. Республика жамоат ташкилоти бўлиб, идоравий қўриқчилар хизмати билан муҳофаза қилинувчи бириктирилган овчилик ва балиқчилик ерларига эга.

#### **4. Алоқанда муҳофаза қилинадиган табиий зудлар мавжуд тизими.**

Таъкидлаш лозимки, биологик хилма-хиллик алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларда-қўриқхоналарда, табиат миллий боғларида, вақтинчалик қўриқхоналарда ва бошқа муҳофаза қилинадиган майдонларда эг самарали сақланилади. Шунингдек иттомникларда ёки ноёб ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини кўпайтириш марказлари муҳим роль ўйнайди.

#### **Алоқанда муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тоифаси**

Ўзбекистонда алоҳида муҳофаза қилинадиган зудларнинг тўрта асосий тоифалари мавжуд- давлат қўриқхоналари, давлат миллий боғлари, давлат буюртмахоналари, давлат табиат ёдгорликлари.

Ҳозирги кунда алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тизимига 2164

кв. **КМ** майдонни эгаллаган туккизта давлат кўриқхоналари, 6061 кв.км. майдонликкита миллий боғ, 12186,5 кв.км. майдонли тўққизта давлат буюртмахоналари ва ноёб хайвон турларини кўпайтириш бўйича битта Республика маркази киради. Кўриқланадиган ҳудудларнинг умумий майдони 20520 кв.км. ёки бу барча республика ҳудудларнинг 4,6 % ни ташкил этади. Аммо фақат 8225 кв.км, ёки 1,8 % республикадаги майдонлари узок муддатли ёки жиддий муҳофаза қилинадиган ҳудудларга ажратилган (яъни табиатни кўриқлаш Халқаро иттифоқининг I ва II тоифаларига карашли миллий боғларни биосферали кўриқхоналари ва вилдинчалик кўриқхоналари киради).

#### **Тоифалар тавсифи**

**Давлат кўриқхоналари**-қадимий ва энг қаттиқ тартибли муҳофаза қилинадиган майдонларнинг тури бўлиб, доимий харакатда бўлган муҳофаза қилинадиган минтақаларни намён этади, айрим ўсимликлар ва хайвонлар турини ёки экотизимларни химоя қилиш учун тузилган. Уларда хар қандай хўжалик фаолияти ман этилади. (назорат қилинадиган илмий-тадқиқот ишларидан ташқари). Улар табиатни сақлаш Халқаро иттифоқи томонидан муҳофаза қилинадиган минтақаларни тавсифномасига биноан I тоифага кирадилар.

Кўриқхоналарнинг умумий майдони 2164 **КВ КМ** ёки муҳофаза қилинадиган табиатли ҳудудлардан 10 % умумий ҳудуд тизимини ташкил этади. Давлат кўриқхоналар майдони асосан унча катта эмас (максимум 814 кв.км., минимум 24

кв.км., ўртача 236 кв. км.). Уларнинг барчаси, Чотқол, Хисор ва Китоб геологиклилардан ташқари, ўрмон бўйича Давлат кўмитасини илдармоғида туради.

**Миллий боғлар.** Ҳудудларни кўриқлаш тизимининг бу тури деярли яқин орада - 1976 йилда Зомин ва 1990 йилда Угам-Чотқол миллий боғларини тузилиши туфайли жорий этилган. Миллий боғлар муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тизимининг 30 % умумий майдонини ва қаттиқ узок муддатли муҳофаза қилинадиган майдонларнинг 74 % ташкил этадилар. Уларнинг асосий максоди - биохил.ма-хилликни сақлашни таъминлашда табиатдан оқилона фойдаланиш (туризм, ўрмон маҳсулотларини тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги) ва қаттиқ назорат қилиш. Бу ҳудудлар табиатни сақлаш Халқаро иттифоқи томонидан муҳофаза қилинадиган минтақаларни тавсифномасига биноан II тоифага кирадилар.

тоғ чўққисининг Чотқол тизмасида жойлашган. Унинг ҳудуди 5476 кв.км. га яқин майдонни ташкил этиб Қозоғистон ва Қирғизистон билан чегарадош ҳамда Чотқол биосферали кўриқхонасини, шунингдек сув хўжалиги, шаҳар қурилиши, қишлоқ хўжалиги максадларида фойдаланадиган минтақаларни ўз ичига олади.

Зомин миллий боғи Жиззах вилоятининг Туркистон тоғ тизмаси тармоқларида жойлашган бўлиб 315 кв.км. яқин майдонга эгадир. У Зомин давлат кўриқхонаси билан чегарадош (156 кв.км.). Иккала боғ ҳам Ўрмончилик бўйича давлат кўмитаси қаромоғида туради.

2/1-Жадвал. Ҳазбекистан Республикасиняг алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлари.

т/р	Расмий номланиши ва ташкил этилган йили	Жойлашиш ўрни	Майдо-ни кв.км.	ТМҚХИ бўйича тоифа	Ташкилотга карашлилиқ
Давлат кўрицхоналари					
1.	Чотқол тоғли-ўрмонли биосфера.ли 1947 й.	Тошкент вилояти, Паркент ва Охонгарон туманлари	451,6	I	Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси
2.	Ҳисор тоғли-арчазор 1983 й.	Қашқаларё вилояти, Яккабоғ ва Шахрисабз туманлари	814,3	I	Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси
3.	Зомин тоғли-арчазор 1926, 1960 йй.	Жиззах вилояти Зомин ва Бахма^ туманлари	268,4	I	Давлат Урмон Қўмитаси
4.	Бадай- Тўқай те-кислик-тўқайлари 1971 й.	Қорақа^по НИСОН Республикаси, Беруний тумани	64,6	I	Давлат Урмон Қўмитаси
5.	Кизилцум тўқай-вумли 1971 й.	Бухоро вилояти Ромитон тумани, Хоразм вилояти Дўстлик тумани	101,4	I	Давлат Урмон Қўмитаси
6.	Зарафшон водий-тўқайли 1979 й.	Самар^анд вилояти Булунгур ва Жомбой туманлари	23,5	I	Давлат Урмон Қўмитаси
7.	Нурота тоғли-ёнғоц мевали 1975 й.	Жиззах вилояти Фориш тумани	177,5	I	Давлат Урмон Қўмитаси
8.	Китоб геологик 1979 й.	Қашқадарё вилоятиКитоб тумани	53,7	I	Геология Давлат Қўмитаси
9.	Сурхондарё тоғли-ўрмонли 1987 й.	Сурхондарё вилояти Термез ва Шеробод туманлари	276,7	I	Давлат Урмон Қўмитаси
	Жами:		2274		
Давлат миллий боғлари					
1.	Зомин хал^ боғи 1976 й.	Жиззах вилояти Зомин тумани	241,1	II	Давлат Урмон Қўмитаси
2.	Угам-Чот^ол табиий ми^уий боғи 1990 й.	Тошкент вилояти Бўстонлик, Паркент, Охонгарон туманлари	5745,9	II	Давлат Урмон Қўмитаси
	Жами:		5987,0		
Ноёб ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш бўйича марказлар					
	"Жайрон"-Эко-маркази кам учрайдиган ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш бўйича республика маркази, 1976 й.	Бухоро вилояти	51,4	III	Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси
	Жами:		51,4		
ОВ Қилиш ва^тинча тақицланган ёки ўсимликларнинг алоҳида муҳофаза остида бўлган Давлат кўрицхоналари					
1.	Арнасой 1983 й.	Жиззах вилояти	663,0	IУ	Ўзбекбалиц
2.	Қорақўл 1990 й.	Бухоро вилояти	100,0	IУ	Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси
3.	Сайғочи 1991 й.	Қорақа^погистон Республикаси	10000,0	IУ	Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси
4.	Судочье 1991 й.	Қорақа^погистон Республикаси	500,0	IУ	Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси
5.	Сармиш 1991 й.	Навий вилояти	25,2	IУ	Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси
6.	Қоракир 1992 й.	Бухоро вилояти	300,0	IУ	Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси
7.	Карнабчўл 1992 й.	Самарканд вилояти	400,0	IУ	Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси
8.	Қошрабод 1992 й.	Самар^анд вилояти	165,0	IУ	Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси
9.	Денгизкўл 1992 й.	Бухоро вилояти	86,0	IУ	Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси
	Жами:		12239,2		
1.	Варданзия 1975, 1983 йй.	Бухоро вилояти	3,0	IУ	Давлат Урмон Қўмитаси
2.	Ёзёвон 1991 й.	Фарғона ва Наманган вилоятлари	31,8	IУ	Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси
	Жами:0		34,8		

**Давлат буюртмахоналари.** Булар доимий бўлмасдан, айрим пайтларда мавсумли ва кўриқлаш тартиби бўшроқ бўлган минтақаларни намоён этади. Кўпинча улар, бошқа ер эгаларининг жамоа ёки ўрмон хўжаликларига ўхшаш бошқа ердан фойдаланувчиларнинг ҳудудлари қисми бўлиб, аниқ бир қисқа муддатга (5-10 йилга) ташкил этиладилар. Бу минтақалар учун умумий жавобгарлик табиатни муҳрфаза қилиш давлат кўмитасига юклатилганлига қарамасдан, маҳаллий ҳокимият ердан бевосита фойдаланганлиги туфайли масъул ҳисобланиб, амалий назоратни ташкил этадилар ва кўриқхона мақомидаги фаолиятни тўхтатиш ҳуқуқига эгадирлар. Буюртмахоналар- ҳудудларни кўриқлаш тизимининг энг бўш бўтини бўлиб, бошқариш самараси ва улар олдига қўйилган вазифа-ларни кенг кўламда ечиш имкониятлари ўзгариб туради. Бундан ташқари, замонавий иқтисодий вазиятнинг кескинлиги натижасида ва Республикада ер фойдаланувчилари томонидан тазйикни ҳис қилганлари туфайли, бу ҳудудлар борган сари қалтис бўлмоқдалар.

А, охида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тизими умумий майдонининг ярмидан кўпини (11576 кв.км. ёки 56 %ни) давлат буюртмахоналари ташкил қилади. Бу ҳудудларнинг ўлчови 25 дан 10000 кв.км. гача силжиб туради, аммо уларнинг ўртача ўлчовига нисбатдан каттароқ (1447 кв.км.).

**Давлат табиат ёдгорликлари.** Улар жуда 03 бўлиб (ўртача 35 кв.км.) муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларининг барча майдонининг 0,1 %-ни ташкил этиб, табиатни муҳофаза қилиш, ўрмон бўйича Давлат Кўмиталари ва бошқаларга бўйсундилар.

### ***Маъмурий бўйсунуш бўйича тақсимот***

Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси қонун асосида кўриқхона ишларини бошқаради ва махсус ҳимоя қилинадиган табиий ҳудудларида тартиб ўрнатилишини назорат қилади. Улар таркибига иккита давлат кўриқхонаси (жумладан биттаси биосфералик), шунингдек ноёб ҳайвонларни кўпайтириш Республика маркази (Экомарказ "Жайрон") ва битта табиат ёдгорлиги киради. Умуман улар барча муҳофаза қилинадиган ҳудудлар майдонининг 62 % ини ташкил этади.

Давлат Ўрмон Кўмитаси иккита миллий боғни, олтита давлат кўриқхоналарини ва битта табиат ёдгорлигини бошқаришга жавобгардир. Улар барча кўриқхоналар тизими майдонининг 34 % ини ташкил этади.

"Ўзбекбалиқ" бирлашмаси, Бу бирлашманинг таркибига Арнасойдаги давлат паррандалар кўриқхонаси киради, яъни улар муҳофаза қилинадиган табиий-ҳудудлари умумий майдонининг ташминан 0,2 %-га ва шу билан бирга 56 % муҳофаза қилинадиган сув бўйидаги экотизимлар майдонини эгаллайди.

Геология Давлат Кўмитаси таркибиде битта давлат кўриқхонаси мавжуд.

### ***Экотурлар ва маъмурий ҳудудлар бўйича тақсимот***

Кўриқланадиган минтақалар умумий ҳудудларидан ярмини асосан чўллар экотизими (53 %) ташкил этади. Қолган ҳудуд қисмларидан 39 %-ни тоғ экотизимлари эгаллайди. Кўриқланадиган минтақаларнинг умумий майдони 6 %-га ЯҲИИ сув бўйидаги экотизимлар ва 1 % ЯҲИИ тўқайзорлар ташкил этади. Табиатни кўриқлаш Халқаро иттифоқи томонидан муҳофаза қилинадиган минтақаларни I ва II тоифали муҳофаза қилинадиган ҳудудлар орасида чўлли, тўқайли ва сув бўйидаги экотизимлар ҳаддан ташқари ёмон намоён этилган.

•DO<sub>2</sub>EEEESeSggIliEli

•DBiEEEiieSBIgllSIISI^

[Redacted]

[Redacted]

OOEaiEiEiSiBgilSISiIlSIliSIllg

Af

[Redacted]


[Redacted]

BB^EiEsSBieilSIliSIISI

H  
ft

m  
6

[Redacted]



∞

i m

Bl a w g

III  
E

f я

g H  
ft M Ij

m H K

0 . .

5

H I  
4

a

H

М

я ^

H

и M

'fi S

3 ft ft  
W ft

Fi O

'y a M fl

5

bl S

R

7-Ҳарита у<sup>а</sup>иН ечим: Му<sup>а</sup>офаза I<sup>а</sup>илинадиган з<sup>а</sup>удудлар

Муҳофаза қилинадиган ҳудудлар

**ҚўриқхонаАар (ТМҚ<sup>а</sup>ХИ бўйча I даража).**

1. Зомин
2. Чотқол
3. Сурхон (2 қисмида)
4. Қизил-Кум
5. Бадай-Тўқай
6. Зарафшон
7. Нурота
8. Китоб
9. Ҳисор

**Буюртмахоналар (ТМҚХИ бўйча IV даража)**

12. Қорақўл
13. Камабчўл
14. Сайғоқ
15. Судоче
16. ?\ўшрабод
17. Қоракир
18. Сармиш
19. Арнасой
20. Денгизкўл

**Мияяий боғлар (ТМҚ<sup>а</sup>ХИ бўйча II/IV даража)**

10. Зомин
11. Угам-Чотқол

**Табиат обидалари (ТМҚ,ХИ бўйча ГУ даража)**

21. Варданзи
22. Езёвон

**Ноёб ҳайвонларни қўпайтириши**

23. Жайрон Экомаркази
24. Қорақўл

Муҳофазаланадиган турлар

<b>Туёқли ҳайвонлар</b>		<b>Кемирувчилар</b>		<b>Қўшлар</b>	
1	Қизилкум ёввойи кўйи	15	Тўқай мушуги	29	Болтаютар
2	Жонгул	16	Тулки	30	Қаравой
3	Жайрон	17	Олакўзан	31	Дудак тувалоқ
4	Тўнғи	18	Ирбис	32	Каклик
5	Буғу	19	Толай	33	Чўл чумчуғи
6	Сибир эчкиси	20	Қизил суғур	34	Хўжасавдоғар
7	Морхўр	21	Ондатра	35	Ка <sup>а</sup> жўрчи
8	Қашқир, чиябури	22	Кўк суғур	36	Бирқозон ва Жўнгиладор бирқозон
9	Силвсин	23	Нозик бармоқли юм-ронқозик	37	Химолой улари
10	Бўрсиқ	24	Реликт юмронқозиц	38	Қирговул, тустовук
11	Оқ тирноқли айил <sup>а</sup>	25	Итолғи	39	Тасқара
12	Урта Осиё қундузи	26	Оқ кўтон	40	Қора лайлак
13	Оқ сичқон	27	Оқ бошли кумой	41	Қор тасқараси
14	Савсар	28	Бургут		

22. *Жадвал Экотурлар бўйича алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар майдони.*

Экотур	Майдони кв.км.да	Умумийсида %
Чўл	10837	53
Чўл / сув бўйидаги ҳудудлар	300	1
Тоғлар	8060	39
Тўқайлар	190	1
Сув бўйидаги ҳудудлар	1131	6

Республика бўйича алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар кенг тарқалган, лекин асосан буларнинг аксарияти Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятида жойлашган. I ва II даражали ҳудудларнинг катта қисми Тошкент вилоятида (54 %), қолганлари Қашқадарё (10 %), Жиззах (8,4 %), Сурхондарё (3,4 %) Бухоро ва Хоразм (1,1 %), Самарканд (0,3 %) вилоятларида жойлашган.

#### **Тадқиқот ва Мониторинг**

Давлат кўриқхоналари доимий ишлаб турувчи илмий-тадқиқотчилар штатларига, керакли зарур материалларга эга, яъни, айрим кўриқхоналарда тадқиқотлар 30-40 йил давомида олиб борилмоқда. Кўриқхоналарнинг ҳудудлари талаба ва илмий ходимлар томонидан экологик тадқиқотлар ўтказиш учун фойдаланилган. Афсуски, қилинган кўпчилик ишларга баҳо бериш қийин, чунки улар аниқ мақсадда маълумот олиш учун қилинмаган ва кўриқхоналарни бошқариш бўйича олиб бориладиган изланишлар учун аҳамиятли эмас. Тўпланган материалларга аниқ баҳо бериш зарур. Қачонки, уларни топиш ва ишлатиш осон бўлсин. Ҳозирги кунда кўриқхоналарда ўтказиладиган илмий-тадқиқот ишлари молиявий қийинчиликларга кўра қисқартирилган.

**Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҲУДУДларнинг қисқача таърифи**

**Давлат 1<sup>ри</sup>1<sup>хоналари</sup>. I Тоифа.**

#### **Чот1<sup>ол</sup> биосфера кўри1<sup>хонаси</sup>**

1947 й. ташкил этилган. Майдони 45739 га, шундан 6586 га ўрмонзор, 7047 га.

- ўтлоқзор, 81' га сув ҳавзалари. Кўриқхона ҳудудида 1060 та ўсимлик тури, 168 тур кушлар, 32 тур хайвонлар мавжуд. Кўриқхонада 69 киши хизмат қилади. Улардан 34 таси кўриқхонани кўриқлаш бўйича назоратчи, 14 таси илмий ходимлардир. Кўриқхона Тошкент вилоятида жойлашган. Мақсади: Фарбий Тиён-Шон тоғи экотизими ва атроф-муҳитининг мониторингини олиб бориш. 1995 йили жаҳон биосфера кўриқхоналари тизимига киритилган.

#### **Ҳисор давлат 1<sup>ри</sup>1<sup>хонаси</sup>.**

1983 й. ташкил этилган. Майдони 80986,1 га, шундан-12203 га ўрмонзор, 27450 га - ўтлоқзор, 171 га - сув ҳавзалари. 870 хил ўсимлик турлари, 140 дан ортиқ хайвонлар бор. Кўриқхона штатида 56 ходим, улардан 35-таси кўриқхона бўйича назоратчи, 8-таси илмий ходим. Кўриқхона Қашқадарё вилояти, Ҳисор тоғ тизмасининг ғарбида жойлашган. Мақсади: табиий комплекслар ва Ҳисор ТОР тизмаси экотизимини сақлаш.

#### **Зомин давлат 1<sup>ри</sup>1<sup>хонаси</sup>.**

1960 й. ташкил этилган. Мақсади: арча ўрмонлари на улардаги хайвонларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва муҳофаза қилиш. Жиззах вилоятининг Зомин тумани, Туркистон тоғ тизмасининг шимолида жойлашган. Майдони 21735 га, шундан 11322 га - ўрмонзор. Денгиз сатҳидан 1760-3500 м. баландликда жойлашган тоғ-арчали экотизимлар кўриқланади. 750-дан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд.

#### **Нурота давлат 1<sup>ри</sup>1<sup>хонаси</sup>.**

1975 й. ташкил этилган. Жиззах вилоятининг Фориш тумани Нурота тоғ тизмасининг шимолида жойлашган. Майдонн-17752 га, шундан 2529га-ўрмонзор. Ходимлари: 29та давлат назоратчиси. Мақсади: ёнғоқнинг қимматбаҳо турларини, Халқаро "Қизил китоб"га киритилган Северцев кўйларини

кўпайтириш ва муҳофаза қилиш. Қўриқхонада ўсадиган ёнғокдан ташқари бу ерда 650-дан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд. Уларнинг айримлари эндемикдир. Реликтлардан шарқий биота ва Зарафшон арчасининг ноёб турлари ва Регел ноқлари учрайди.

#### **Сурхон давлат Қўриқхонаси.**

Иккита мустақил бўлимдан иборат: Орол-Пайғамбар (Ҳозирги чегарада қийин аҳвол сабаб фаолияти тўхтатилган) 1971й. ташкил этилган. Амударё хавзасига ҳос бўлмиш водий-тўқайли экотизимга эга, майдони 3093 га, 964 га - ўрмонзор. Қўриқхонанинг ушбу қисмини ўзига ҳос хайвонот дунёсига эга бўлган тўқай ўрмонзорларининг андозаси сифатида асраб қолишдан иборатдир. Қўхитонг 1987 й. ташкил этилган. Тоғ-ўрмонли экотизимни ифодалаб, Ўзбекистоннинг жанубий қисмига ҳос бўлган табиий шароитга эга. Майдони 24583 га. 800-дан ортиқ ўсимлик, 290-дан ортиқ қуш ва 20-дан ортиқ хайвонлар турлари бор. Иккала қўриқхона ҳам Сурхондарё вилоятида жойлашган.

#### **Қизилқум давлат Қўриқхонаси.**

1871й. ташкил этилган. Бухоро вилоятида жойлашган. Майдони 10141 га, шундан 5144 га - ўрмонзор, 6964 га - қумлик жойда, ва 3177 га - Амударё хавзасида жойлашган. Асосий эътибор Бухоро буғусига қаратилган. 1971 йилдаги (20 бошдан ) ҳозирга қадар 200 бошгача кўпайди. Штати - 10 та назоратчи.

#### **Бадай-Ту15ай Қўриқхонаси.**

1971 й. ташкил этилган. Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган, майдони 6462 га, шундан 3975 га - ўрмонзор, Амударёнинг унғ тарафида Беруний ва Кегайли туманлари ҳудудларида жойлашган. Қўриқхона Амударё сувининг ўзгариб туришини ҳисобга олган ҳолда тўқай ўрмонларини ва хайвонот оламини муҳофаза қилиш учун ташкил этилган. Урмонзор қўриқхона майдоннинг 70 % фоизини эгаллаган. Хайвонот олами: 91

дан ортиқ қуш турлари, 15 хил балиқ ва 15 хил сутэмизувчилардан иборат. 1975 йили қўриқхонага 3 та бухоро буғуси келтирилган эди, 1995 йилга келиб уларнинг сони 18 тага етди ва 1996 йили шулардан 6 таси Зарафшон қўриқхонасига қайтарилди.

#### **Зарафшон давлат Қўриқхонаси.**

1975 й. ташкил этилган. Самарканд вилоятида жойлашган майдони 2352 га. Шундан 868 га ўрмонзор, ўрмон билан қопланмаган қисми эса 725 га. Қўриқхона худди тасмага ўхшаб 45 км узунликда Зарафшон дарёси бўйлаб чўзилган. Мақсад тўқай комплексини қўриқлаш, облепихани сақлаш, Зарафшон қирғовулини кўпайтириш ва сақлаш. Ҳозирги кунда уларнинг сони 4000 дан ортиқ. Штати - 8 та назоратчи.

#### **Миллий боғлар - II тоифа.**

**Зомин миллий боғи** 1978 й. ташкил этилган. Жиззах вилояти шимолий Туркистон ТОҒ тизмасида жойлашган. Икки қисмга - ноёб тоғ-арчали экотизимдан иборат бўлмиш, рекреацион ва буфер ҳудудга ажратилган. Майдони 24110 га, шундан - 12130 га ўрмонзор. Қўриқлаш штати - 15 та назоратчидан иборат.

#### **Угам - Чотқоғ давлат миллий табиат боғи**

1990 й. ташкил этилган. Тошкент вилояти ғарбий Тиён-Шон тоғ тизмасида жойлашган, майдони - 574,6 минг га, /дундан 56,4 минг га -ўрмонзор, 11,3 минг га - яйлов ва ўтлоқзор, 1,61 минг га - сугориш майдони, 329,4 минг га - ҚОЯ ва тоғ ён бағирларга эга. Мақсади: нодир тоғ ландшафтларини қўриқлаш, улардан рекреацион мақсадларда фойдаланиш, шу ерда жойлашган ер эгаларининг хўжалик ишларини йўлга қўйиш.

Боғ худудининг районлаштирилган қисмлари (минг га.)\

— агробоғ худуд - 59,1;

— фаол рекреацион худуд - 30,7;

Худуди	Штати	1996 й. даги ани <sup>1</sup> харажатлар (сўм)	США дол. бўйича эквиваленти (60:1)
Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси бўйича			
Чотқол давлат биосфера кўриқхонаси	69 (34-муҳс-фазада, 14-илмий ходим, 21- бошқалар	1817000	30283
Хисор давлат куриқхонаси	56 (35-муҳо. фазада, 8-илмий ходим, 13-бошқалар	1600000	26667
"Жайрон" Экомаркази	8	1263000	21050
Жами	133	4680000	78000
Давлат Урмон Қўмитаси			
Зомин давлат кўриқхонаси	22	1420000	23667
Сурхон давлат кўриқхонаси	25	1420000	23667
Зарафшон давлат кўриқ-хонаси	8	1900000	31667
Нурота давлат кўриқхонаси	29	1330000	22167
Қизилрўм давлат кўриқхонаси	10	900000	15000
Бадай-Тўқай миллий кўриқхонаси		1500000	25000
Угам-Чотқол миллий боғи	53	2270000	37833
Зомин миллий боғи	15	1430000	23833
Жами	162	12170000	202833
Умумий жами:	295	16850000	280833

- тартибга солинган ререакцион ҳудуд 13,6;
- муҳофаза қилинадиган ҳудудга тенглаштирилган - 109,1;
- табиий ландшафтлар ҳудуди - 326,1.

Шу ернинг ўзида ўрмон хўжалигига ажратилган ер: ўрмон фонди - 322,6 минг га ва маданий ўрмон фонди 620 га.

**Ўввойи ҳайвонларни 1<sup>1</sup>ри1<sup>1</sup>хоналарда кўпайтириш марказлари.**

**Ноёб ҳайвонларни кўпайтириш Республика маркази**

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва биологик хилма-хилликни сақлашнинг энг самарали шаклларида бири бўлиб ноёб ҳайвон турларини кўпайтириш бўйича питомниклар ташкил этиш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда расмий равишда ноёб хилдаги ҳайвонларни кўпайтириш бўйича ягона Республика маркази - "Жайрон" - экомаркази фаолият кўрсатиб турибди. У 1976 й. Бухоро вилоятида ташкил этилган. Майдони 5145 га. Мақсади: сунъий йўл

билан ноёб хилдаги ҳайвонларни кўпайтириш. Асосан Халқаро ва Ўзбекистон Республикасининг "Қизил китоб"ларига киритилган - жайрон, Пржевальский отлари, гўзал тувалоқ, қулонни сунъий кўпайтириш ва муҳофаза қилиш. Штат - 8 та назоратчи.

23. Жадвал. "Жайрон" — Экомаркази ҳудудида жойлашган ноёб ҳайвонлар турларининг нами ва сони (1996 й.).

Тури	Сони
Жайрон	621
Пржевальский оти	11
Қулон	16
Буғу	2
Сайғоқ	1
Тува <sup>1</sup> чок қоплон	8
	1

**Муҳофаза қилинадиган ҳудудларга тегишли бўлган тизимлардаги ресурслар.**

Куйида келтирилган жадвалда (24-Жадвал) муҳофаза қилинадиган I ва II тоифадаги ҳудудлар учун 1996 йилда ажраталган молиявий ресурслар ва штат рўйхати келтирилган. Бу кўрсаткичлар марказий бошқарув органларининг штат ва моддий таъминот бўйича харажатларини ўз

ичига олмайди. Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси 1317 кв.км майдонда 133 та дала ходимларига (яъни 1 ходим учун 9 кв.км ) эга. Давлат Урмон Қўмитаси эса 162 та дача ходимига (Бадай-Тўқай кўрикхонаси бўйича маълумотлар йўқ) эга ва ҳар 42 кв.км га 1 та ходи тўғри келади (умумий ҳудуди 6905 кв.км). 1996 йилда ажратилган молиявий ресурсларнинг умумий ҳажми 280833 АҚШ долларини ташкил этди (ўша давр расмий курси 1 АҚШ доллари - 60 сўм). Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитасига тегишли бўлган ҳудудлар 78000 АҚШ долларини, ёки ҳар 1 кв.км га 59 доллар, Давлат Урмон Қўмитасига тегишли бўлган ҳудудлар учун эса 202833 доллар ёки ҳар 100 га ерга 25 доллар ажратилди.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни бошқаришда дуч келинаётган асосий муаммолардан бири, бу ҳозирги вақтда моддий маблағларнинг шак-шубҳасиз етишмаслигидир.

### **3. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва уларни бошқариш муаммолари**

*Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни кўриқхоналар кўраб олиш даражаси.*

Республикадаги экотизим ва ареалларнинг кўриқланиши яхши йўлга қўйилган, фақат Амударё дельтаси ва Орол денгизи ҳудудидаги тўқайзор ўрмонлар ва ареаллар бундан мустасно. Бироқ, I ва II тоифага кирувчи кўриқхоналар ва миллий боғларни кўриқлаш (тоғлар, экотизимлардан ташқари) қониқарли эмас. Айрим экотизимлар, масалан, тўқайзор ўрмонлар, кумликлар ва сув бўйидаги алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тоифасига тенглаштирилмаган. Бундай муаммоларни ҳал этиш керак.

#### **Улчов ва тоифалаштириш**

Халқаро тавсияларга кўра биохилма хилликни сақлаш ва муҳим экологик

процессларнинг ривожланишини таъминлаш бўйича ажратилган ҳудудлар мамлакат ҳудудининг 10 % ини ташкил қилиши керак. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда муҳофаза қилинадиган ҳудуд 4,6 %, шундан I ва II тоифадагилар 1,8 %ни ташкил қилади.

Шулардан кўпчилигини (айрим кўриқхона ва миллий боғлардан ташқари) экотизимни табиий ҳолда сақлаб туриш учун жуда ҳам кичик деб ҳисоблаш мумкин. Ҳусусан, булар чўлли зоналарга тегишлидир. Бунинг устига айрим ҳудудлар кичик майдонларга эга бўлиш билан қаторда, атрофлари муҳим аҳамиятга эга бўлмаган биологик хилма-хиллик билан ўралган ва шу туфайли биогеографик жараёнлар орқали экотизимни сақлаб қолиш имкониятини пасайтиради.

#### **Бошқариш муаммолари**

Муассасалар бўйича бошқарув жавобгарлигининг тақсимланиши. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни кўриқлашда бир қанча давлат ташкилотлари масъулдир. Булардан энг асосийлари - Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси ва Давлат Урмон Қўмитаси. Шунингдек, улардан ташқари шундай ташкилотлар борки, уларнинг ер майдонларида, мисол учун, давлат буюртмаҳоналари жойлашган.

Бундай ҳолат режалаштириш ва мувофиқлаштиришда аниқлик етишмаслигига шартлар фаолияти ва улар захираси, ресурсларни етказиш ва кўриқлаш бўйича рақобат ҳамда сафарбарликнинг етишмаслиги каби бир қанча жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Айнан шу вазият Республикада биохилма-хилликни сақлашга қаратилган чора-тадбирларни чегаралаб қўяди, зарар етказди.

#### **Молиявий аҳоли.**

Ҳозирги шароитда давлат тизимининг барча бўлимлари, айниқса, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни кўриқловчилар катта молиявий ресурслар тақчиллигига дўч келмоқда. Мустақилликдан олдин улар ўз

маблағ-воситаларини (ов, туризм ва бошқалар орқали) деярли маҳрум эдилар ва шу туфайли, улар марказлаштирилган бюджетга қараб қолишган эди. Инфляция алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларни қўриқлаш учун ажратилаётган молиявий ресурсларнинг етишмаслигига олиб келди.

Штатлар. Иқтисодий вазият ўзгариши натижасида бир қанча илмий ходимлар, юқори малакали ишчилар табиатни қўриқлаш тизимидан кетишди.

Мутахассисларни тайёрлаш. Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларни қўриқлашда хизмат қилувчи катта ва кичик бўғиндаги мутахассис ходимларни тайёрлаш йўқ ҳисоби. Катта бўғинда ишловчилар ўрмончилик бўйича тайёргарликдан ўтган ёки биологиядан ва бошқа мутахассисликлардан маълумоти бор. Дала назорати штати жуда сустр тайёрланган ёки умуман тайёрланмаган. Шу туфайли ходимларни мутахассислик ва амалиёт бўйича тайёрлаш зарурияти мавжуд.

Тадқиқот ва мониторинг. Мамлакатнинг муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларида тадқиқот ва мониторинг ишлари илгари вақтдан ўтказилиб келинган. Фақат улар илмий йўналишда бўлиб, бошқарувнинг аниқ вазифаларини ҳал этишга қаратилмаган. Бундан ташқари маълумотлар таъминининг ва ажратилишининг етишмаслиги катта ҳажмдаги маълумотларни тўплашда қийинчилик туғдирди. Махсус қўриқланувчи ҳудудларда тадқиқот ва мониторинг чекланган тарзда ўтказилган ёки умуман ўтказилмаган.

Муҳофазадаги ҳудудларни бошқариш иш режалари. Муҳофазадаги кўпчилик ҳудудлар учун бошқарув режалари мавжуд, лекин улар чегараланган, халқаро талаб даражасида эмас.

Ҳудудни муҳофаза қилишда жамоатчилик иштироки. Ҳозирда жамоатчиликнинг муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида

маълумоти ва уларни муҳофаза қилишдаги иштироки юқори эмас. Атроф-муҳитни ва биохилма-хилликни сақлашдаги бундай муаммоли вазиятга жиддий эътибор қаратиш зарур.

### *Стратегик, сиёсий ва қонуний жиҳатлар*

Қўриқланадиган ҳудудларнинг тарихий тизими маълум ҳудудлар базасида стратегик мақсад ёки узок муддатли режаларсиз шакллантирилган. Масалан, қўриқхоналар чегараланган мақсадда (алоҳида турлар ва ареалларни муҳофаза қилиш) ва ривожланиш зарур бўлган бош режаларсиз ташкил қилинган. Шунингдек миллий боғларни ташкил этиш ва уларнинг рекреация, туризмга таянч бўлиб хизмат қилишини таъминлаш стратегик режалар асосида эмас, балки манфаатдор айрим ташкилот ва шахслар томонидан бажарилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий вазият ўзгарди. Кейинги йилларда ҳукумат табиий манбаларни химоя қилишни мустаҳкамлашни янги ҳудудлар ташкил этиш, қатор қонуний ҳужжат-қондалар ва биохилма-хиллик Халқаро конвенциясига аъзо бўлиш каби ишларни амалга ошироқда. Бироқ, бу жараён ўзаро сустр боғланганлиги боис айна пайтда республика биохилма-хиллигини кенг қўламда ривожлантириш ва химоя қилишда аниқ мақсадли, режа, стратегия ва институционал қонуний тизим ишлаб чиқилишини шароит тақозо этипти.

### **6. Биохилма-хилликни муҳофаза қилиш йўлида амалланаётган чора-тадбирлар.**

Биологик ресурслардан фойдаланиш бир қатор қонун ҳужжатлари билан тадбиқ этилади. Буларга Урмон кодекси (26.07.78), "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш" тўғрисидаги Қонун (29.05.81.), "Табиатни муҳофаза қилиш" тўғрисидаги Қонун (09.12.92), шунингдек Олий Мажлиснинг "Қимматбаҳо ва йўқолиб бораётган ўсимликлар ва ҳайвонларни муҳофаза қилишни кучайтириш ҳамда улардан фойдаланишни тартибга

солиш" тўғрисидаги Қарори (03.09.93) ва Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси з^дудидида ов ва балиқчилик хўжалигини жорий этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги Қарори(10.04.91), "Ёввойи хайвонлар ва ўсимликларни муҳофаза қилишни кучайтириш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш" тўғрисидаги қарори (15.12.93) ва Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси томонидан чиқариладиган йўриқномалар, буйруқлар орқали тартибга солинади.

Биологик ресурслардан фойдаланишнинг қонунлар ва қарорларга мувофиқ бажаришда фаолият кўрсатадиган, Фанлар Академиясининг эксперт хулосаларига асосан режалар белгиладиган ва белгиланган режаларга биноан фойдаланишга лицензиялар (рухсатномалар) берадиган агентлик Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси қошидаги Давлат биологик назорати ҳисобланади. Иқтисодий аҳамиятга эга бўлган (масалан тиббиёт ва озиқ-овқат) ўсимликларни

25-Жадвал. Ноқонуний овчилик қилиш ҳажмининг 1995 йилдаги баҳоси

Топфа	Қонунни тузув-чилар сони	Жарима солиниши (сўм)	Зарар ўрнини қоплаш (сўм)
Овчилик	579	60698	105658
Ба^чиқ овлаш	2215	194289	258440
Усимлик дунёси	1937	207529	748549
Жами	4731	454720	1112656

иғиш учун режалар ҳар иили белгиланади ва лицензиялар шулар асосида бериллади.

Ўзбекистонда биологик ресурслардан фойдаланиш бўйича лицензияларнинг ягона тизими мавжуд. Ҳаваскор овчиларга ва балиқчилар учун лицензиялар овчилар ва балиқчилар жамияти томонидан, саноат хом ашёсини тайёрлайдиган давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, ҳамда чет эл фуқароларига лицензияни Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси қошидаги Давлат бионазорати томонидан белгиланади.

Ёввойи хайвонларни экспорт қилиш эса ёввойи хайвонлар турларини савдо қилиш бўйича халқаро савдо қодаларига асосланган ҳолда, СИТЕС лицензияси асосида амалга оширилади. Битта тур Урта Осиё ташбақасигина экспорт қилинади. 1995 йили 15000, 1996 йилда эса 7500 та ташбақа экспорт қилинган (шу йиллар режасига асосан). Бошқа турлар бўйича республиканинг ташқарисига уй шароитларида етиштирилган сайроқи ва декоратив қушлар чиқарилади.

Ҳозирга қадар аилалдаги қонунчилик та)9ил қилинмаган ва баҳоланмаган. Мавжуд молиявий ва кадрлар тақчилиги муаммоси қонунчилик базасини қайта кўриб чиқиш жараёнида айтарли даражада самарага эга эмасдир. Айниқса фойдаланилаётган биологик ресурсларнинг ҳақиқий баҳосини белгилашда бозор шароитидан келиб чиқиш ўта муҳим, чунки бу жарима за тўловларни белгилашда алоҳида аҳамият касб этади.

25-Жадвалда 1995 йилда содир этилган ноқонуний фаолият учун белгиланган жарима\лар қиймати келтирилган. Бироқ бу фактларнинг соҳадаги умумий миқдор қанчалик тўғрилиги

курсаткичининг номаълум.

Давлат назоратчилари 163, Жамоат назоратчилари - 174.

Жарималар табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузганлик учун, товлонлар биологик ресурсларга зарар келтирганлиги учун белгиланган. Ноқонуний йўл билан олинган маҳсулотлар бўйича маълумотлар тўғрисида Давлат биологик назоратида ахборот йўқ.

**Сунъий шароитда сақ/захи қўпайтириши.**

Ўзбекистонда иккита хайвонот боғи мавжуд (Тошкентда ва Термезда), битга ботаника боғи (Тошкентда).

**Тошкент хайвонот боғи ва ботаника боғининг таърифи**

Тошкент хайвонот боғи 1924 йил Урта Осиё Университети зоошунос олимлари томонидан ташкил этилган. Майдони 3,2 га, 124 хил хайвонот тури мавжуд. Ишининг асосий йўналиши - халцаро ва республика "Қизил китоб"га кирган, йўқолиб кетаётган хайвонлар турларини сақлаш, уларни сунъий йўл билан қўпайтириш. Хайвон турларининг кам турлигига царамасдан хайвонот боғига келтириш йилдан-йилга кўпаймоқда.

1997й. 1 сентябрда янги Тошкент хайвонот боғи ишга тушди.

Академик Ф.Н.Русанов номидаги Ботаника боғи 1922 й. ташкил этилган. Умумий майдони 8 га. Урта Осиё Давлат Университетига тегишли бўлган. 1944й.дан Фанлар Академияси тасарруфида. 1953й.да янги 80 гектарлик майдонга кўчирилган. 1968 й.дан илмий-тадқиқот институти мақомида иш юритади. 5-та лабораторияга эга: бошқа ерлик дендрофлора иқлимлаштириши, маҳаллий флора иқлимлаштириши ва ноёб, йўқолиб бораётган ўсимликларни муҳофаза қилиш, гулли-декоратив ассортиментлар иқлимлаштириши, тиббиёт за саноат ботаникаси.

6000 дан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд. Ботаника боғининг асосий бўлаги дендропарк ҳисобланади. Дендрофлоранинг тўплами 2500 турни, ту жумладан 170 нина баргли, 2200 ўтли турлардан иборат.

Ботаника боғи томонидан флорани иқлимлаштириш ҳам Ўзбекистон, ҳам бошқа минтақалар бўйича юқори даражада илмий тажриба тўланган. Марказий Осиё худудидан интродукция олинган. 41 оилага мансуб 2000 ўсимлик тури жалб этилган.

Ўсимликлар филогениясини ўрганиш бўйича илмий ишлар олиб борилган ва олиб борилмоқда. Сўнгги 20 йил мобайнида изчил равишда шифобахш ўсимликлар ўрганилиб келинган (ҳам маҳаллий, ҳам бошқа ерларда ўсадиган) Марказий Осиёнинг эндемик, ноёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик турларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Халқ хўжа, шифобахш 400 га яқин декоратив, ўрмон, мевали ва шифобахш бутали ва ўтсимон ўсимлик ва дарахт турлари жорий этилди.

1996 йили Ботаника боғини 21000 га одам келиб кўрган.

**Тўплам (ЖоАлекция)**

Тўпламлар билан ишлаш биохилма-хилликни сақлаш тадбирларининг муҳим таркибий қисмидир:

улар минтақа флора ва фаунаси табиий хилма-хиллигини баҳолашдаги муҳим ахборот манбаи бўлиб хизмат қиладилар:

тарихий даврда флора ва фаунанинг ўзгаришини холис таърифлашга имкон беради;

географик ва популяцион узгарувчанликни ўрганиш, тарқалиш хариталарини тузиш учун фойдаланилиши мумкин;


26-Жадвал. Ботаника боғи дендрофлорасининг таркиби.

Минтақа	Майдон (га)	Турлар сони	
		1960-70йй.	Ҳозирги кунда
Шарқий Осиё	8	1000	600
Узб; Шарк	4	300	170
Шимолий Америка	9	600	460
Крим-Кавказ-Овропа	5	400	300
Урта Осиё	14	200	117
Жами:	40	2500	1647

27.Жадвал. Ҳайвонлар тўплами.

Соҳа	Сақловчи муассаса	Ҳажми минг экз.	Тўпلامнинг мазмуни	Изоҳ
<b>УМУРТҚАЛИ ҲАЙВОНЛАР</b>				
Кушлар тўплами	ТошДУ , Тошкент ш.	20,2	19 гуруҳга мансуб 563 1^шлар тури. Буларнинг купи серия-лар оқали ифодаланган. 241 экз. 71 тур ва турдошни -ашкил )гади.	Тўпلامларнинг кўпгина Ёисми (15,6 минг экз.) Н.А.Зарудний то-монидан XIXаср- нинг охири -XX асрнинг бошида Марказий Осиё ва Эрон худуд/ари-да тупланган. Туркистон куш-ларининг хилма- хиллигини кўр- сатилган.
	Фанлар Академияси Зоология институти	5,6	18 гуруҳга мансуб 341 ыц'шлар тури	1947 й. таш-кил этилган
	Табиат музейи Тошкент ш.	1,4	14 гуруҳга мансуб цушларнинг 224 тури	Н.А.Заруднийнинг айрим тўпамла- рини ўз ичига олган. Улар 1925 йилдан бошланган. Чоп этилган ка- та,лог мавжуд.
т'хумлари тўплами	ТошДУ	662 тухум	9 гуруҳга мансуб 111 кушлар тури	Уясиз тўлик тухум лар мавжуд. Сериялари мав-жуд ва тулиц ти- зимланган
	Табиат музейи Тошкент ш.	54	9 гуруҳга мансуб 39 тур	Ката^оги мавжуд
Сут эмизувчилар тўплами	Шанлар Академияси Зоология институти	6,7	6 гуруҳга мансуб 83 тур. Бош су-як.лар ва тери сифатида сақ-ланмоь;да	Тўлик тизимлан-ган
Қазилма холда топилган умуртқали ҳайвонлар суяк қолдик-лари	ТошДУ ТошДУ Фанлар Академияси Зоология институти	2,6 1 10	7 гуруҳга мансуб 93 тур. 5 та синфга NjaHcyG 60 тур суяк қолди1^лари сифатида сақланади	Сериялари мавжуд  Тўра Худойбер-гановнинг илмий мақолаларида ўз аксини топган. Улар 1967 йилдан бошланган.
Сут эмизув-чилар бош суякларининг тўплами	"Жайрон" Экомаркази	0,244	Экомарказ худу-дида улган жай-ронлар бош су-яклари	МДХда энг йирик, Марказий Осиё худудида шундай ягона тўплам ҳисобланади
Судралиб юривчилар туплами	Фанлар Академияси Зоология институти	16,0	Жами 70 тур: 44тур ка,\таке- сак.лар, 22 тур илонлар, 2 тур тошбаь;a^лар, 2 тур амфибиялар	Урта Осий ва Қозоғистонда энг йирик. Судралиб юривчилар барча турлари хилма-хиллигини мужассамлаган.
<b>УМУРТҚАСИЗ ҲАЙВОНЛАР</b>				
Ҳашоратлар - туплами	Табиат музейи Тошкент ш.	335,0	47,2 минг экс-понат тизим.лаш-тирилган. Ҳашоратлар ва <b>Хелицеровлар</b>	Бўғимоёқлилар-нинг Марказий Осиёдаги энг йирик тўплами
	Фанлар Академияси Зоология институти	5,5	Тўғри қанотлилар, ярим ^аТНН; қа-нотлилар, чиганок қанотлилар гуруҳларининг ва қиллари. Қўн-ғизлар-17 оила энг кенг намоянланган	Материалларнинг аксарияти Ўзбекистон худуди бўйича намоь.ланган
Паразит бўғимоёқли-лар туплами	Улатга карши ўзбек станцияси	100,0	Кемирувчилар-нинг бургалари, кана^харнинг <b>иксодо, гамазо,</b> цизилтаналилари намоянланган, 30%-бальза.мдаги препаратлар, 70%-хўл препаратлар	Марказий Осиёда ўзига хос энг йирик тўплам. Тўлик, тизим-лаштирилган
Ургимчак-ларнинг тирик туплами	Фанлар Академияси Зоология институти		Марказий Осиё ўргимчак,лари-нинг 10 тури. 10 йилдан ортик сақланади	Инсектарий холида сақланади ва захар олиш учун фойдала-нилади

3- Раём. Меҳнаткашларнинг таълим даражаси.



экспертиза ва тадқиқот ишларини утказишда биологик турларни идентификация қилиш учун зарур;

маълумотномалар, манографиялар тузиш ва илмий-оммабоп ишларда маълумот манбаи ҳисобланади;

-табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги таълим ва маориф ишлари жараёнида зарур.

Илмий мезонларга асосан безатилган, кенг қўламли фондлар билан намоянган ва тадқиқот масадларига мўлжалланган илмий тўпламларни, шунингдек таълим ва маориф мақсадлари учун махсус жиҳозланган ва тузилган ўқув тўпламларни фарқлаш керак.

1991 йилдан бошлаб Давлат биологик назорати «Денис» қўшма корхонаси билан бирга лочинларни қўлда кўпайтириш лойиҳаси устида иш олиб бормокдалар. 5

йил мобайнида 27 та полапон етиштирилди. 1996 йилда жаҳон амалиётида биринчи марта 11 та лочин табиий шароитдаги яшаш жойларига қўйиб юборилди. Ушбу питомник базасида сунъий равишда гўзал-тувалоқларни етиштириш лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланди.


**7. Маориф, мутахассисларни тайёрлаш ва жамоатчилик иштироки.**

**Маориф**

Ўзбекистон Республикаси ривожланган маориф тизимига эга ва у юқори билим даражаси ва деярли барчанинг хат-саводлигини таъминлайди (3-расм).

Маориф тизими мактабгача бўлган, мактаб, ўрта ва олий ўқув юртларини ўз ичига олади.

4. Раём. Ўрта умумий таълим мактабларида биохилма-хилликка тегишли фанларни ўқитиш.



Мактаб таълими бошлангич мактаб (1-4 синф), тугалланмаган ўрта мактаб (5-9 синфлар) ва тўлиқ ўрта мактаб (10-11 синфлар) тизимидан ташкил топган. Урта махсус таълим бериш тизими техникум, колледж, билим юртлирини ўз ичига олади.

Биологик таълим мактабдаги умумий биологик таълим ва олий ўқув ва махсус биологик таълим юртлирини уз ичига олади.

Мактаб таълими соҳасида алоҳида предметларни чуқур ўрганиш бўйича махсус мактаблар фаолият кўрсатмоқда. Биология ва экологияни чуқур ўрганишга ихтисослашган мактаблар нисбатан кам (Тошкентда 1,5 % (экология) ва шаҳар мактабларига нисбатан 6,7 % (биология).

Ўрта маъсус таълим тизимида табиатни муҳофаза қилиш ва биологик йўналишдаги фанлар алоҳида билим юртлирида ўқитилади. Аксарият ҳолда улар касб бўйича йўналтирилмаган.

Олий ўқув юртлири тизимида биологик таълим фан сифатида давлат университетларининг биологик йўналишдаги факультетларида, ҳамда тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги институтларида жамланган. "Экология" кафедралари республиканинг 12 олий ўқув юртида мавжуд.

Давлат Университетларининг биология факультетлари "Биология" ва "Экология ва табиатни муҳофаза қилиш" мутахассисликлари бўйича мутахассисларни тайёрлайди. Урмон хўжалиги бўйича мутахассисларни Тошкент аграр университетининг ўрмон хўжалиги факультети амалга оширади.

Ўзбекистонда жами бўлиб 8919 та умумтаълим мактаблари, 471 та касб-хунар билим юртлири ва 55 та олий ўқув юртлири ишламоқда.

**Таълимнинг 1<sup>о</sup>нуналиши асослари**  
Узбекистон Республикасининг "Маориф тўғрисида"ги Қонуни (1992й., июл) республика фуқароларининг мажбурий 9 синфлик негизли маълумот олишни мажбурлайди ва бепул ўрта махсус ва олий маълумот олишга имкон яратади. Шартнома асосида пулли махсус ва олий маълумот олишни ҳам кўзда тутлади.

Умумтаълим мактабларида ўқитиш 7 тилда, ўрта-махсус ва олий , ўқув юртлирида эса ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги (1992 й. декабр) қонун Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига экологик таълим ва маърифат тизимини яратишни юклайди (9 модда). Мажбурий экологик таълим тўғрисидаги махсус қонунлар йўқ.

#### **Маъмурий бўйсунуш**

Умумтаълим мактаблари 5 вазирлик ва идораларга бўйсунди (асосан Халқ таълими вазирлиги), ўрта махсус ўқув юртлири 22 вазирлик ва идораларга, олий ўқув юртлири 12 вазирлик ва идораларга (асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги) бўйсунди.

Таълим бўйича методик етакчилик Халқ таълими ва Олий на ўрта махсус таълим Вазирликлари томонидан амалга оширилади. Барча ўқиладиган курслар бўйича тасдиқланган дастурлар мавжуд. Ҳозирги кунда республикада ўқув юртлирини дарсликлар, ўқув-методик адабиётлар, компьютер техникаси ва кўрғазмали қуроллар билан таъминлаш пастдаражада.

#### **Маорифни молиялаш**

Маорифга кетадиган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 % яқинини ташкил этади. Уқув юртлири, айниқса мактаблар, моддий техник таъминланишининг пасайиши кузатилмоқда. Уқитувчиларнинг маоши паст даражада қолмоқда ва халқ хўжалиги мажмуаси бўйича ўртача маошнинг 60 % ташкил этади. Давлат таълим тизимида хомийлик сует ривожланган.

Пулли ўқув тизимида харажатларни тингловчиларнинг ўзи кўтаришади. Малакани ошириш биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш билан боғлиқ турли мутахассисларни қамраб олган. Ҳозирги кунда бу тадбирлар тор доирадаги идоровий йўналишлар билан чегараланган бўлиб, одатда биологик хилма-хиллик ва табиатдан барқарор фойдаланишнинг муаммоларига таълуқли эмасдир.

### **Мактабдан ташқари экологик таълим ва тарбия**

Экологик дунёқарашни шакллантиришда турли жамоат ташкилотлари, тўғараклар, клублар ва дам олиш кундузги экологик мактаблар катта рол уйнайди. Улар асосан республиканинг катта шаҳарларида (Тошкент, Фарғона, Нукус) жамланган. Молиявий манбалар - аъзолик бадаллари, хайрия ва турли жамғармаларнинг молиявий ажратмалари.

### **Ходимлар билан таъминлаш**

1994 йил 42 минг мураббийлар мактабдан ташқари муассасаларда ишлаганлар. Республикада мактаб ўқитувчилар кескин танқислиги (шу жумладан, 2,7 минг биология фани ўқитувчилари) мавжуд.

### **Асосий муаммолар:**

- биология ва экология таълими бўйича султ қонунчилик асоси;
- биологик ва экологик таълимнинг стратегияси йўқлиги;
- ўқув муассасаларининг султ моддий-техник базаси;
- мутахассисларни тарбиялаш сифатининг муаллим ходимлар танқислиги билан боғлиқ пастлиги;
- мактабдан ташқари экологик таълим тизимининг йўқлиги;
- ўқув ва ўқув-услугий адабиётларнинг кескин танқислиги;

таиер ходим ва мутахассисларнинг етишмаслиги;

алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий 5<sup>^</sup>дудлар тизимида ишлаш учун турли йўналишдаги, жумладан менеджмент, ходимлар тайёрлашнинг йўқлиги;

давлатнинг бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги иқтисодий қийинчиликлар ёшлар ўртасида биология фанларига қизиқишнинг султлиги, талабаларни Олий ва Урта махсус ўқув юртларига қабул қилишнинг қамайганлиги илмий ва педагогик ходимларнинг бошқа соҳаларга ўтиб кетишини келтириб чиқарди;

малака ошириш тизими идоралар бўйича тақсимланган ва шу сабабли биохилма-хилликни сақлаш нуктаи-назаридан самарасиздир.

### **Но<sup>></sup>ўқумат ташкилотлар ва жамоатчилик ва айрим кишиларнинг биохилма-хилликни сақлашда иштироки**

#### **Умумий маълумотлар**

Республикамиздаги 30 дан ортиқ ноўқумат ташкилотлари (НХТ) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш бўйича фаолият кўрсатади. Улардан 13 таси рўйхатдан ўтган. Улардан энг йириклари - "Экосан" халқаро жамғармаси ва "Қизил ярим ой" жамияти ҳукумат тарафидан қўллаб-қувватланмоқда. Бошқа жамоат ташкилотларида аъзолар сони кўп эмас (2 тадан - 200 тага етади). Биохилма-хилликни сақлаш билан боғлиқ НХТларнинг фаолият доираси бевосита табиатни муҳофаза қилишни, ҳамда экобиохилма-хиллик, маълумотлар ва тарғиботни қамраб олган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда илмий жамиятлар (жумладан, Ўзбекистон зоология жамияти) ва Ўзбек овчилар ва балиқчилар иттифоқи жамоат ташкилоти фаолият кўрсатмоқдалар, уларни биохилма-хиллик муаммоларига бевосита боғлиқ

дейиш мумкин. Кўпчилик жамоат ташкилотлари Тошкент ва Нукусда жойлашган.

#### **Қонуний база**

Жамоат ташкилотлари ва алоҳида шахслар "Табиатни муҳофаза қилиш" Қонунига асосан (12, 13, 29, 30, 32, 35

моддалар) иш юритадилар.

#### **Молиявий таъминот**

Жамоат ташкилотларини молиявий таъминлаш аъзолик бадаллари, грантлар ва тижорат фаолиятдан тушган маблағлар асосида амалга оширилади. Купгина ноҳукумат ташкилотларининг молиявий манбаи бўлиб хорижий жамғармалар ва ташкилотларнинг грантлари ҳисобланади.

#### **Ўзбекистондаги жамоат ташкилотларининг муаммолари:**

чекланган аъзолик ва халқаро қўллаб-қувватлаш ва молиявий ресурсларга қарамлик;

бошқариш ҳамда ташкилотчилик малакасининг йўқлиги;

аниқ иш фаолияти иўналишларининг йўқлиги;

қонунчиликнинг мураккаб жараёнлари, жумладан НХТ расмий ва молиявий статуслари мустаҳкамланиши масала^ари;

мамлакатда НХТни қўллаб-қувватлашнинг сустлиги;

НХТлар учун маълумотларни олиш қийинлиги.

#### **НХТларнинг биоҳилма-хилликни сақлашда 1^атнашиш имкони:**

жамоат хабардорлиги ва таълимни юксалтиришнинг дастур ва тадбирларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш; биоҳилма-хилликни сақлаш ва бари^арор фойдаланиш учун муқобил бўлган анъанавий билимлар ва урф-одатларни тўплаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш;

Ўзбекистон ва Марказий Осиё биоҳилма-хиллик муаммолари ҳақида хабардорлик даражасини кз^айтиришга ёрдам кўрсатиш;

давлат ташкилотларини янги ускуналар билан қўллаб-қувватлаш ва биоҳилма-хиллик масалалари билан боғлиқ, компьютер телекоммуникацияси ва компьютер бошқаруви соҳасида ёрдамни таъминлаш:

биоҳилма-хиллик манбаларидан барқарор фойдаланиш ва алоҳида муҳофаза қилинадиган з^дул-харни ривожлантириш бўйича сиёсат, лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқишда нштирок этиш.

## **Таҳлил.**

Қуйида келтирилган қоидалар Ўзбекистон биохилма-хиллигини сақлаш ва ундан фойдаланишнинг долзарб муаммолари шунингдек, мамлакатнинг келажакда ривожланиши учун биохилма-хилликнинг ўзига хос аҳамияти ҳақидаги қисқача таърифдан иборат.

## **1. Умумий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг таҳлили.**

Илгари Ўзбекистонни ривожлантиришга мувозанатни сақламадан ёндошиш хос бўлиб, унда ишлаб чиқариш, айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва манбалардан фойдаланиш муаммоларини, уларнинг тикланишини таъминлайдиган воситаларни етарли равишда ҳисобга олмасдан қатъиян аҳамият қаратилар эди. Бундай вазият уларнинг барбод бўлишига олиб келди. Шунингдек, режалаштириш ва бошқаришнинг юқори даражада марказлашгани ҳам бунга сабаб бўлди.

Ўзбекистондаги биологик ресурсларнинг аҳоли, сифати Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида бўлгани сингари кейинги 30-40 йилда жуда ёмонлашди, бу айрим экотизимларнинг бузулишида, зарарланишида акс этди, республикадаги умумий экологик барқарорликка таҳдид солди.

Республика аҳолиси сонининг тез ўсиши, шунингдек бошқа омиллари ҳисобга олган ҳолда шу нарса аёнки, мавжуд ишлаб чиқариш усуллари уларнинг ўзгармаган кўринишида Ўзбекистоннинг келгусидаги эҳтиёжини тўлиқ қондираолмайди. Биринчидан, бу усуллар атроф-муҳитга тикланмас жиддий зарар етказмоқда, иккинчидан, баъзи табиат манбаларидан фойдаланиш амалда аллақачон охириги нуктасига етиб борган, масалан, сувдан фойдаланиш.

Улардан фойдаланиш орқали республика ривожланиши мумкин бўлган ишлаб чиқаришнинг янги усул ва тизимлари қуйидаги талабларни қондириши лозим: ишлаб чиқариш нуктаи назаридан самарали, уларни табиат ва ижтимоий базанинг амал қилишини барбод қилмасдан узок вақт мобайнида қўллаш учун барқарор бўлиши.

Юқорида таърифланган вазиятда замонавий сиёсат ва ривожланиш

режаларида республикадаги биологик ресурсларнинг туб моҳиятига ҳам уларнинг қишлоқ хўжалиги ва экологик шарт шaroитлар боглиқ бўлган ҳаётий зарур экологик жараёнларни қўллаб қувватлаши, ҳам улардан амалда ва салоҳиятли фойдаланилиши нуктаи назаридан етарли баҳо берилмаган, ўз навбатида, зарур даражада акс эттирилмаган

Республиканинг келгусидаги мустақкам ривожланишига эришиш учун биохилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишга эҳтибор қаратиш, ташкилий ва молиявий маблағлар ажратган ҳолда, уларни миллий ривожланиш режаларига киритиш зарур.

Иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар биологик ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ишларини ривожлантиришга, айнан уларни муҳофаза қилишнинг янги тизимини барпо этиш ва улардан фойдаланиш учун янги сиёсат ва ёндошувларни ишлаб чиқиш имкониятулари мавжуд бўлган бир пайтда долзарб ва салоҳиятли хавф-хатарни тугдиради.

Шундай қилиб, келажакда республиканинг барқарор ривожланиши, салоҳиятини янада ошириш ва унинг асосларини шакллантириш учун биохилма-хилликни муҳофаза қилиш ва ундан барқарор фойдаланишни тегишли молиявий-моддий маблағлар ажратган ҳолда, ривожланишнинг устивор режаларига киритиш тақозо этилади.

## **2. Алоқанда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимининг ташкили.**

**Қонунчиликни такомиллаштириш.** Табиий заҳиралардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақидаги олдин мавжуд бўлган қонунчилик ўша давр ривожланиш жорий сиёсатига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, табиий заҳиралардан унумли фойдаланишни таъминлашга ва уларни муҳофаза қилишга унда етарли эҳтибор қаратилмаган эди. Мустақиллик эълон қилингач табиатни муҳофаза қилиш фаолияти ва табиий заҳиралардан фойдаланишнинг қонунчилик асосини яхшилашга йўналтирилган ишлар доирасида янги қонунлар ва қонуности актлари қабул қилинди. Уларнинг аксарияти алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар бошқаруви ва мақомига у ёки

бу кўринишда тегишлидир. Янги конунчилик, шубҳасиз фойда келтирган бўлсада, тезкор ва жорий вазиятга муносабат билдиришга йўналтирилган ишланиш характери унда мавжуд камчилик ва зиддиятларнинг юзага келиши учун шароит туғдирди. Қонунчиликнинг келажак ислохоти ва ривожланиши камчиликлар ва зиддиятларни нафақат тугатиш, балки шу билаи бирга, тезда ўзгараётган вазиятни жорий ислохатлар натижаси сифатида олдиндан кура билиш учун юзага келган.

### **Концепция ва режа**

Мустақиллик эълон қилинган даврга қадар Ўзбекистон табиий ҳудудларини алоҳида муҳофаза қилиш тизими, бир жиҳатдан, кўрикхоналарни (шартли равишда, аниқ ва бошқа фойда олишга мўлжалланмаган турлар ва майдонларни мустасно тарзда муҳофаза қилиш учун махсус ажратилган ҳудудлар) ташкил қилишга оид Россия эски анъаналарининг ривожланиши маҳсули бўлса, бошқа жиҳатдан эса, ўтмиш, табиатни муҳофаза қилишнинг муҳимлигини охиригача ҳисобга олмайдиган умумий сиёсатнинг оқибати эди. Шунга биноан, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар жамият тараққиётининг охирига сурилган бўлиб, уларнинг амалда мавжуд туришига режалаштирувчи ҳукумат ташкилотлари, масъул шахслар ва аҳоли эмас, балки, асосан, олимлар, мутахассислар, профессионаллар ва ҳаваскорлар цизикишган эди. Демак, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизими Совет тизимининг емирилиши ва янги сиёсий ва давлат иқтисодий тизимига ўтиш шароитида келиб чиқувчи ўзгаришларга яхши тайёрланмаган эди.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизими олдида турган танқидий муаммолар уч табақага бўлинади:

унинг биологик хилма-хилликни сақлаб қолиши таъминлашга қодир эмаслиги (экотизилмаларнинг тўлиқ қамраб олинмаганлиги, экологик жиҳатдан ҳаётга мосланмаган ўлчам, лавҳаланганлиги ва ҳ.к.);

биологик захираларни сақлаш ва улардан самарали фойдаланишнинг мамлакат тараққиёти учун муҳимлиги ва зарурлигини барча даражаларда (масъул шахслар, режалаштирувчи ташкилотлар, аҳоли) тўла англамаслиги ва бу ҳақда етарли маълумотга эга эмаслиги;

янги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларда алоҳида муҳофаза этилувчи табиий ҳудудлар тизимининг барқарор ривожланиши ва ишлаши учун аниқ белгиланган истиқбол йўналишларнинг йўқлиги.

Шундай қилиб, мустақиллик эълон қилингандан сўнгги даврда муҳофаза этилувчи ҳудудлар янги тизимини ривожлантириш, уларнинг чизмаларига ва бошқарувига янги ёндашувларни ишлаб чиқиш йўналишида ижобий қадамлар қўйилганига карамай, улар аксар жиҳатдан, умумиллий сиёсатнинг ўзгариши эмас, балки тегишли ташкилотларнинг ташаббуслари натижаси сифатида юзага келди. Ушбу масалаларнинг миқдорий тараққиёт учун муҳимлиги ҳукумат доиралари томонидан тўла англанилганлиги ва кенг тарқалганлиги ҳақида гапириш ҳозирча мушкул. Шу боис ютуқларга эришиш учун алоҳида муҳофаза этилувчи ҳудудлар ривожланиши масалаларини энг олий, ҳукумат даражасида расмий маъқулланган ва қўллаб-қувватланган, республикани барқарор ривожлантириш умумий сиёсатининг ҳам миллий, ҳам халқаро миқёсда тан олинувчи стратегик режаларига узвий қисм сифатида киритилиши тақозо қилинади.

Ташкилотлар уртасида бошқарув ва масъулиятнинг тақсимланиши. Алоҳида муҳофаза этилувчи табиий ҳудудлар тизимининг ташкилий ва бошқарув муаммоларига юқорида баҳо берилди. Муҳофаза қилинувчи ҳудудларнинг янги тизимини яратиш, шубҳасиз, мураккаб иш бўлиб, муваффақиятга эришиш учун белгиланган муаммолар, хусусан, штатнинг ташкилий масъулиятини

ошириш, иш шароити ва ҳолатини яхшилаш, шунингдек унинг техник ва бошқарув имкониятини кенгайтириш борасида тезкор қарор қабул қилиниши зарур.

Янги тизимнинг ривожланиши босқичидаги бошқа омил - унинг то қисман бўлсада, ўэ-ўзини қоплай оладиган даврга кадар адекват ва ишонарли молияланишини таъминлашдир. Тарихан шундай вазият юзага келдики, биологик заҳиралар ва алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимига молиявий маблағларнинг ажратилиши ишлаб чиқаришга йўналтирилган ривожланиш сиёсатида устувор аҳамиятга эга эмас эди. Утиш давридан бошлаб марказий тақсимланувчи маблағларнинг қисқариши ва ажратилган заҳираларнинг реал қийматининг сезиларли даражада пасайиши оқибатида вазият янада ёмонлашди. Масалан, 1996 йилда қўриқхоналар ва миллий боғларга (ТМҚХИ нинг I ва II тоифалари) ажратилган умумий харажатлар бор-йўғи 16850 минг сўмни (расмий курс бўйича 280 минг АҚШ доллари) ташкил қилиб, бу марказий бюджетдаги харажат бандларининг тахминан 0,003 % га тенгдир. Муҳофаза қилинувчи ҳудудларнинг 1 кв.км. га харажатлар суммаси 34 АҚШ долларини ташкил қилиб, бу миқдор дунёнинг энг ҚОЛЮҚ мамлакатлари билан таққосланганда ҳам фавқулотда камдир. Масалан, Эфиопия 1 кв.км.га 57 АҚШ долларини, Гана - 237, Зимбабве - 277 (Bell & McShane, 1985) харажат қилади.

### **3. Жамиятнинг хабардорлиги, таълим ва жамоатчилик ва маҳаллий аҳолининг иштироки шакллари таҳлили.**

Узоқ вақт мобайнида амалга оширилган, барқарор ривожланишни таъминламаган сиёсат мамлакатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига ҳам тегишли муносабатни белгилаб, маориф тизимига таъсир ўтказди. Масалан, юқори билим даражасига қарамасдан, республикада "Орол танглиги" каби фожиали воқеалар

содир бўлди, асосий биологик жараёнларнинг роли ва аҳамиятини масъул ҳукумат даражасида, ишлаб чиқариш секторининг бошқарув бўғинида ва аҳоли ўртасида англаш ва тушуниш йўқ эди. Олий таълим тизимида асосий диклат-этибор экологик менежмент масалалари лозим даражада ишланилмасдан туриб, ёки ишлаб чиқаришга, ёки соф илмий тадқиқотларга қаратилган, бошланғич ва ўрта таълим тизимида эса фундаментал экологик жараёнларни тушунишга, уларнинг мамлакат тараққиёти муаммолари билан алоқаларига етарли этибор берилмаган. Утмишда жамоатчилик ва аҳолининг биологик хилма-хилликни сақлашда иштирок этиши маълумотнинг тақчиллиги, сиёсий ва ҳуқуқий қийинчиликлар сабабли чекланган эди.

### **4. Барқарор фойдаланиш муаммолари таҳлили.**

#### **Биологик заҳираларнинг 1-иймати**

Ўзбекистон-умуман аграр мамлакат сифатида маълум даражада табиий муҳитнинг сифати билан боғлиқ. Бироқ илгари экологик жараёнларни қўллаб-қувватлаш ва барқарорлаштириш, уларнинг республика тараққиётида тутган алоҳида вазифаси нуқтаи назаридан биологик заҳираларнинг бевосита фойдаси етарли баҳоланмади. Бу ҳолат Орол фожиасига ўхшаш вазиятларнинг тугилишига имкон яратди.

#### **Биологик заҳиралардан фойдаланиш**

Ўзбекистонда биологик заҳиралардан фойдаланиш овчилик, қимматли шифобахш ва озуқа ўсимликлар фойдаланишдан иборатдир. Аммо ҳозиргача биологик заҳиралардан фойдаланишнинг тўлиқ иқтисодий фойдаси ва улардан барқарор фойдаланиш борасида республиканинг имкониятлари батафсил баҳоланмаган. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, ушбу сектор агарда ундан оқилона фойдаланилган тақдирда, катта иқтисодий фойда келтириши ва мамлакат тараққиётини тезлатиши мумкин.

## **Стратегияни шакллантириш.**

Олиб борилган таҳлил натижасида биологик хилма-хилликни сақлаш миллий стратегиясини ўзига мужассам қилган асосий муаммолар аниқланди. Ушбу муаммолар уларнинг устуворлиги тартибига биноан қуйида санаб берилди.

### **1. Муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тизими.**

Юқорида қайд этилдики, Ўзбекистонда мавжуд муҳофаза қилинувчи ҳудудлар тизими умумий ўлчамлари, маҳаллий ёндашувлар, ваколатлари, молияланиши, ҳуқуқий базаси, менежменти ва ташкилий бошқаруви жиҳатларидан чекланган. Шунингдек, аёнки охириги 30 йил давомида Ўзбекистон биологик хилма-хиллиги жиддий қисқарди. Бу эса экотизимнинг ҳаётлиги ва мамлакатнинг келажак барқарор тараққиётини хавф остига қўйди.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизими нафақат ўз ҳаётини сақлаб қолиши, балки ривожланиши учун янги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий воқеаликка мўъноси янги концептуал ва услубий ёндашувлар ишлаб чиқарилиши мутлақо зарурдир. Тизим мамлакатнинг барқарор ривожланишида аниқ кўриниб туривчи фойдаларни таъминлаши орқали ўзига ажратилган харажатларни қоплаши мумкин. У республика фуқароларига, хусусан, қишлоқ аҳолисига иқтисодий-ижтимоий фойда келтириши, биологик хилма-хилликни ва табиий ландшафтларни сақлашни таъминлай олиши керак. Бусиз келажак авлоднинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий эҳтиёжларини қониқтириш мумкин эмас.

Шундай қилиб, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимининг қайта қўрилиши, қайта ташкил этилиши ва кенгайтирилиши беш йил (1998-2002ЙЙ.) давомида амалга оширилади.

Ушбу фаолиятнинг асосий тамойиллари ва мақсадлари қуйида келтирилади.

Янги муҳофаза қилинувчи ҳудудларни яратишда экотизимга мосланган ёндашувни қўллаш. Ушбу кезиқарли ва хавф остида бўлган турларга муҳофаза қилинувчи ҳудудларни ташкил этишда мезон сифатида устуворлиги берилиши ҳозир мавжуд ваколатсиз тизимнинг шаклланишига имкон яратди.

Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимига мақсадли даражанинг мамлакат умумий майдонидан 10 % белгиланиши. Бу ҳозирги даврда республика ерларининг тахминан 2 % ни қамраб олади. Ҳозирги кунда биологик хилма-хилликни сақлаш эҳтиёжларини қониқтирувчи майдоннинг аниқ рақамини белгилаш учун қўл остидаги маълумотлар йўқ бўлсада, мавжуд даража шубҳасиз, етарли эмасдир. Шу боис режалаштиришнинг дастлабки ўн йиллиги учун халқаро ташкилотлар томонидан тавсия қилинган 10% даража қабул қилинган.

"Қарши фойдаланиш"га мўъжалланган муҳофаза қилинувчи ҳудудларни кенгайтириш ва ривожлантиришга баҳоланган ҳолда ёндашув. Мустақилликка эришилган даврдан буён, миллий боғлар доирасида ажратилган майдонлар ва аралаш фойдаланувчи ер участкаларига бўлинган қўриқхоналарни ёппасига ҳимоя қилиш принципларидан воз кечилди. Ушбу ўзгариш икки жиҳатдан ўзини оқлайди: биринчидан, халқаро ва маҳаллий тажриба асосида шу нарса белгиланганки, ялпи муҳофаза қилинадиган табиий давлат қўриқхоналарини кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш келажакда молиявий харажатлар, ошиб бораётган демографик ва иқтисодий-ижтимоий таъсир оқибатида мушкуллашади;

иккинчидан, аралаш фойдаланувчи худудлар муҳофазасининг ривожланиши биологик хилма-хилликни сақлаш узоқ муддатли мақсадларига эришиш эҳтимолининг кўпайиши билан бир қаторда мамлакатнинг қолган қисмида ҳам унинг барҳарор ривожланиши андозасини тарқатишга асос яратади. Шундай экан, ушбу ёндошув келажакда янада такомиллаштирилади ва муҳофаза қилинувчи худудлар янги тизимининг асосини ташкил этади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат қўриқхоналари янги тизимда, муҳофаза қилинадиган табиий худудларнинг таркибида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Давлат буюртма хоналари ва ИҲ табақага мансуб бошқа худудлар ҳам янги тизим таркибида ўрин олади.

## **2. Жамоатчиликнинг хабардорлиги ва иштироки, таълим.**

Стратегиянинг муваффақиятга эришиши учун кенг жамоатчиликнинг, хусусан, қарорлар қабул қилиш учун масъул шахслар, маҳаллий ҳокимият маъмурияти, муҳофаза қилинувчи худуднинг таркибида ва атрофида яшаётган аҳоли ва ёш авлод ўртасида биологик хилма-хилликни сақлаш, ундан унумли фойдаланишнинг ҳамда уларга қўйлаётган талабларнинг моҳият асосини тушуниши ва тегишли даражадаги билимларга эга бўлиши тақозо қилинади. Бундан ташқари, жамоатчиликнинг биологик хилма-хилликдан унумли фойдаланиш ва уни сақлашдаги иштирокини рағбатлантирмоқ лозим, чунки бу биологик хилма-хилликни сақлаш учун зарур бўлган тадбирларнинг кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланиши ва тушунишида энг самарали воситадир.

Ушбу жараён, табиийки, вақтни талаб этади ва мамлакат атроф-муҳитини муҳофаза қилиш масалаларининг кенг жамоатчилик томонидан чуқур тушунилиши ва билим савиясини оширишнинг таркибий ҚЎСМИ ҳисобланади. Айни пайтда стратегия учун ушбу жараёнларни ривожлантириш йўлида устувор тадбирларни аниқламоқ

зарур. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади: масъул шахсларнинг маърифий савияларини ошириш; оммавий ахборот воситалари орқали ва маҳаллий даражада аҳолининг маълумот савиясини ошириш борасида тегишли дастурларни ишлаб чиқиш; мактаб ва олий ўқув юртлари учун мавжуд дастурларни қайта ишлаб чиқиш; муҳофаза қилинувчи худудлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда жамоатчиликнинг иштирокини таъминловчи механизмларни ривожлантириш.

## **3. Ерилар фойдаланиши.**

Овчиликни, шифобахш гиёҳларни теришни мувофиқлаштириш каби биологик захиралардан барқарор фойдаланиш механизмлари Ўзбекистонда кенг ривожланган бўлсада, иқтисодий ва ноиқтисодий фойдаулар доирасини кенг қамраб олувчи умумий мақсадий ёндошув нисбатан янгидир. Демак, барқарор фойдаланиш механизмларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга мавжуд мувофиқлаштирув йўллари мустаҳкамлаш ва аниқлашдан ҳамда муҳофаза қилинадиган табиий худудлар тизимининг мавжуд йўналишларини ривожлантиришдан "Изчил қадамли" ёндашув қўлланилади. Бундан ташқари, барқарор фойдаланиш юзасидан стратегияда белгиланган асосий қонун-қоидаларни ҳаётга жорий қилиш давомида маҳаллий имкониятлар ва халқаро тажрибаларга таянган янги услублар таклиф этилади. Стратегияни амалга оширишнинг иккинчи босқичи устувор йўналишлари биринчи босқичда аниқланган услублар ривожидан иборат. Ташкилий томондан аниқлик киритиш учун барқарор фойдаланиш уч остки-таркибий қисмга бўлинган.

## **Иқтисодий фойдаланиш**

У овчилик, туризм, ёғоч бўлмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва бошқалар каби маълум иқтисодий қийматга молик фаолият турларидан иборат. Бундан ташқари у сув йигилиш худудларини сақлаш, чўлга айланишнинг олдини олиш

каби пул орқали баҳолаб бўлмайдиган, бироқ республика учун кўзга ташланувчи иқтисодий аҳамиятга эга соҳаларни ўзига камрайди.

#### **Илмий ва маърифий мақсадларда фойдаланиш**

Ушбу таркибий ҲСМ табиий ҳудудлардан биологик хилма-хиллик заҳираларини ўллаш ва сақлаш, уларнинг асосларини англаш асосларини ташкил этувчи илмий тадқиқотларни олиб боришда "Тирик тажрибахона" сифатида фойдаланишдан иборат. Бунга қўшимча равишда, табиий ҳудудлар экологик тизилмалар учун асосий заҳира манбаси бўлиб хизмат қилади.

#### **Маданий ва дам олиш (рекреацион) мақсадларида фойдаланиш**

Ўзбекистон ўз маданий ва тарихий меросини қайта англаётган ва ҳис қилаётган янги мамлакатдир. Ўзбекистон табиати ва манзаралари- таркибий қисмлари асралиши албатта зарур бўлган бой мероснинг интеграл бўлагидир. Ўзбекистон-қайта тикланиш эҳтиёжлари ўсиб бораётган ёш авлодлар мамлакатидир. Ушбу эҳтиёжларни қондиришда табиий ҳудудларнинг яқинлиги муҳим аҳамият касб этади.

#### **4. Устувор стратегик йўналишларни белгилаш.**

Юқорида белгиланган муҳим йўналишлар Ўзбекистон биология секторининг барқарор ривожланишини таъминлаши учун зарур уч муаммодан иборатдир. Ушбу стратегия доирасида амалга ошириладиган, кўйида белгиланган ҳаракатлар устувор муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Биологик хилма-хилликни сақлашга мўлжалланган ва атроф-муҳит сифатини сақлашга йўналтирилган алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг самарали ва барқарор тизимини яратиш;

Тадбирларнинг, мақсадларнинг ва ҳаётга татбиқ этишнинг барча даражаларда қўллаб-қувватланишини таъминлаш учун биологик хилма-хиллик масалалари бўйича жамиятнинг билими ва таълим даражасини ошириш;

Биологик хилма-хилликдан барқарор фойдаланишнинг йўллари баҳолаш ва ишлаб чиқиш, фойдаларнинг адолатли тақсимланишини таъминлаш.

**Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимининг ривожланиши биринчи устувор йўналиш** сифатида белгиланган. Бунинг сабаби биологик хилма-хилликнинг кескин қисқаришининг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш, Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг имкониятларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилинувчи ҳудудларнинг бошқарув олдида турган кескин муаммоларни ҳал қилишдир.

**Жамиятнинг билими, таълими ва аҳолининг иштироки иккинчи устувор йўналиш** сифатида белгиланган. Бунинг асосий сабаби шундаки, ушбу соҳаларда натижадорликка дарҳол эришиб бўлмади. Аммо келажакда улар ютуқларга эришишда стратегиянинг ҳаётий зарур бўлган таркибий қисми ҳисобланади,

**Вариантлар фойдаланиш икки сабабдан учинчи устувор йўналиш** сифатиди кўрсатилган; биринчидан, барқарор фойдаланишга тегишли қатор муаммо ва тадбирлар олдинги икки устувор йўналишларнинг таркибий қисми; ҳисобланади; иккинчидан, биология-заҳиралардан тўлиқ фойдаланиш ҳақиқатан ҳам бошқа мамлакатлар учун янги концепция бўлиб, ушбу сифатли; конкрет тадбирларни амалга оширишда олдин баҳолаш учун маълум муддатли тақозо этади.

# Стратегиями қабул қилиш, ишлаш даври ва амалга ошириш.

## 1. Стратегияни қабул қилиш.

Биологик хилма-хиллик лойиҳаларини бошқариш Миллий Қўмита томонидан кўриб чиқилгандан ва маъқуллангандан кейин стратегия Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланиши лозим. Ушбу вақтдан бошлаб у Узбекистон Республикасининг расмий сиёсатига айланади, ҳисобот эса биологик хилма-хиллик Халқаро конвенцияси доирасидаги мамлакат мажбуриятларига мувофиқ ушбу конвенция томонидан Конференциясига тақдим этилади.

## 2. Ишлаш даври.

Стратегия 10-йиллик ишчи давр (1998 йилдан то 2007 йилгача) мобайнида амалга оширилади. Стратегияни такрорий кўриб чиқиш ва уни жорий этиш муваффақияти 5 йилдан кейин (2002 йилдан сўнг) амалга оширилади.

## 3. Амалга ошириш.

Стратегия Иш Режаси ҳужжатларида батафсил кўрсатилган ва куйида белгиланган натижаларга ва мақсадларга мувофиқ ҳаётга татбиқ қилинади. Ишлар Режаси аниқ тадбирлар, мажбуриятнинг тақсмоти, молияланиши ва муддатларнинг батафсил баёнидан ташкил топади.

## 4. Амалга ошириш учун масъуллик.

Атроф-муҳит муҳофазаси масалалари учун масъул бўлган Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари ушбу стратегияни амалга оширишда умумий раҳбарлик қилади. Ушбу вазифа уз навбатида ҳозир ишланаётган Узбекистон Республикаси барқарор ривожланишни экологик жиҳатдан таъминлаш ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари Миллий

Режасининг (ТМҚМХР) мустақил қисмини ташкил этади.

**Биохилма-хиллик бўйича Миллий Комиссия (БХМК)** стратегияни амалга ошириш режасини татбиқ қилиш, бажарилишини назорат қилиш ва Конференция аъзолари томонидан амалга оширилган ишларнинг ҳисоблари ўз вақтида тақдим этилиши учун бевосита масъулдир. У шунингдек, камида 5 йилда бир марта ўтказиладиган ҳаракатлар Режасини тузатиш ва қайта кўришни таъминлаш учун жавоб беради. Комиссия биологик хилма-хилликни сақлаш миллий стратегиясини лойиҳалаш Бошқарув Қўмитаси асосида тузилади. Унда барча иштирокчи томонлар, шунингдек, биологик захираларни муҳофа қилиш ва фойдаланишни назорат этувчи, экологик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларининг молиявий ташкилотлари, раҳбарлари ва ҳолатига бевосита таъсир ўтказувчи ишлаб чиқариш ташкилотларининг ваколотлари таъминланади. Барқарор Ривожланиш бўйича Миллий Комиссия узил-кесил шаклантирилгач БХМК у билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Ҳаракатлар Режасида белгиланган аниқ ишлар)ун масъулият тадбирлар режасида баён этилган тавсияларга мувофиқ зўкумат томонидан тайинланган ташкилотларга юкланади.

**Стратегиянинг мақсад ва вазифалари.**

### 1. Мақсад.

Узбекистон барча аҳоли, ҳозирги ва келажак авлодларнинг бахт-саодатлари йўлида барқарор ривожланишининг энг асосий таркибий бўлаги сифатида биологик хилма-хилликни сақлаш ва барқарор фойдаланиш орқали ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш.

## 2. Вазифалар.

### **1-Вазифа. Муҳофаза қилинувчи ҳудудлар тиамини амалга ошириш**

"Ўзбекистон биологик хилма-хиллиги ва экотизимлари миқёсини лозим даражада ифода7айдиган ва мамлакат майдонининг 10 % дан кам бўлмаган ҳудудни қамраб олувчи самарали бошқарув тизимини ишончли қонунчилик асосида ташкил этиш".

#### **Институционал ва к^онунчилик асослари**

I. Мавжуд институционал қонун-қоидаларни маъмурий ва муҳофаза қилинувчи ҳудудларни бошқариш учун яроқлиги ва мослиги, шунингдек, лозим тақдирда уларга барча ўзгартиришлар киритиш жиҳатларидан баён этиш.

II. Муҳофаза қилинувчи ҳудудларнинг ҳуқуқий асослари. жумладан турли типдаги муҳофаза қилинувчи ҳудудлар мақомининг тўғрилиги, зарурият бўлса уларга хоҳлаган ўзгартиришлар киритиш имкониятларини баён этиш

#### **Муҳофаза қилинувчи ҳудудлар бошқаруви**

I. Муҳофаза қилинувчи ҳудудлар бошқарувининг штати, молиявий савияси ва жиҳозлар таъминотининг мақсадга мувофиқлиги баёни ҳамда уларга зарур пайти ўзгаришлар киритиш.

II. Муҳофаза қилинувчи ҳудудларга қабул ва штат тайёрлаш тартибини яхшилаш.

#### **Муҳофаза к^илинувчи ҳудудларни кенгайтириш**

I. Мавжуд маълумотларга асосланиб мамлакат экотизими харитасини, биологик хилма-хилликда ҳал қилинувчи аҳамиятга эга з^дудлар ва маконларнинг жойланиши ва уларнинг замонавий статусини аниқлаш.

II. Ўзбекистоннинг замонавий эҳтиёжларига мувофиқлаштириш мақсадида муҳофаза қилинувчи ҳудудлар табақаларини баён этиш, уларни қайта қуриш ва ислох этиш жараёнларини бошлаш.

III. Эксперт-маслаҳатлар воситасида камчиликлар ва эҳтиёжларни аниқлаш, танлов мезонлари бўйича келишувга эришиш.

IV. Келишилган мезонлар нуқтаи-назаридан тахминий муҳофаза қилинувчи ҳудудларни танлаш.

V. Барча даражаларда тегишли маслаҳат тадбирлари олиб бориш.

VI. Муҳофаза қилинувчи ҳудудларни ташкил этиш бўйича тадбирларнинг якуни.

#### **Биологик хилма-хилликнинг Ахборот тизими**

I. Қарорлар қабул қилиш з^чун восита сифатида қўлланиладиган биологик захираларга оид ахборотларни сақлаш ва қайта ишлаш тизимини яратиш.

II. Маълумот тизимини билиш ва қарор қабул қилиш учун масъул шахслар ва бошқа тегишли томонларнинг унга тўлик қира олишни таъминлаш.

#### **2'Вазифа. Жамоатчиликнинг хабардорлиги ва таълим.**

"Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши учун биологик хилма-хилликнинг тўғри тушунилиши ва аҳамиятининг англанилишига барча даражаларда эришиш ва биологик захираларни тўғри муҳофаза қилиш йўлидаги ҳаракатларнинг қўллаб-қувватланишини таъминлаш".

#### **Қарор /^абул қилиш учун масъул шахсларнинг билим базасини мустаҳкамлаш**

I. Турли соҳалар, асосан, қишлоқ хўжалиги, тижорий ўрмоншунослик ва сув хўжалиги соҳаларида қарорлар қабул қилиш учун масъул шахсларга мўлжалланган биологик хилма-хилликни сақлаш ва барқарор фойдаланиш бўйича ахборот манбалари ва қўлланмалар ишлаб чиқиш.

II. Биологик хилмаҳиллик бўйича миллий, худудий, маҳаллий ва бошқа тегишли ташкилотларда кўптармоқли ваколатларни таъминлаш.

### **Жамоатчиликнинг маълумот даражасини ошириш**

I. Оммавий ахборот воситалари (матбуот, радио, телевидение) биологик хилма-хилликнинг Ўзбекистонда барқарор ривожланиши учун муҳимлигини кенг намоёниш этишга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқиш.

II. Биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш бўйича барча фаолият турларининг жамоатчилик томонидан, айниқса муҳофаза қилинувчи худудлар, миллий ва маҳаллий даражада ахборотни кенг тарқатиш орқали қўллаб қувватланишига эришиш.

III. Биологик хилма-хилликни сақлаш ва барқарор фойдаланишда юқори қийматга ва аҳамиятга эга бўлган худудларни, маҳаллий ва худудий даражадаги жамоатчилик хабардор этиш учун мўлжалланган дастурлар яратиш.

### **Таълим**

I. Замонавий ўрта ва олий таълим тизимидаги камчилик ва муаммоларни эксперт-маслаҳат гуруҳлари ёрдамида тўлиқ намоён қилиш.

II. Экологик таълимда аниқ юз бераётган фаолият ва ташаббусларнинг бошқа турларини аниқлаш.

III. Биологик хилма-хиллик масалалари бўйича устувор ҳаракатлар йўналишини аниқлаш ва миллий таълим режасини ишлаб чиқиш.

IV. Миллий таълим тизимига биологик хилма-хилликни сақлаш масалаларини ўрганиш дастурларини киритиш.

### **Жамоатчилик иштироки**

I. Миллий ва маҳаллий даражада биологик хилма-хилликни сақлаш ва

барқарор фойдаланишга қизиқувчилар ва қўллаб-қувватловчилар гуруҳлари, уюшмаларини ташкил қилиш.

II. Биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишда жамоатчилик иштирокини рағбатлантиришнинг восита ва механизмларини ишлаб чиқиш ва белгилаш.

### **3-Вазифа. Биологик хилма-хилликдан барқарор фойдаланиш.**

"Биологик хилма-хиллик захираларидан назоратли фойдаланиш ёрдамида Ўзбекистоннинг барча аҳолиси учун максимал иқтисодий, илмий ва маданий самараларга эришиш. Айни пайтда экотизимларнинг хилма-хиллиги ва биологик ҳаётини узок муддатли муҳофазаланишини таъминлаш".

### **Барқарор иқтисодий фойдаланиш**

I. Биологик хилма-хилликни бир хилда муҳофаза қилишни кафолатловчи ҳамда улардан барқарор фойдаланишга эришишнинг муҳофаза қилинувчи худудий тизими доирасида қўлланилувчи услублари ва механизмларини ишлаб чиқиш.

II. Эксперт-маслаҳатчилар гуруҳи ёрдамида Ўзбекистон биологик хилма-хиллиги захираларидан жорий иқтисодий фойдаланиш ва мувофиқлаштириш йўллари аниқлаш, шунингдек, бошқарув механизмларининг мувофиқлигини ўрганиш.

III. Ўзбекистон биологик имконий хилма-хиллиги захираларидан барқарор фойдаланиш учун янги воситалар ва механизмлар ишлаб чиқиш, фойдаларни хусусан қишлоқ аҳолиси ўртасида адолатли тақсимлаш.

IV. Тадқиқотлар, бошқарув ва ривожланишни кўчайтириш тақозо этиладиган устувор соҳаларни аниқлаш.

V. Ўзбекистон биологик хилма-хиллик захираларидан барқарор иқтисодий фойдаланишнинг келажак ривожланиши, шу жумладан, зарурий механизмлари, бошқарув

тизими, институционал масъулиятини кучайтириш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқиш.

#### ***Илмий ва таълим мақсадларида фойдаланиш***

I. Эксперт-маслаҳат гуруҳи ёрдамида биологик хилма-хилликнинг фан ва таълим мақсадларида, айниқса муҳофаза қилинувчи ҳудудларда фойдаланишни кўриб чиқиш, ушбу фойдаланиш натижасида олинadиган самаранинг юқори даражада орттирилиши юзасидан тавсияномалар бериш.

II. Ўзбекистонда агробιοхилма-хилликнинг муҳимлиги даражасини баҳолаш мақсадида илмий эксперт гуруҳини ташкил қилиш ва шу асосида уни сақлаш ва фойдаланиш дастурини ишлаб чиқиш.

III. Ўзбекистонда биотехнология ва биофармацевтика мақомини баҳолаш учун илмий эксперт гуруҳини ташкил этиш ва бу соҳаларнинг келажак ривожланиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

#### ***Маданий ва дам олиш (рекреация) мақсадларида фойдаланиш***

I. Ўзбекистоннинг ҳозирги ва келажак дам олиш эҳтиёжлари ва ушбу эҳтиёжларни қонлиришда биологик хилма-хиллик ва ландшафт жиҳатидан муҳофаза қилинувчи ва бошқа ҳудудлар аҳамиятини аниқлаш.

II. Биологик хилма-хиллик учун ҳозирги ва келажак дам олиш эҳтиёжлари, фойдаларни максимал кўпайтириш ва зарарни камайтириш усул ва механизмларининг аҳамиятини аниқлаш.

III. Алоҳида маданий аҳамиятга эга бўлган экотизимлар, турларни аниқлаш ва миллий маданий мерос учун муҳим бўлган ёндошувлар, сақлаш хусусиятларини ишлаб чиқиш.

#### ***4-Вазифа. Биологик хилма-хиллик бўйича ҳудудий ва маҳаллий ҳаракат режалари.***

"Биологик хилма-хилликни сақлаш Миллий Стратегияси ва ҳаракатлар Режасига мувофиқ маҳаллий даражадаги хусусий талаблар ва муаммоларни аниқ ифодаловчи ҳудудий (Қорақалпоғистон) ва маҳаллий (вилоят ва туман) тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш".

I. Ҳудудлар ва маҳаллий ҳокимият вакиллари, олимлар, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа тегишли гуруҳларнинг вакилларида иборат ташкилий тизилма (бошқарув қўлшгаси, ишчи гуруҳлари) ташкил этиш.

II. Биологик хилма-хилликнинг маҳаллий ҳолатини, жумладан, унинг муҳимлиги, мавжуд муаммолари ва зарур тадбирларини баҳолаш ва таҳлил қилиш.

III. Баҳолаш натижасига асосан зарур тадбирларни аниқ ифодаловчи ҳудудий ва маҳаллий иш режаларини, шунингдек ижро учун масъул ташкилотлар ва бюджетнинг дастлабки вариантларини белгилаш.

## ***Ташкилий тузилма, ваколат ва масъулиятнинг тақсимланиши, бажаришнинг умумий муддатлари***

Стратегия биологик хилма-хилликни сақлаш Миллий режаси асосида амалга оширилади. Ҳаракат режаси стратегияда белгиланган кўрсатмаларнинг бевосита ривожидир. Бироқ ҳаракатлар Режаси, ундан фарқли ўлароқ, томонларнинг аниқ тадбирларини батафсил шарҳлайди, унда шунингдек стратегияни ҳаётга татбиқ этиш учун зарур бўлган молиялаш ҳажмлари, аниқ ишларнинг муддатлари кўрсатилади. Ҳаракатлар Режаси 10 йиллик даврга мўлжалланиб тузилган ва дастлабки 5 йил тугаши билан тўлдирилади.

## ***Ҳаракатлар Режасини амалга оширишга масъул булган ташкилотлар.***

### **Биохилма-хиллик бўйича Миллий комиссия (БХМК)**

Стратегия ва ҳаракатлар режасини амалга ошириш фаолиятини ташкил этиш, унинг давомати устидан назорат ва натижаларини кўриб чиқиш учун масъулият Узбекистон Хукумати қарори билан Бошқарув қўмитасининг тавсияси асосида ташкил этилган биологик хилма-хиллик бўйича Миллий комиссияга (БХМК) юкланади ва БХМК Узбекистон Хукумати олдида ҳисобот беради. Унга аъзолик, асосан, амалдаги биологик хилма-хиллик бўйича ҳаракатлар Режаси ва Миллий стратегияси лойиҳаси Бошқарув қўмитасидан мерос қилиб олинади. Фанлар Академияси маслаҳатлар, илмий тадқиқотлар ва мониторинг олиб бориш учун масъул бўлган асосий ташкилот бўлиб қолаверади.

Биологик хилма-хиллик бўйича Миллий комиссия ўз ишида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланувчи қоидага асосланади. У ўзининг мажбуриятларини мунтазам (ҳар 3 ойда 1 марта) олиб боради. Унда ишлар Режасига мувофиқ тайёрланган ва тақдим этилган дастурлар муҳофаза этилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади, шунингдек, ушбу дастурларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида зарур чоралар кўрилади.

Бундан ташқари Комиссия қилинган ишлар бўйича ҳисобот ва фаолият режасини ҳаётга татбиқ этиш жараёни муҳофаза этиладиган йиллик мажбуриятларини ўтказди. 5-йилдан сўнг ҳаракатлар Режасининг жараёни ва ҳаётга татбиқ этиш натижалари кенг миқёсда баҳоланади ва тўнланган тажриба, ўзгарган вазиятларга мувофиқ келажак 5 йиллик иш режасига тузатишлар киритилади. Стратегиянинг якуний йилида (9-йил) Комиссия янги Стратегия ва келгуси 10-йиллик ҳаракатлар Режасини (2008дан 2018 йилгача) тайёрлайди.

### **Ҳаракатлар Режаси бўйича ишлари мувофиқлаштирувчи гуруҳ (ХРМГ).**

Биологик хилма-хиллик бўйича Миллий комиссиянинг биринчи навбатдаги вазифаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ҳузуридаги биологик назорат Давлат инспекцияси доирасида ташкил этилувчи Ҳаракатлар Режасида белгиланган ишларни мувофиқлаштириш гуруҳини (ХРМГ) ташкил этишдир. ХРМГ ҳаракатлар Режаси бўйича ишларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ барча ташкилотлар учун мувофиқлаштирувчи марказий бўғин сифатида фаолият олиб боради ва қуйидаги ишлар учун масъул:

Ҳаракатлар Режасида баён этилган қадамларни (эксперт гуруҳини ташкил этиш ва ҳ.к.) рағбатлантириш ва мақсад ва ҳаракатларнинг бирлигини таъминлаш учун фаолият турларини мувофиқлаштириш;

Биологик хилма-хиллик бўйича ҳаракатлар Режасига оид ҳисоботларни, лойиҳа ва дастурларни таққослаш ва йиғиш, шунингдек шундай тартибни таъминлаш, унга биноан муайян қадамлар бевосита амалга оширилади ёки тегишли таклифлар олиб боради; даражада маълумланиши ва тегишли чоралар кўрилиши мақсадида Миллий комиссияга тақдим этилади;

Ҳаракатлар Режасини амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган фаолият жараёни ҳақида йиллик ҳисобот тайёрлаш ва унинг биологик хилма-хиллик бўйича Миллий комиссияга тақдим этилиши, ҳамда дастлабки 5-йиллик давр тугалланиши билан ҳаракатлар Режасини қайта кўриш ва тузатишни ташкил этиш.

БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИК БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИНИ  
АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ТИЗИЛМАСИ

**Атроф-муҳит масалалари учун масъул Бош вазир ўринбосари**

**Биологик хилма-хиллик бўйича  
Миллий комиссия (БМХК)**

**Ҳаракатлар Режаси бўйича ишларни  
мувофиқлаштириш гуруҳи (ХРМГ)**

<p><b>Биологик хил-ма-хилликни сақлаш ва ун-дан фойдаланиш учун масъул давлат ташкилотлари</b></p>	<p><b>Нодавлат ташкилотлар ва бошқа ўзбекистонлик ташкилотлар</b></p>	<p><b>Экспертлар гуруҳи</b></p>	<p><b>Халқаро ва донор ташкилотлар</b></p>
----------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------	---------------------------------	--------------------------------------------

28. *Жадвал. Биохилма-хиллик бўйича стратегия ва ҳаракат режасини амалга ошириш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар жадвали*

	Хар 3 ойда	Хар йил	5-йиллик муддатдан сўнг	10-йиллик муддатдан сўнг
БМХК нинг ХРМГ тав-дим қилган ҳисоботлари ва таклифларини муҳо-кама этиш бўйича мажлислари				
БМХК нинг ХРМГ тақ-дим қилган ҳисоботлар асосида тадбирлар Ре-жасининг амалга оши-рилишини куриб чиқиш бўйича мажлислари				
БХМК тадбирлар ре-жасини муҳр-кама қи-лиш, тўлдириш ва ў-қитиш куриб чиқиш тартибини ташкил қилади				
БХМК келгуси 10-йил-лик тадбирлар страте-гияси ва Режасини тайёрлашни ташкил қилади. (2008-2017)				

## **Ҳаракат Режаси доирасидаги ишларни бошлаш бўйича (1998й. январь) ташкилий чора-тадбирлар.**

1998 й. 1 январга белгиланган ҳаракатлар Режасини бажариш юзасидан ишларнинг ўз вақтида бoлбаниши учун ташкилий асос қуриш бўйича қуйидаги чоралар кўрилиши зарур:

Миллий Стратегия лойиҳаси бошқарув кўмитаси ва БХМК нинг аъзолари рўйхати мувофиқлаштирилдиган ва унинг расмий тан олиниси учун зарур ишлар амалга оширилдиган мажлис ўтказилади;

БХМК биологик назорат бўйича Давлат инспекцияси ҳузурида ҲРМГни ташкил этиш юзасидан, жумладан, ҲРМГ учун зарур штатлар, ишчи бинолар, жиҳозлар ва бюджет ажратиш бўйича қарор қабул қилиши лозим;

биологик назорат бўйича Давлат инспекцияси ҲРМГ тайёргарлигини таъминлаш учун зарур бўлган тадбирлар қабул қилиши ва 1998 й. 1 январдан бошлаб ишга киришиши керак.

## **Ҳаракат Режаси: мақсадлар, амалга ошириш йўллари ва натижалар.**

Тушунтирув. Ҳаракатлар Режаси 5 бўлимдан иборат ( 1- алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизими; 2 - жамиятнинг ахборотга эга\лиги, иштироки ва таълим; 3 - биологик хилма-хилликдаги барқарор фойдаланиш; 4- биологик хилма-хиллик бўйича ҳудудий ва маҳаллий режалар; 5- биологик хилма-хиллик соҳасида халқаро алоқалар ва ёрдамни мувофиқлаштириш).

Ушбу бoбларнинг ҳар бири тегишли мақсадларга эришиш учун зарур бўлган тадбирларга багишланган ички бўлимлардан иборат.

Ҳар бир тадбир баёни ташкилий жиҳатлар ва мажбуриятларни (масалан, ТРМГ эксперт гуруҳини ташкил қилади) аниқлайдиган сатр ёки абзацдан иборатдир; сатр ёки хат бошилари мақсад натижаларга эришиш учун лозим бўлган чораларни кўрсатади; ниҳоят, натижани белгилловчи якуний сатр ёки хат боши, Аниқлик киритиш мақсадида, сатрлар ёки абзацлар келтирилган чизмаларга мувофиқ равишда уларнинг функциона\ тафовутини кўрсатувчи турли рамзлар билан ифодаланади. Ушбу рамзлар р;уйидагиларни белгилайди:

\* - ташкилий ёки масъул тизилма;

^ - зарур чоралар;

• - натижа-\лар.

## **1. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизими.**

**Бўлимнинг мақсади:** алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни экологик барқарор ва кўпқиррали тизимини самарали бошқарув < мустақкам қонун ҳимояси остида ташкил этиш. Ушбу тизим Ўзбекистон турдош ва экотизилма хилма-хиллигини муносиб ифодалайди ва мамлака ҳудудининг камида 10 % майдонини қамраб олади.

### **1.1. Интитуционал ва 1<sup>^</sup>онунчилик шарт-шароитлари.**

**1.1. бўлимнинг мақсади** - алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг кенгайтирилган ва к<sup>^</sup>айта ташкил этилган тизил ривожланиши ва бошқарувининг институционал ва қонунчилг асосларини ишлаб чиқиш.

**1.1.1. Му<sup>^</sup>офаза қилинувчи ҳудудлар бош<sup>1^</sup>арувининг мавжуд институтла) фаолиятини кўриб чиқиш ва уларнинг мослигини таъминлаш мақсади ўзгартишлар киритиш.**

- махсус тузилган мустақил экспертлар (Фанлар Академияси, Адлия вазирлиги, жамоат ташкилотлари мутахассислари) гуруҳи (комиссия):
  - ^ муҳофаза қилинувчи ҳудудларни бошқариш бўйича ҳозирги мавжуд институционал қондаларни қайта кўриб чиқиши ва вужуд баён қилинган янги ёндошувга мувофиқ ўзгартиришлар киритиши (1.2);
  - ^ шу асосда турли тоифаларга мансуб (масалан, кўрикхоналар учун қандайдир ташкилот, миллий боғлар учун қайси, бошқа муҳофаза қилувчи ҳудудлар учун қайси ташкилот жавобгар) муҳофаза қилинувчи ҳудудлар бошқаруви масъулиятини мавжуд тақсимо- тини ислоҳ қилиш юзасидан тавсияномалар тайёрла
- БХМКга мувофиқлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига тақдим этиш у тавсияномалар тайёрлаши.

**1.1.2. Алоҳида му<sup>^</sup>офаза қилинадиган табиий ҳудудлар бўйича қонунчилик 1<sup>^</sup>айта кўриш.**

- ^ Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларга тегишли мавжуд қонунчиликни таҳлил эти бўйича эксперт гуруҳини ташкил қилиш. Мазкур гуруҳ:
  - => ҳозир мавжуд қонунчиликни таҳлил қилиши, уни қайта ташкил қилиш ислоҳ этиш нуктаи назаридан мослиги ва тўлаллигини аниқлаши;
- амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаши БХМК га мувофиқлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига тақдим этиш мақсад тегишли таклифларни тайёрлаб бориши лозим.

**1.2. Алоҳида му<sup>^</sup>офаза қилинадиган табиий ҳудудларни 1<sup>^</sup>айта ташкил этиш ва кенгайтириш.**

**1.2.-бўлимнинг мақсади мамлакат ривожланишининг янги сиёсий ва ижтимоий шароитларида биологик хилма-хилликни сақлаш эҳтиёжларига мос келувчи муҳофаза қилинувчи ҳудудлар қайта ташкил этилган ва кенгайтирилган тизимини яратиш Дастурини ишлаб чиқиш.**

**1.2.1. Мамлакат умумий ривожланишининг янги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларига биологик хилма-хилликни сақлаш эҳтиёжларига мос келадиган алоҳида муҳофаза қилинувчи ҳудудлар тизими ва бошқаруви янги, мақсадий ёндашувни ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш.**

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар миллий тизимнинг услубий ёндашуви ва умумий мақсадлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш учун мустақил экспертлар гуруҳини ташкил қилиш. Ушбу гуруҳ:

=> Ўзбекистоннинг алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлари тизими олдида турган вазифаларни таҳлил этиши ва ушбу соҳадаги жаҳон тажрибасини ўрганиш;

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар янги тизимнинг янги концептуал базасини ишлаб чиқиш ва унинг мамлакат табиий захираларини бошқарув сиёсатида тутган ролини Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий вазияти, шунингдек машҳур халқаро "энг яхши тажриба"ни эътиборга олган ҳолда кўрсатиш;

• ХРМГ га ҳаракатлар Режаси бўйича ҳисобот тақдим этиши лозим.

**1.2.2. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар**

Юқорида эсланган ҳисобот асосида алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг янги тавсияларини аниқлаш ва уларни асослашнинг мезонларини танлаш учун экспертлар гуруҳини ташкил этиш. Экспертлар гуруҳи:

=> МДХ мамлакатларининг янги тажрибаси, халқаро норматив ҳужжатлар ва Ўзбекистондаги жорий вазиятни кўриб чиқиши;

• ХРМГ га Ўзбекистондаги алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тавсияларини танлаш ва иш ҳудудларни ташкил этиш юзасидан тавсиялар тақдим этиши зарур.

**1.2.3. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни миллий режалаштириш мақсадларига мувофиқ экологик ва ердан фойдаланиш харитасини тузиш**

Асосий хариталарни тузиш учун мустақил экспертлар, жумладан, биологлар, географлар, манзара бўйича мутахассислар, харитачилар ва ўрмоншунослардан иборат гуруҳ ташкил қилиш. Ушбу гуруҳ тайёрлайди:

=> амалда мавжуд алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимининг кенг миқёсли хариталарини;

мамлакат экологик тизими, жумладан, биринчи навбатда муҳофазалашга муҳтож ҳудудлар харитасини;

=> замонавий ердан фойдаланиш, жумладан алоҳида муҳофаза қилинувчи сифатида фойдаланиш имкониятига эга ҳудудлар хариталарини;

- ХРМГ га хариталар ва маълумотлар тақдим этиш.

#### **1.2.4. Миллий экологий тизим (турли тоифалар ва маълумдаги алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар) Дастурини ишлаб чиқиш, уни тасдиқлаш ва амалга ошириш.**

Экспертлар гуруҳи томонидан тақдим этилган маълумотлар, ишлаб чиқилган мезонлар асосида ХРМГ:

- => қайта ташкил этиш ва тоифасини ўзгартиришга муҳтож мавжуд алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни аниқлаши; мавжуд алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш ва янгиларини яратиш мумкин бўлган жойларни аниқлаши;
- => танланган районлар ердан фойдаланувчилари ва маҳаллий маъмурият билан алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш ёки янгиларини яратиш имкониятлари ҳусусида маслаҳат, музокаралар олиб бориши;
- => алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар миллий экологик тизими Дастурини ишлаб чиқиши;
- => миллий экологик тизим Дастурини амалга ошириш ишлари режасини тайёрлаши;

- Республика ҳукуматида келажакда тақдим этиш учун БХМК га мувофиқлаштириш юзасидан амалга ошириш ишлари режаси ва дастурини тақдим қилиши лозим.

#### **1.2.5. Миллий экологик тизим Дастурини амалга ошириш бўйича ташаббуслар Режасини амалга ошириш.**

- \* ХРМГ миллий экологик тизим Дастурини алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда амалга ошириш юзасидан тегишүүи чоралар кўради.

### **1.3 Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни бошқариш.**

*1.3.1. Булимнинг маълуми - 1.2 булимда тасдиқланган, қайта ташкил этилган ва кенгайтирилган алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимини эффектив бошқарув учун зарур бўлган ўзгаришларни киритиш ва ушбу ўзгаришларни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш.*

#### **1.3.1. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар бошқаруви тизими.**

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар бошқаруви учун масъул ташкилотлар вакилларида иборат экспертлар гуруҳини ташкил қилиш. Ушбу экспертлар гуруҳи:

- => алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар бошқарувининг мавжуд тизимини баҳолайди ва бу тизимнинг халқаро ва маҳаллий ўзгариши тажрибаси асосида қайта ташкил этилган алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни самарали бошқариш учун зарур бўлган ўзгаришларини аниқлайди;
- ^ республикада алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар бошқаруви учун масъул бўлган миллий ташкилотлар ва чегарадош мамлакатларнинг муайян ташкилотлари орасидаги
- => мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни таъминловчи самарали механизмларни аниқлайди;

=> алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар бошқарувида маҳаллий ҳокимият ва ташкилотлар, жумладан, нодавлат ташкилотлар ва ижтимоий гуруҳларнинг иштирокини таъминлайдиган механизмларни белгилайди;

- ҲРМГ га мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни таъминлашда зарур бўлган чоралар, мавжуд бошқарув тизимига киритилувчи ўзгаришлар ҳақида таклифлар таъдим этади.

### **1.3.2. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар жамоаси: Жамоа малакасининг мувофиқлиги ва штатлар сонининг алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларга тайёралик ташкил этилган тизими талабларига мослигини баҳолаш ва фаолият юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.**

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар бошқаруви учун масъул ташкилотларнинг вакилларида иборат экспертлар гуруҳи қуйидагиларни бажариши лозим;

бошқарув аппарати малакаси, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ходимларининг техник билимлари даражаси билан алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар бошқарувини қайта ташкил этиш учун зарур бўлган даража орасидаги тафовутни аниқлаш;

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар жамоасининг техник билими ва малакасидаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан миллий дастур ишлаб чиқиш, шу жумладан, умумдавлат ва маҳаллий миқёсда алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар бошқарув ва дала жамоасини тайёрлаш ва қайта тайёрловни ташкил этиш воситасида халқаро тажрибадан фойдаланиш; халқаро техник ва маърифий ёрдам (ходимлар тайёрлашнинг техник имкониятлари ва ушбу тайёрлашни молиявий таъминлаш) манбаларини аниқлаш;

=> турли мақомдаги алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ходимлари сонининг энг қўлай, энг кам ва энг кўп кўрсаткичларини ушбу тизимни тайёрлаш ташкил этиш матнида аниқлаш;

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий турли мақомдаги табиий ҳудудлар ходимлари сонини ушбу тизимни қайта ташкил қилиш асосида аниқлаш;

- ҲРМГ га алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар жамоасини тайёрлаш даражасини ошириш ва унинг сонини мувофиқлаштириш бўйича таклифлар киритиш.

### **1.3.3 Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар бошқаруви устидан назорат ва илмий тадқиқотлар.**

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни бошқариш учун масъул ташкилотлар вакиллари, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг дала жамоаси ва Фанлар Академияси вакилларида иборат экспертлар гуруҳи қуйидагиларни бажариши лозим:

=> алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда олиб бориладиган мониторинг ва қарорларни қўллаб-қувватлаш бўйича асосий илмий тадқиқот ишларининг мавзуларини аниқлаш;

=> алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг ҳар бир тоифаси учун илмий тадқиқотлар ва мониторинг стандарт дастурларини ишлаб чиқиш;

- ҲРМГ га зарур фаолиятни кўриб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан илмий тадқиқотлар ва мониторинг стандарт дастурларини тақлиф қилиш.

### **1.3.4. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг жиҳозлар ва материаллар билан таъминлаиш даражасини белгилаш ва алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимини қайта ташкил этиш матнида таъминчи эҳтиёжларини аниқлаш.**

^ Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни бошқариш учун масъул ташкилотлар вакилларида иборат экспертлар гуруҳи қуйидагиларни ама,га оширади:

=> алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг техник жиҳозлар ва материаллар билан таъминланганлиги ҳолатини таҳлил қилиш;

^ қайта ташкил этилган тизимда турли тоифа ва статусдаги алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг стандарт жиҳозлар ва материалларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш;

• ХРМГ га турли тоифа ва статусдаги алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг техник жиҳозлар ва материаллар билан таъминлаш бўйича таклифлар киритиш.

### **1.3.5. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар қайта ташкил қилинган тизимнинг ривожланиши учун талаб қилинувчи молиявий захиралар ҳажмини аниқлаш ва ушбу заҳираларнинг манбаларини топиш.**

• Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимнинг дастлабки 3-йиллик Фаолият Режасини ама,га оширилиши давомида ишлаши учун зарур бўлган маблағлар ҳажмини кўриб чиққандан кейин мустақил эксперт гуруҳи қуйидагиларни бажариши лозим:

=> тақдим этилган ҳисоботлар ва таклифлар (1.3.1.,1.3.2. ва 1.3.3. тадбирлар) асосида алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ривожланиши ҳамда йиллик жорий харажатларни қоплаш учун зарур харажатларнинг тахминий миқдорини ҳисоблаб чиқиш;

=> ривожланиш ва йиллик жорий харажатларга ажратилган маблағларни қоплаш манбаларини аниқлаш (яъни, давлат бюджети маблағлари, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг ўзлари ишлаб топган маблағлар, муайян ривожланиш лойиҳаларига ажратилган халқаро маблағ манбалари);

• ХРМГ га зарурий фаолиятни кўриб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан ҳисобот тақдим қилиш,

### **1.3.6. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар бошқарувининг ягона Дастурини ишлаб чиқиш ва уни давлат даражасида қабул қилиш.**

^ ХРМГ алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар бошқаруви билан алоқадор ташкилотлар ҳамда бошқа тегишли томонлар билан бирга,лиқда қуйидагиларни бажариши лозим:

⇒ юқорида эслаб ўтилган ҳисоботларни кўриб чиқиш (1.3.1.-Бошқарув тизилмаси, 1.3.2. Жамоани тайёрлаш ва штатлар миқдори,1-3.3. - Жиҳозлар ва материаллар, 1.3.4.- Молиялаш);

=> ҳисобот маълумотларига асосланиб, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар бошқарувининг ягона миллий дастурини ишлаб чиқиш;

• БХМК га юқорида таъкидланган дастурни мустақил экспертлар гуруҳининг муҳокамаси ва олий даражадаги ҳукумат томонидан тасдиқланиши учун тақдим этиш.

### **1.3.7. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар бошқарувининг тасдиқланган ягона дастурини амалга ошириш.**

^ ХРМГ алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар бошқарувида иштирок этувчи тегишли ташкилотлар билан биргалиқда қуйидагиларни амалга оширади:

^ алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар қайта ташкил қилинган тизимини бошқарув дастурини амалга ошириш юзасидан муайян ишлар режасини тайёрлаш; бюджет ва бошқа манбалар томонидан молиявий таъминланишга қафолатланиш;

• Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар қайта ташкил этилган тизимини бошқарув дастури бўйича ишлар режасини амалга ошириш.

#### **1.4. Биохилма-хиллик бўйича миллий ахборот тизими.**

*1.4. билимнинг маъсади - барча тегишли томонларнинг фойдаланишини таъминловчи ва қарор қабул қилиш, режалаштириш учун масъул шахслар ва ташкилотлар учун амалий фойдали маълумотлар берувчи биологик хилма-хилликга оид марказлаштирилган ахборот банкни ташкил қилиш.*

**1.4.1. Биологик захираларга мансуб тегишли ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, уни қарорлар қабул қилишда фойдали кўринишда ташкил этиш.**

\* ХРМГ тегишли соҳаларнинг экспертлари ёрдаида қуйидаги ишларни бажариши лозим:

- => биологик захиралар ва уларни бошқаруви бўйича марказлаштирилган, жумладан ҳужжатлар ва компьютер ахбороти банки ҳамда географик ахборот тизими (ГАТ) "ИДРИСИ" дан иборат ахборот марказини ташкил қилиш;
  - => тегишли жамоани ахборот маркази, қисман, ГАТ ривожланиш ва фойдаланиш услубларига ўргатиш;
- масъул шахслар ва бошқа тегишли томонларнинг ахборот маркази билан чекланмаган тарзда фойдаланишини кафолатлаш.

#### **1.5. ex-situ ини алоқида кўпайтириш ва муҳофаза қилиш.**

*1.3. билимнинг маъсади - Ўзбекистон ва Марказий Осиё биологик хилма-хиллигига мансуб ноёб ва йўқолиш хавфи остидаги турларни табиий шароитларда қайта кўпайтириш, сақлаш йўллари илмий ўрганиш, муҳофаза қилиш ва кўпайтириш.*

**1.5.1. Тутқинликда кўпайтириш. Тутқинликда кўпайтириш бўйича муҳофаза қилинувчи ҳудудлар ва махсус марказларни янада ривожлантириш ва мавжуд тажрибага асосланиб, мамлакатда табиат муҳофазаларининг бош маъсадларига эришиш йўлида муҳим қисманланувчи, йўқолиш хавфи остида турган турларни сақлаш дастурий ишлаб чиқиш.**

Қуйидаги вазифаларни бажариши лозим бўлган эксперт гуруҳини ташкил қилиш:

- => тирик қолишни таъминлаш махсус тадбирларни таъинлаш бўлидаги турларни аниқлаш ва ушбу турларни тутқинликда кўпайтиришнинг зарурат даражаси ва амалий имкониятларини баҳолаш;
- ^ тутқинликда кўпайтириш бўйича Ўзбекистон тажрибаси ва имкониятларини ўрганиш ва халқаро техник намоёндани ёрдам манбаларини аниқлаш;
- => тутқинликда кўпайтириш марказларини ташкил қилиш учун қулай жойларни аниқлаш ва кўпайтирилган турларни қўйиб юбориладиган ҳудудларни белгилаш;

- туткинликда кўпайтириш бўйича дастур ИШЎаб чиқиш ва уни БХМК муҳокамасига тақдим қилиш.

## 1.5.2. Зоологик боғлар ва ботаника боғлари.

Куйидаги вазифаларни бажариши лозим бўлган экспертлар гуруҳини ташкил қилиш:

- ^ зоологик боғлар ва ботаника боғларининг долзарб вазифалари ва фаолиятини, биологик хилма-хилликни сақлаш ва ушбу масалани тарғиб қилишдаги уларнинг аҳамиятини баҳолаш;
- ^ ушбу соҳадаги халқаро тажрибани ўрганиш ва халқаро техникавий ва молиявий ёрдам манбаларини аниқлаш;
- => биологик хилма-хилликни сақлаш, илмий тадқиқотлар ва таълим соҳасидаги Ўзбекистон эҳтиёжларини алоҳида эътиборга олган ҳолда зоологик боғлар ва ботаника боғларини ривожлантириш ва бошқарув дастурини ишЎаб чиқиш;

- ушбу дастурни БХМГда муҳокама қилиш ва Ўзбекистон Ҳукуматига тақдим этиш.

## 2. Жамиятнинг хабардорлиги, жамоатчиликнинг иштироки ва таълим.

**Бўлимнинг мақсади:** *Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши учун биологик хилма-хилликнинг тўғри тушунилиши ва барча даражаларда аниқлишига эришиш ҳамда мамлакат биологик захиралари муҳофазаси йўлидаги тадбирларнинг кенг қўллаб-қувватланишини таъминлаш.*

### 2.1. Қарорлар қабул қилиш учун масъул бўлган шахсларнинг хабардорлик даражасини ошириш ва маълумот асосини мустақамлаш.

*2.1. бўлимнинг асосий мақсади - давлат тизимларида ишЎарор қабул қилиш учун масъул шахсларда мамлакат бартЎарор ривожланишида биологик хилма-хилликнинг роли ҳақидаги билимлар захирасини пайдо қилиш, ҳамда уларда биологик хилма-хиллик ва тегишли қонунчилик масалаларига аниқ ёндашувни ҳосил қилиш.*

#### 2.1.1. Биологик хилма-хиллик бўйича ахборот манбалари, ушбу соҳадаги қимматли тажриба асосида тузилган, давлат идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари, жумладан, табиий захиралардан фойдаланувчи ишлаб чиқариш сектори учун мўлжалланган қўлланмаларни яратиш.

- ^ Табиатни муҳофаза қилиш ва ишЎаб чиқариш сектори мутахассислари- дан иборат экспертлар гуруҳи куйидаги вазифаларни бажариши лозим:
- ^ турли секторларнинг масъул шахсларга мўлжалланган қисқача ахборот манбаларини ишлаб чиқиш. Ушбу манбалар куйидагилардан таркиб топади: табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг тегишли бандлари ва моддалари, экологик жараёнларга оид асосий ахборотлар, "барқарор ривожланиш" концепциясининг, биологик хилма-хиллик тушунчасининг шарҳи ва унинг иқтисодий моҳиятини кўрсатиш, ушбу соҳадаги халқаро тажриба:

- муҳокама қилиш, маъқуллаш, нашр этиш, тегишли давлат идораларида, уқув юртлари ва мутахассислар тайёрлайдиган ташкилотларда тарқатиш учун БХМК га уларни тақдим этиш;
  - => фаолияти биологик хилма-хилликка энг кўп эарар келтираётган давлат ва жамоат ташкилотларини, ҳамда уларнинг қайси фаолият тури зарар келтираётганини аниқлаш;
  - => уларнинг фаолиятидаги эарарнинг камайиши учун қандай аниқ ўзгаришлар киритиш мумкинлигини ва улар устидан назорат воситаларини аниқлаш;
  - => муайян ишлаб чиқариш секторидаги масъул шахсларга йўналтирилган, қимматли бошқарув тажрибасидан иборат ахборот манбаларини ишлаб чиқиш; БХМК га муҳокама ва маъқулланиш учун тақдим этиш.
- тегишли давлат ташкилотлари, ўқув даргоҳлари ва мутахассислар тайёрлайдиган ташкилотлар, ҳамда бошқа зарур жойларда нашр қилиш ва тарқатиш;
  - => Узбекистонда лойиҳа^лар ишланишида }ўлланувчи мавжуд атроф- муҳитга таъсирни баҳолаш (АМТБ) тартиботини уларда биологик хилма-хилликга зарарни назорат қилувчи қоидалар ва кўриладиган қарши чоралар хусусида қараб чиқиш;
  - ^ АМТБга биологик хилма-хиллик билан боғлиқ, омиллар ва муаммоларни ҳисобга олишни таъминловчи қандай қўшимча тадбирлар ва жараёнлар киритилиши лозимлигини аниқлаш;
- БХМК га муҳокама ва тегишли тадбирларни ама,га ошириш учун ҳисоботлар тақдим қилиш.

## **2.1.2. Барча секторларнинг масъул шахсларига осон фойдаланилувчи ва осон олинadиган охборотни бериш.**

- ХРМГ биологик хилма-хиллик бўйича Ахборот марказида қайта ишланувчи ва сақланадиган ахборотнинг самарали тарқатилиш тизимини ташкил этиши лозим (Қар. 1.4. Бўлим. Биологик хилма- хиллик масала,ари Ахборот тизими).

## **2.2. Жамиятнинг хабардорлик даражасини ошириш.**

О

**2.2. бўлимнинг мақсади - Узбекистон фуқороларининг биологик хилма-хиллик муаммоларининг барқарор ривожланишида тутган ўрни ва аҳамиятини тушуниши ва умумий хабардорлиги даражасини оширишидир.**

**2.2.1. Биологик хилма-хиллик ва Узбекистоннинг барі^арор ривожланишидаги ролини оммовий ахборот воситалари (матбуот, радио ва телевидение) ор1^али кенг намоийш этиш миллий дастурини ишлаб чи1^ишидир.**

- ^ Экспертлар ва маслаз^атчилар гуруҳи қуйидаги вазифаларни бажариши лозим.

- => биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш масалаларини ёритишда эришилган ватан ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг тажрибасини таҳлил этиши;
- => ўта муҳим ахборотларни аниқлаш;
- => биологик хилма-хилликнинг захираларидан барқарор фойдаланиш юзасидан қаралаётган ва турли ёш ва тайёргарликдаги кенг оммага мўлдалланган илмий, илмий-оммавий ва мунозара характеридаги мунтазам теле ва радио дастурларини иш,аб чиқиш ва уларни давлат телерадио тизимига киритиш;
- => биологик хилма-хиллик масала^ларини Узбекистоннинг барқарор ривожланиши матнида ёритиш механизмини иш,аб чиқиш ва уни асосий давлат нашриётларига татбиқ қилиш;

- ^ биологик хилма-хиллик масала-лари тарғиботи учун телекомпаниялар, мунтазам нашриётлар, тижорат компаниялари ва нашриётларини рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш; мактаблар ва олий юртлари ўқув дастурларига қўшимча сифатида хизмат қилувчи ахборот пакетларини оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш учун ишлаб чиқиш;
- => биологик хилма-хиллик масалаларини тарғиб қилувчи компаниялар учун алоҳида эмблемаларнинг республика ва маҳаллий даражада қабул қилинишини таъминлаш ва йиллик "биологик хилма-хиллик куни"ни тайинлаш;
- БХМК га муҳокама ва зарур тадбирларни амалга ошириш учун таклиф этилаётган миллий дастурни тақдим қилиш.

### **2.2.2. Биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш ва ундан барқарор фойдаланишнинг асосий фаолият турларини стратегияни амалга оширишгача ва ундан кейин кенг жамоатчиликни маҳаллий ҳокимият ва аҳолини хабардор қилиш орқали қўллаб қўувватланишини таъминлаш.**

- \* ХРМГ бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:
  - => биологик хилма-хиллик билан боғлиқ фаолиятнинг бошланишига қадар ахборот тегишли томонларга етказилишини кафолатловчи стандарт тартибларини ишлаб чиқиш; фаолиятни ривожлантириш ва режалаштириш лойиҳаларининг ишланиши босқичида маҳаллий ҳокимият ва аҳоли билан маслаҳат ўтказилишини кафолатловчи стандарт тартибларни ишлаб чиқиш;
  - ^ ушбу йўналишдаги бошқа фаолиятни ривожланиши босқичида кенг жамоатчилик, хусусан маҳаллий ҳокимият ва аҳоли ўртасида ахборот берилишининг стандарт тартибини ишлаб чиқиш.
- ишлаб чиқилган тартибнинг қараб чиқилиши ва уларнинг биологик хилма-хиллик билан боғлиқ фаолиятнинг режаланиши ва амалга оширилишини таъминлаш.

### **2.2.3. Биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этувчи муайян ҳудудларда маҳаллий аҳолини хабардор қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ва қўлланмаларини яратиш.**

- \* Қуйидаги вазифаларни бажариш лозим бўлган экспертлар гуруҳини ташкил қилиш:
  - => биологик хилма-хиллик жиҳатидан юқори қийматга эга бўлган алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, уларга туташган жойлар ва районларда ёввойи табиатни сақлаш тааллуқли ахборот дастурларини ривожлантиришдаги кенг халқаро тажрибасини ўрганиш; ушбу тажриба асосида, ҳамда Ўзбекистон шароитларига эътиборан қўйиш мумкин бўлган муҳим ахборот тарғиб қилиниши, кимгача етказилиши (яъни, маҳаллий маъмурларга, фуқаро ташкилотлари ёки қишлоқ жамоаси ёки алоҳида шахслар) ва ҳар бир даражада қайси ёндашувла ишлатилиши лозимлигини аниқлаш;
  - => биологик хилма-хиллик масалалари ҳақида хабардорлик савияси оширилиши лозим бўлган алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва уларга туташ районлардаги ҳал қилувчи маҳаллий маъмурлар мавқеини ва жалб қилинувчи ходимларни аниқлаш; биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш бўйича хабардорлик ва фаолиятни қўллаб қўувватлашни таъминлаш мақсадларида жалб этилиши мумкин бўлган фуқароли ташкилотлари ва гуруҳлари, жумладан, фермерлик, овчилик бирлашмалари, маҳаллий кўмиталари, диний арбоблар, мактаблар, маҳаллий нодавлат ташкилотлари ва бошқаларни аниқлаш;
  - => биологик хилма-хиллик бўйича алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда маърифий-илмий-тадқиқот ва экскурсион-танишув марказларини ташкил этиш концепцияси ишлаб чиқиш; юқорида баён этилган мақсадга мувофиқ алоҳида муҳофаза қилинувчи табиий ҳудудлар, уларга туташ районлар ва бошқа табиий ҳудудлар маҳаллий аҳолисининг хабардорлиги и

таълимни ошириш юзасидан қўлланмалар ишлаб чиқиш; қўлланмаларни ХРМГ га муҳокама ва биологик хилма-хиллик ишлари режаларини янгилаб чиқиш учун масъул расмий шахслар (Қар. 4-Бўлим "Худудий ва маҳаллий ҳаракатлар Режалари"), охида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг тегишли маҳаллий жамоа ташкилотлари, бошқарув бўғинларига етказиш учун тақдим этиш.

## **2.3. Таълим**

**2.3 бўлимнинг мақсади - фуқароларнинг янги авлодига мустақкам экологик билим асосларини берувчи ва уларга Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишида биологик хилма-хилликнинг муҳимлигини тушунтирувчи таълим тизимини ишлаб чиқиш.**

### **2.3.1. Экологик таълим соҳасида жорий фаолият ва ташаббусларни намойиш этиш.**

\* ХРМГ қўлидаги вазифаларни бажариши лозим бўлган мутахассислар гуруҳини ташкил этиш:

^ Ўзбекистонда, Марказий Осиё ва МДХ да амалга оширилаётган, Ўзбекистонда биологик хилма-хиллик бўйича жамоатчилик хабардорлигига ва таълим масалаларига бевосита таълуқли бўлган жорий ва режалаштирилаётган лойиҳаларни МДХ давлатларидаги экологик оғ бўйича ТАСИС Дастури, атроф-муҳит бўйича ҳаракатлар Режаси, Ғарбий Тянь-Шан бўйича чегараларо лойиҳаларни кўриб чиқиш;

=> ушбу лойиҳаларнинг каталогларини уларнинг биологик хилма-хиллик бўйича ҳаракатлар режасига муносабатини кўрсатган ҳолда тайёрлаш;

• лойиҳалар, дастурлар ва тадбирларни амалга оширувчи шахслар билан музокара олиб бориш ва фаолиятни мувофиқлаштириш, интеграция ва ҳамкорлик йўллари аниқлаш.

### **2.3.2. Олий, ўрта ва ўрта махсус таълим тизимларидаги камчиликлар ва муаммоларни аниқлаш учун экспертлар ва маслаҳатчилар гуруҳини ташкил қилиш.**

\* Экспертлар гуруҳи қўлидагиларни баҳолайди:

=> экологик таълим соҳасидаги халқаро тажриба ва амалиётни кўриб чиқиш; Ўзбекистон таълим тизими эришиши лозим бўлган экология ва биологик хилма-хиллик бўйича таълим нуқтаи назаридан муҳим бўлган мақсад ва натижаларни белгилаш;

=> таълим тизимининг барча босқичларида экология ва биологик хилма-хиллик бўйича мавжуд таълим даражасини баҳолаш;

=> юқорида баён этилган масалалар матнида таълим тизимида ҳозир мавжуд муаммоларни унинг мақсадлари, қонунчилик асоси, ўрганилувчи фанлар турлари, ўқув қўлланмалари, ўқитиш услубияти ва ўқитувчиларни тайёрлаш даражаси нуқтаи назаридан аниқлаш;

• ўтказилган баҳолаш юзасидан БХМК га ҳисобот бериш.

### **2.3.3. Биологик хилма-хиллик масалалари бўйича зарур тадбирларни аниқлаш ва миллий таълим дастурини ишлаб чиқиш.**

\* Юқорида эслаб ўтилган ҳисобот (2.3.2 Бўлим) асосида экспертлар гуруҳи қўлидаги ишларни бажариши лозим:

=> юқорида номлари эслатилган муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган аниқ тадбирлар, жумладан таълим тизими Ўзбекистоннинг биологик хилма-хиллик ва атроф муҳитни сақлаш соҳасидаги келажак эҳтиёжларини қондириши юзасидан бажариладиган ишларни белгилаш;

жорий ёки режса\аштирилаётган лойиҳалар, дастурлар ва тадбирлар доирасида амалга оширилаётган, ёки амалга оширилиши лозим бўлган ИЛ\ар Йўналиш\арини аниқлаш;  
=> биологик хилма-хиллик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида таълим тизимининг барча даража,\арини қамраб оладиган ва жорий, режалаштирилган лойиҳа,\ар, дастурлар ва тадбирларни ифодаладиган таълим дастурини ИЛ\аб чиқиш;

- тақлиф қилинаётган дастурни БХМК га муҳокама ва кегуси тадбирлар учун тақдим этиш.

#### **2.3.4. Биологик хилма-хилликни сақлаш масалалари бўйича таълим Дастурининг амалга оширилиши.**

^ ХРМГ бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда қуйидагиларни бажариши лозим:

=> Дастурни амалга ошириш бўйича тадбирларнинг батафсил режасини ишлаб чиқиш;  
=> харажатлар ва молиявий манба\арни аниқлаш;

- биологик хилма-хиллик бўйича таълим дастурини амалга ошириш.

### **2.4. Аҳолининг иштироки**

*2.4 бўйича Маълумот - аҳолининг, шу жумладан республика ва маҳаллий ҳокимият ташкилотларининг, биологик хилма-хиллик жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳудудларда яшовчи қишлоқ аҳолисининг биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш бўйича тадбирларни режалаштиришда, қабул қилишда ва амалга оширишдаги иштирок этиш даражасини ошириш.*

#### **2.4.1. "Экологий ахборот" бўйича ҳокимият ташкилотлар ва қонунчилик.**

Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси мутахассислари, юристлар ва ҳокимият ташкилотларининг вакиллари билан иборат экспертлар гуруҳини ташкил қилиш. Ушбу гуруҳ қуйидагиларни бажариши лозим:

=> аҳолининг экологик ахборотга эга бўлишини таъминлаш бўйича режалаштирилган ва жорий лойиҳалар, дастурлар ва чора\арни белгилаш;

^ амалдаги қонунчиликдаги биологик хилма-хиллик бўйича ахборотга эга бўлиш ҳур\уқида оид қоидаларни намойиш қилиш ва уларни амалга ошириш муаммоларини баҳолаш; жорий ва режалаштирилган лойиҳалар, дастурлар ва тадбирлардан келиб чиққан ҳолда аҳолининг биологик хилма-хиллик бўйича ахборотга эга бўлишни такомиллаштириш чораларини аниқлаш;

- ХРМГ га тегишли чораларни қўриб чиқиш ва қабул қилиш учун тавсиялар бериш:

=> ҳокимият ташкилотларни тузиш ва фаолиятини ташкил қилиш муаммоларига йўналтирилган режалаштирилган ва жорий лойиҳалар, дастурлар ва чораларни аниқлаш;

=> ушбу йўналишда қандай қўшимча чоралар қўрилишини аниқлаш;

- ХРМГ га тавсиялар бериш.

#### **2.4.2. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ривожланишини режалаштириш ва уларни бошқаришда жамоатчилик иштироки.**

- ХРМГ, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг бошқаруви жамоаси ва ҳокимият ташкилотларининг вакиллари билан иборат экспертлар гуруҳи қуйидагиларни бажариши лозим:

=> алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ривожлаштириш ва уларни бошқаришда жамоатчиликнинг иштирокини таъминлайдиган усул ва ёндашувлар бўйича халқаро тажрибани қўриб чиқиш;

алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар бошқарувининг нодавлат ташкилотлар, жамоатчилик маҳаллий гуруҳлар иштироки алоҳида фойда бериши мумкин бўлган соҳаларини аниқлаш;

жамоатчиликни жалб этиш учун шароитлар яратиш жорий лойиҳалар устидаги иш тажрибасидан амалий хулосалар қилиш;

=> 1.3.1. бўлимнинг 3 қисми, 2.2.2. ва 2.2.3. бўлимлар доирасида маҳаллий маъмурлар ва ташкилотлар, жумладан нодавлат ташкилотлар ва маҳалла бўмиталарининг алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни бошқаришга амалий жамъиятчиликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш;

- юқорида баён этилганларга биноан алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар бошқаруви ва ривожланишига аҳолининг жалб этилишини тақомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни ХРМГ га тақдим этиш.

### **2.4.3. Биологик хилма-хиллик ва алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни қўллаб-қувватлаш бўйича маҳаллий гуруҳлар ва уюшмалар.**

ХРМГ алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг бошқарув бўғини ва нодавлат ташкилотларнинг вакиллари билан биргаликда қўйидагиларни бажаради:

=> 2.2.3. бўлим доирасида бажарилган ишларни, ушбу тадбирлар режасидаги тегишли бўлимлар бўйича ҳисоботлар ва тегишли жорий лойиҳалар, дастурлар ва ишлар тажрибасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва биологик хилма-хилликни қўллаб-қувватлаш маҳаллий гуруҳ-чарини ташкил этиш бўйича қўлланмалар ишлаб чиқиш ва уларни алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг бошқарув бўғини ва нодавлат ташкилотлар ҳамда ҳаракатлар Режасини амалга ошириш бўйича ҳудудий ва маҳаллий гуруҳлар ўртасида тарқатиш.

## **3. Биохилма-хиллик заҳираларидан бартўрар фойдаланиш.**

**Бўлимнинг мақсади:** биологик хилма-хиллик заҳираларидан назоратли фойдаланиш воситасида Ўзбекистан аҳолисининг иқтисодий, илмий, рекреацион ва маданий эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга, шу билан бирга экологик тизимларнинг узоқ келажакда ҳам ҳаётлилиги ва биологик хилма-хилликнинг сақланишини таъминлаш.

### **3.1 Иқтисодий мақсадларда бартўрар фойдаланиш.**

**3.1. бўлимнинг асосий мақсади - биологик хилма-хиллик заҳираларидан бартўрар фойдаланиш ва фойдани адолатли тақсимлаш тизимини яратиш.**

**3.1.1. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимида бартўрар фойдаланиш механизмларини ривожлантириш:** алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизими доирасида биологик заҳиралардан бартўрар фойдаланишнинг услуб ва механизмларини биологик хилма-хилликнинг

## **мақсадга мувофиқ даражасини таъминлаш билан бир вақтда ишлаб чиқиш ва амалий тажрибада синаш.**

\* Фанлар Академияси, Макроиктисодиёт ва статистика Вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси, Урмончилик Давлат Қўмитаси, шунингдек бошқа ташкилотларнинг мутахассисларидан иборат мустақил экспертлар гуруҳи куйидагиларни бажаради: халқаро тажриба асосида алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимида биологик захиралардан барқарор фойдаланиш имкониятларини ўрганиш;

⇒ ушбу соҳадаги жорий лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида эришилган тажрибани баҳолаш (масалан Ғарбий Тянь-Шан бўйича чегаралараро лойиҳа);

^ барқарор фойдаланиш шакл ва услубларининг Ўзбекистон ҳозирги шароитларига мослаштириш имкониятларини ўрганиш;

⇒ алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва уларга туташ ерлар маҳаллий аҳолисининг қизиқишларини тақминловчи иқтисодий ва ижтимоий механизмларни шикори қилиш;

мавжуд муаммолар таҳлили асосида алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва маҳаллий аҳоли қизиқишларини мутаносиблаштириш тизимини ишлаб чиқиш;

⇒ алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг ҳамма тизими ва бошқа қишлоқ ҳудудларига тарқатилиши мумкин бўлган услубларни шикори қилиш, турли тоифа ва мақомдаги бирнеча алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар учун мўлжалланган биологик хилма-хилликдан фойдаланиш ва уни қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқиш;

\* БХМКга муҳокама ва юқори давлат бошқаруви даражасида қабул қилиниши мақсадида дастурни тақдим этиш.

### **3.1.2. Ўзбекистонда биологик захиралардан иқтисодий фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш: Ўзбекистонда биологик захиралардан иқтисодий фойдаланишни кўриб чиқиш, уни бошқаришни амалдаги механизмлари шакллари ва мақсадга мувофиқлиги.**

\* Экспертлар гуруҳи қуйидагиларни бажариши лозим:

⇒ биологик захиралардан фойдаланишнинг амалдаги шакллари сифат ва миқдор жиҳатлардан таҳлил қилиш;

биологик захиралардан самарали фойдаланиш ва уларни бошқариш бўйича халқаро тажриба таҳлили;

^ биологик захиралардан фойдаланишдаги мувофиқлаштириш мавжуд механизмларининг кифоялик ва самарадорлик даражаси, жумладан, биологик захираларни қайта тиклашда табиатдан фойдаланувчиларнинг ҳиссасини баҳолаш;

халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, биологик захиралардан фойдаланишнинг амалдаги механизмлари ва бошқарув услубларига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар пакети ва ёки норматив ҳужжатлар тайёрлаш;

\* юқорида кўрсатилган ҳужжатларни муҳокама ва чоралар кўриш учун ХРМГ га тақдим этиш.

### **3.1.3. Биологик захиралардан барқарор фойдаланиш ва фойданинг адолатли таъминланишнинг янги имконий воситалари ва механизмларини аниқлаш.**

\* Экспертлар гуруҳи қуйидагиларни бажариши лозим:

биологик захиралардан барқарор фойдаланиш ва фойданинг

адолатли таъминланиши бўйича халқаро тажрибани таҳлил қилиши;

⇒ Ўзбекистон шароитларида қўлланилиши мумкин бўлган биологик захиралардан барқарор фойдаланишнинг янги ёндашувлари, восита ва механизмларини таҳлил қилиши;

⇒ олинган маълумотлар асосида, шунингдек, халқаро тажрибага таяниб биологик хилма-хилликдан фойдаланишни унумлаштирувчи ва фойданинг адолатли таъминланишини

таъминловчи янги ёндашув, восита ва механизмларни татбиқ қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- таклифларни чоралар кўриш учун ХРМГ га тақдим этиш.

### **3.1.4. Тадқиқотларни кучайтириш ёки ривожланишни тезлатиш талаб қилинадиган устувор соҳаларни аниқлаш.**

- + Давлат кўмиталари, вазирлиқлар, идоралар ва биологик захиралардан фойдаланувчи ва уларни назорат қилувчи бошқа тегилиши ташкилотлар билан биргаликда қуйидагиларни бажариши лозим бўлган экспертлар гуруҳини ташкил қилиш:

реал иқтисодий аҳамияти, фойдаланишда барқарорлигини тўғри баҳолаш учун аниқ маълумоти бўлмаган, долзарб ва иқтисодий имкониятларга эга биологик захираларни аниқлаш;

ахборот тақчиллиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган тадқиқотлар ва ишлар дастурини яратиш;

- => Ўзбекистонда, Марказий Осиё ва бошқа жойларда табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида мавжуд анъанавий билимлар ва технологияларни тадқиқ этиш, таҳлил ва тарғиб қилиш дастурини ишлаб чиқиш;

- таклиф этилаётган дастурни кўриб чиқиш ва фойдаланиш чораларини ишлаб чиқиш учун ХРМГ га тақдим этиш.

### **3.1.5. Вариатор фойдаланиш ва фойдани адолатли таъсирлаш бўйича Асосий Дастурни яратиш ва қабул қилиш.**

- ^ ХРМГ мустақил экспертлар гуруҳи билан биргаликда қуйидагиларни бажариши лозим:
  - экспертлар гуруҳи тақдим этган ҳисоботлар, таклиф ва дастурларни кўриб чиқиш;
  - мамлакатда биологик захиралардан барқарор фойдаланишнинг Асосий дастурини яратиш;
- дастурни БХМК га кўриб чиқиш ва маъқуллаш, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан қабул қилиниши учун тақдим этиш.

## **3.2. Илмий-тадқиқот ва таълим мақсадларида фойдаланиш.**

*3.2.1. Ўзбекистонда биологик захиралардан фойдаланишнинг асосий дастурини яратиш ва қабул қилиш.*

### **3.2.1 Биологик хилма-хилликдан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатини, хусусан, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда илмий ва таълим мақсадларида фойдаланиш ҳолатини баҳолаш, ушбу мақсадларда ундан юксак фойда олиш юзасидан таклифлар киритиш ва асосий муаммолар ва чекланишларни белгилаш,**

- Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг бошқарув бўғини, Фанлар Академияси, илмий-тадқиқот ва ўқув институтларининг вакиллари билан биргаликда экспертлар гуруҳи қуйидагиларни бажариши лозим:

биологик хилма-хилликдан илмий экологик тадқиқотларда фойдаланишнинг замонавий даражаси ва шакллари баҳолаш;

- => алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлардан "тирик лаборатория" шаклида фойдаланиш ва ушбу сифатда риводлантиришни рағбатлантириш бўйича ватан ва халқаро олимлар ва талабалар учун мўлжалланган таклифлар ишлаб чиқиш;

етақчи мамлакат ва хорижий илмий марказлари билан ахборот алмашув ва алоқалар тизимини яратиш;

биологик хилма-хилликнинг барқарор ривожланиши ва оқилона фойдаланишга ҳисса қўшиши мумкин бўлган тадқиқот соҳаларини аниқлаш ва ушбу соҳаларда тадқиқотларни рағбатлантириш бўйича тақлифлар тайёрлаш;

=> юқорида баён этилганлар асосида биологик хилма-хилликдан илмий-тадқиқот ва таълим мақсадларида фойдаланиш дастурини тақлиф қилиш;

- тақлиф этилаётган дастурни ХРМГ га тақдим этиш.

### **3.2.2. Қишлоқ хўжалиги биологик хилма-хиллиги. Қишлоқ хўжалиги биологик хилма-хиллигининг аҳамиятини баҳолаш учун экспертлар гуруҳини ташкил қилиш, уни сақлаш ва ундаи фойдаланиш дастурини яратиш.**

^ Фанлар Академияси, қишлоқ хўжалиги сектори ва Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси вакилларида иборат экспертлар гуруҳи қуйидагиларни бажариши лозим:

=> Қишлоқ хўжалиги биологик хилма-хиллигини сифат ва сон, ундан Ўзбекистон шароитларида фойдаланиш даражаси, тўлаллиги ва узлуксизлиги жиҳатларидан баҳолаш ва халқаро микёсда тутган аҳамиятини кўрсатиш;

^ қишлоқ хўжалиги биологик хилма-хиллиги қисмидан халқаро тажриба ва амалиётни кўриб чиқиш;

^ Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги биологик хилма-хиллигидан фойдаланишнинг мавжуд ва имконий самараларини аниқлаш;

^ қишлоқ хўжалиги биологик хилма-хиллигидан фойдаланиш ва сақлашни такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқиш;

- тақлиф этилаётган дастурни кўриб чиқиш ва келажак тадбирларни амалга ошириш мақсадида БХМК га тақдим этиш.

### **3.2.3. Биотехнология ва биофармацевтика. Биотехнология ва биофармацевтика ривожланиши ҳолатини баҳолаш, уларнинг келажак тараққиёти учун тавсиялар тайёрлаш мақсадида экспертлар гуруҳини ташкил қилиш.**

- Экспертлар гуруҳи қуйидагиларни бажариши лозим;

=> биотехнология ва биофармацевтика соҳаларидаги ишларнинг ҳозир ҳолатини баҳолаш;

^ ушбу соҳаларда ишлатилган биологик хилма-хилликнинг сифат ва сон таркибини баҳолаш; фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш;

^ юксак ИҚСОДИЙ фонда олишга мулжалланган биотехнология ва биофармацевтика ривожланиши дастурини яратиш ва тавсиялар тайёрлаш;

- Дастурни кўриб чиқиш ва тадбирларни амалга ошириш мақсадида БХМК га тақдим этиш.

### **3.3. Биохилма-хилликдан маданий ва дам олиш мақсадларида фойдаланиш.**

*У.У. булимнинг мақсади - табиий экологик тизимлар ва манзаралардан рекреацион (дам олиш) ва сайёҳлик мақсадларида фойдаланишдан олинган самараларни юқори даражада қупайтириш, ҳамда миллий ва маҳаллий маданий меросни юксак даражада сақлаш.*

**3.3.1. Дам олиш мақсадларидаги эҳтиёжларни баҳолаш. Ҳозирги ва келажак дам олиш эҳтиёжларини аниқлаш, уларни қониқтиришда биологик хилма-хиллик ва манзаралар жиҳатидан қимматли ерлар ва алоҳида муҳофаза қилинувчи ҳудудларнинг ролини белгилаш.**

Экспертлар гуруҳи туғдидаги бажариши лозим:

- => Ўзбекистоннинг дам олиш ва сайёҳлик мақсадларида аҳамиятга молик табиий захиралари ва манзара^харини аниқлаш ва уларга оид маълумотларни жамлаш, хариталарини тайёрлаш;  
Ўзбекистон фуқароларининг келажак ва ҳозирги дам олиш эҳтиёж^харини аниқлаш бўйича социологик тадқиқотлар олиб бориш, уларни қониқтиришда алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва бошқа табиий сўлим масканлар бажарадиган муҳим ролни аниқлаш;
- => алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва бошқа сўлим табиатли масканларнинг хорижий меҳмонлар томонидан зиёрат этилиши даражасини аниқлаш ва унинг келажакда ўзгаришига баҳо бериш;  
маҳаллий ва хорижий дам олиш ва сайёҳлик эҳтиёжларидан келиб чиқувчи талаблар тафовутини баҳолаш;

- ХРМГ га ҳисобот бериш.

### **3.3.2. Биологик хилма-хилликка эътибор ва келажак дам олиш эҳтиёжларнинг таъсирини баҳолаш ва фойдани юқори даражада ортириш, зарарни камайитиришнинг услуб ва механизмларини аниқлаш.**

Экспертлар гуруҳи куйидагиларни бажариши лозим;

- 3.3.1. бўлимда баён этилган ҳисобот асосида, шунингдек ҳаққаро тажриба ва тадқиқотларга таяниб, ҳозирги ва келажак дам олиш эҳтиёжларнинг биологик ва манзаравий хилма-хилликка мумкин бўлган таъсирини баҳолаш;
- => алоҳида қийматга эга бўлган ва турли ташки ходисаларга таъсирчан ҳудудларда дам олиш билан боғлиқ таҳдидларни чеклаш воситаларини аниқлаш;  
дам олиш мақсадларида фойдаланиш турлари ва уларнинг турли табиий ҳудудлар, манзаралар, ҳамда турли тоифадаги алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда узлуксиз қўлланилиши мумкин бўлган шакллари бўйича тавсиялар тайёрлаш;  
маҳаллий аҳоли ўша ҳудудларида дам олиш мақсадларида фойдаланишдан энг кўп самара олиши, шунингдек уларнинг ҳаёт манбалари, атроф-муҳитга энг кам зарар келтиришини таъминловчи механизмларни яратиш;
  - => юқоридагиларга таяниб, Ўзбекистоннинг дам олиш ва сайёҳлик соҳаларидаги келажак эҳтиёжларига мосланган, табиий сўлим ҳудудлари ва манзараларига зарарни камайитириш, маҳаллий аҳоли ва алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларга юқори фойда келтирувчи дастурлар ва фаолият режаларини ишлаб чиқиш;

- тақлиф этилаётган дастурни БХМК га кўриб чиқиш ва амалга ошириш учун тақдим этиш.

### **3.3.3. Алоҳида маданий аҳамиятга эга бўлган экологик тизимлар, ўсимликлар ва ҳайвонот турлари, манзараларни аниқлаш, ҳамда миллий ва маҳаллий маданий мероснинг муҳим таркибий қисми бўлган белгиларининг асралишини таъминловчи ёндашувларни ишлаб чиқиш.**

Экспертлар гуруҳи куйидагиларни бажариши лозим:

- => миллий ва маҳаллий даражада маданий жиҳатдан муҳим бўлган ўсимлик ва ҳайвонот турлари, манзараларни аниқлаш;  
ушбу турларнинг жамламини тузиш ва харитасини тайёрлаш;
- => муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимига киритилиши лозим бўлган жойларни аниқлаш;
- => биологик хилма-хиллик, манзараларни сақлаш фаолияти, таълим фаолияти ва аҳолининг экологик билимлари савияси ва хабардорлигини ошириш чораларини қўллаб-қувватлаш манбаси бўлиб хизмат қила оладиган, маданий жиҳатдан муҳим экотизимлар, ўсимлик ва ҳайвонот турлари, манзаралардан фойдаланиш воситаларини аниқлаш;

- келгуси фаолият учун БХМК га ҳисобот бериш.

#### **4. Биохилма-хиллик бўйича маҳаллий режалар.**

**Бўлимнинг мақсади:** биологик хилма-хиллик бўйича ҳаракатларни умумий Режа тизими доирасида таъминлаш, ҳудудий ва маҳаллий талаблар ва муаммоларни батафсил ақс этувчи вилоятлар (Қорақалпоғистон бўйича- республика) ҳаракатлар Режасини яратиш.

##### **4.1. Ҳудудий ва маҳаллий даражада зарур бўлган ташкилий тизимни яратиш.**

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат ва вилоятлар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ҳаракатлар Режасини тайёрлаш бўйича вилоят (Қорақалпоғистонда - республика) гуруҳларини ташкил этиш учун масъулдир. Ушбу гуруҳлар таркибига ҳокимиятлар (Қорақалпоғистонда Вазирлар Маҳкамаси) ва бошқа тегишли ташкилотларнинг вакиллари, биолог-олимлар, алоҳида муҳофаза қилинувчи ҳудудларнинг бошқарув жамоаси ва нодавлат ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

##### **4.2. Биологик хилма-хилликни баҳолаш. Вилоятлар (Қорақалпоғистонда - республика) даражасида биологик хилма-хилликнинг ҳолатини, унинг маълуми ва аҳамиятини баҳолаш ва зарур тадбирларни аниқлаш.**

- Бахрлашни ўтказиш учун талаб қилинадиган ишларни тақсимлаш мақсадида ҳаракатлар Режасини тайёрлаш гуруҳи материалларни тайёрлаш учун масъул ишчи гуруҳини тайинлайди;

⇒ ишчи гуруҳлари материалларни муайян мавзуларга қараб тайёрлайди;

- ҲРМГ га ҳисобот беради.

##### **4.3. Вилоятлар (Қорақалпоғистонда - республика) ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Миллий стратегия ва ҳаракатлар режаси доирасида вилоятлар (Қорақалпоғистонда - республика) аниқ ҳаракатлар режасини тайёрлаш. Унда масъул институтлар, ташкилотлар, ташкилотларнинг зарур ҳаракатлари, тахминий молия таъминоти ва ижро муддатлари белгиланади.**

ҳаракатлар режасини тайёрлаш гуруҳи ўз вилоятларида (Қорақалпоғистон республикасида) асосий масала ва муаммоларни ёритадиган устувор ҳаракатларни аниқлаши лозим;

⇒ ҳаракатлар режасининг ишчи вариантини тайёрлаши ва алоҳида муҳофаза қилинувчи табиий ҳудудларнинг бошқарув жамоаси, ердан фойдаланувчи секторнинг (қишлоқ, ўрмон ва сув ҳўжалиги) бошқарув жамоаси каби тегишли ташкилотлар ва шахслар ўртасида муҳокама қилишни таъминлаши;

⇒ муҳокама натижалари ва олинган шарҳлар асосида вилоятлар (Қорақалпоғистонда республика) ҳаракат режаларининг охириги вариантларини ишлаб чиқиш;

- мувофиқлаштириш ва қабул қилиш мақсадида ҳаракат режаларини вилоятлар (Қорақалпоғистонда - республика) раҳбарларига таъдим қилиш.

#### **3. Биохилма-хиллик соҳасида халқаро алоқалар ва ўзаро ёрдамни мувофиқлаштириш.**

**Бўлимнинг мақсади:** биологик хилма-хиллик бўйича халқаро ва ҳудудий қонунчилик ва битимлар (Биологик хилма-хиллик бўйича Конвенция, Рамсар конвенцияси, СИТЕС ва бошқалар) билан алоқадор ҳамда биологик хилма-хиллик бўйича ҳаракатлар режасини Ўзбекистонда амалга ошириш ва уни донорлик қўллаб-қувватлашга оид профессионал ва бошқарув масалалари бўйича ташкилий тизим яратиш.

### **5.1. Биологик хилма-хиллик масалалари бўйича халқаро алоқалар бўлимини тузиш.**

- БХМК халқаро алоқалар бўлимини (ХАБ) тузиши ва тегишли штат ва ишчи бино ажратиши лозим.

### **5.2. Халқаро қонунчилик ва Конвенциялар**

^ ХАБ қуйидагиларни бажариши лозим:

- ⇒ халқаро қонунчилик ва битимлар бўйича барча ахборотларни тўплаш;
- ⇒ Узбекистон қўшилган ёки қўшилаётган халқаро қонунчилик ва битимларга баҳо бериш; Узбекистон қўшилган ёки қўшилишга тайёрланаётган халқаро битимлар бўйича масъулият ва бевосита мажбуриятларки баён этувчи ҳисобот тайёрлаш;

- юқорида кўрсатилган масалалар бўйича ҳаракатлар режасини тайёрлаш ва уни БХМК га тақдим қилиш.

### **5.3. Биологик хилма-хиллик бўйича Стратегия ва Ҳаракатлар Режасини амалга оширишнинг донорлик қўллаб-қувватланиши ва мувофиқлаштириш.**

^ ХАБ қуйидагиларни бажариши лозим:

- ⇒ Узбекистон на Марказий Осиёда биологик хилма-хилликни сақлаш ва унинг фаолиятига ҳозирги пайтда ёрдам қилаётган донорларни аниқлаш; биологик хилма-хиллик бўйича Стратегия ва Ҳаракатлар Режасини амалга оширишни қўллаб-қувватлайдиган бошқа имконий донорларни аниқлаш; имконий донорлар билан алоқалар ва музокара^ларни йўлга қўйиш ва ҳаракатлар Режасини қўллаб-қувватлашга уларнинг кизиқиши ва хоҳишини аниқлаш; битимлар, лойиҳа^ларнинг охириги вариантларини тайёрлаш босқичида миллий ташкилотлар, имконий ва актуал донорлар ўртасида алоқаларни енгиллаштириш;
- ⇒ биологик хилма-хиллик соҳасидаги расмий ҳужжатларни тайёрлаш ва донорлик ёрдамини мувофиқлаштириш, ҳамда БХМК, Вазирлар Маҳкамасининг хорижий ёрдамини мувофиқлаштириш бўлими олдида мунтазам ҳисобот бериш.

• • •

## ***Намойиш қилинувчи ва "пилот" лойиҳалар***

Ҳаракатлар Дастурини амалга ошириш юзасидан аниқ фаолиятни йўлга қўйиш, Стратегия ва Ҳаракатлар Режасини тайёрлаш давомида тўпланган куч-қувватни йўқотмаслик, шунингдек, биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича Чегаралараро лойиҳалари устида ишлаш давомида эришилган тажрибани саълаб қолиш мақсадида қатор пилот ("учувчи") дастурлар аниқланди. Ушбу, рўйхати қуйида берилган дастурлар Стратегиянинг муайян устувор йўналишига - алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимига бағишланган.

муҳофаза қилинувчи ҳудудлар тизимининг тузилиши ва қайта ташкил этилиши Ҳаракатлар Режаси, 1.2-бўлимга қара)

алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизими ходимларини ўқитиш ва имкониятларини ривожлантириш (Ҳаракатлар Режаси, 1.3.2-бўлимга қара)

малакали қарорлар қабул қилинишида ёрдам беришга мўлжалланган биологик хилма-хиллик бўйича Ахборот тизими ва маълумотлар банки.

Нуротада биосфера қўриқхонасини ривожлантириш (мавжуд давлат қўриқхонаси базасида биосфера қўриқхонасини қуриш; лойиҳанинг вазифаси биосфера қўриқхоналари концепциясининг асосий мақсади

биологик хилма-хилликни сақлаш ва барқарор фойдаланишни мувофиқлаштириш.

Миллий Стратегия ва ҳаракатлар Режасининг иш,аб чиқарувчилар Гуруҳи ва БМТ нинг тараққиёт Дастури ушбу дастурларга ёрдам бериши мумкин бўлган халқаро ва маҳаллий ҳамкорларни топишда жонбозлик кўрсатмоқда. Ушбу ҳаракатлар Табиатни Муҳофаа Қилиш Халқаро Иттифоқи (ТМҚХИ), Еввойи Табиат Жаҳон Жамғармаси (ЁТЖЖ), Олмоня Табиат Федерацияси ва бошқа ташкилотлар билан бўладиган музокаралардан иборат.





## 2. Жамиятнинг хабардорлиги, жамоатчилик иштироки ва таълим.

Бўлимнинг мақсади: Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишида биологик хилма-хилликнинг аҳамиятини тўғри тушуниш ва барча даражаларда англанишига эришиш ҳамда мамлакат биологик заҳираларини сақлаш йўлидаги интилишларни қўллаб-қувватлаш.

<b>2.1. Қарорлар қабул қилиш учун масъул бўлган шахсларнинг хабардорлик даражасини ошириш ва маълумот базасини мустаҳкамлаш.</b>											
2.1.1. Давлат идоралари, давлат жамоат ташкилотлари, хусусан, табиий заҳиралардан фойдаланувчи ишлаб чиқариш сектори ташкилотларига мўлжалланган, ушбу соҳада эришилган энг илғор тажрибага асосланган биологик хилма-хиллик бўйича ахборот пакетлари ва қўлланмалар яратиш											
2.1.2. Барча секторлар масъул шахсларига осон тушунарли ва осон қўлланувчи ахборот бериш.											
<b>2.2. Жамиятнинг хабардорлик даражасини ошириш.</b>											
2.2.1. Биологик хилма-хиллик ва унинг Ўзбекистоннинг ривожланишидаги роли ҳақида оммавий ахборот воситалари (матбуот, радио, телевидение) намойиш этиш учун миллий дастур ишлаб чиқариш.											
2.2.2. Биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишнинг асосий турларини жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини кенг жамоатчилик, маҳаллий маъмурият ва аҳолини стратегияни амалга оширишга ва ундан кейинги даврда хабардор қилиш орқали таъминлаш.											
2.2.3. Маҳаллий аҳолини хабардор қилиш бўйича қўлланма ва дастурлар ишлаб чиқиш.											
<b>2.3. Таълим.</b>											
2.3.1. Экологик таълим соҳасида жорий фаолият ва ташаббусларни аниқлаш.											
2.3.2. Олий, ўрта ва ўрта махсус таълимдаги камчилик ва муаммоларни аниқлаш мақсадида экспертлар гуруҳи ва маслаҳатчилар гуруҳини ташкил этиш.											
2.3.3. Биологик хилма-хилликни сақлаш масалалари бўйича таълим. Миллий Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тадбирларини аниқлаш.											
2.3.4. Биологик хилма-хилликни сақлаш масалалари бўйича таълим миллий дастурини амалга ошириш.											

<b>2.4. Аҳолининг иштироки</b>														
2.4.1. Экологик ахборот буйича нодавлат ташкилотлар ва кунунчилик.														
2.4.2. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг ривожланишини режалаштиришда аҳолининг иштироки														
2.4.3. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва биологик хилма-хилликни қўллаб-қувватлаш буйича маҳаллий гуруҳлар ва уюшмалар.														
<b>3. Биохилма-хиллик заҳрирасидан бариарор фойдаланиш.</b>														
Бўлимнинг мақсади: Биологик хилма-хиллик заҳираларидан назоратли фойдаланиш орқали Ўзбекистон аҳолисининг иқтисодий, илмий, дам олиш ва маданий эҳтиёжларини юқори даражада қондиришга эришиш.														
<b>3.1. Иқтисодий мақсадларда бариарор фойдаланиш.</b>														
3.1.1. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимида барқарор фойдаланиш механизмларини ривожлантириш: биологик хилма-хилликни сақлашни таъминловчи, биологик заҳиралардан барқарор фойдаланишнинг услуб ва механизмларини яхшилаш ва янгилаш.														
3.1.2. Ўзбекистонда биологик заҳиралардан иқтисодий мақсадларда фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш.														
3.1.3. Биологик заҳиралардан бариарор фойдаланиш ва фойдани адолатли тақсимлаш буйича Асосий дастурни яхшилаш ва қабул қилиш.														
3.1.4. Тадқиқотларни кўчатириш ва ривожлантиришни тезлаштиришни талаб қилувчи устувор соҳаларни аниқлаш.														
3.1.5. Барқарор фойдаланиш ва фондани адолатли тақсимлаш буйича Асосий дастурни яхшилаш ва қабул қилиш.														
<b>3.2. Илмий-тадқиқот ва таълим мақсадларида фойдаланиш.</b>														
3.2.1. Биологик хилма-хиллик, хусусан, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлардан илмий ва таълим мақсадларида фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, асосий муаммолар ва чекланишларни аниқлаш ва ундан ушбу мақсадларда фойдаланишнинг максимал афзалликлари буйича тавсиялар бериш.														
3.2.2. Қишлоқ хўжалиги биологик хилма-хиллиги. Қишлоқ хўжалиги биологик хилма-хиллиги аҳамиятини баҳолаш учун экспертлар гуруҳини ташкил этиш, уни сақлаш ва фойдаланиш буйича дастур яхшилаш ва қабул қилиш.														
3.2.3. Биотехнология ва биофармацевтика. Биотехнология ва биофармацевтиканинг ривожланишини баҳолаш ва унинг тараққиёти юзасидан тавсиялар тайёрлаш буйича														

экспертлар гуруҳини ташкил қилиш.													
<b>3.3. Биохилма-хилликдан маданий ва дам олиш ма<sup>1</sup>садларида фойдаланиш.</b>													
3.3.1. Дам олиш эҳтиёжларини баҳолаш. Ҳозирги ва келажак дам олиш эҳтиёжларни ва биологик хилма-хиллик ва манзаралар жихатидан ушбу эҳтиёжларни кондиришда алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва бошқа районлар ўйнаган ролни аниқлаш.													
3.3.2. Ҳозирги ва келажак рекреацион эҳтиёжларнинг биологик хилма-хилликка таъсирини баҳолаш, фойдани ошириш ва зарарни камайтириш услублари ва механизмларини аниқлаш.													
3.3.3. Алоҳида маданий қийматга эга бўлган экологик тизимлар, ўсимлик турлари, ҳайвонлар ва манзараларни аниқлаш.													
<b>4. Биохилма-хиллик бўйича маҳаллий режалар.</b>													
Бўлимнинг мақсади: биологик хилма-хиллик бўйича ҳаракатлар Режаси доирасида вилоятлар (Қорақалпоғистон республикаси) ҳаракатлар режаларини маҳаллий талаблар ва муаммоларни эътиборга олган ҳолда тузилишини таъминлаш.													
4.1. Ҳудудий ва маҳаллий даражада зарур ташкилий тизимлар яратиш.													
4.2. Биологик хилма-хилликни баҳолаш. Биологик хилма-хилликнинг ҳолатини, макомини ва аҳамиятини вилоят (Қорақалпоғистон республикаси) даражасида аниқлаш.													
Вилоятлар (Қорақалпоғистон республикаси) ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Ўтказилган баҳолаш, миллий стратегия ва ҳаракатлар режаси асосида зарур ҳаракатларни, маъсул институт ва ташкилотларни, тахминий молияланиш ҳамда ижро муддатларини баён этувчи вилоятлар (Қорақалпоғистон республикаси) ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқиш.													
<b>3. Биохилма-хиллик бўйича халқаро алоқалар ва ўзаро ёрдамни мувофиқлаштириш.</b>													
Бўлимнинг мақсади: биологик хилма-хиллик бўйича халқаро ва минтақавий қонунчилик ва битимлар билан боғлиқ профессионал ва бошқарув масалалари юзасидан ташкилий тизим яратиш (Биологик хилма-хиллик бўйича конвенция, Рамсар конвенцияси, СИТЕС ва бошқалар)													
5.1. Биологик хилма-хиллик бўйича халқаро алоқалар бўлимини ташкил қилиш.													
5.2. Халқаро қонунчилик ва битимлар (конвенция)													
5.3. Биологик хилма-хиллик бўйича Стратегия ва ҳаракатлар Режасини амалга оширишда донорлик ёрдами ва уни мувофиқлаштириш.													

Изоҳ: Ижрочи ташкилотлар ва ишларни молиявий таъминланиши биологик хилма-хиллик бўйича Миллий Комиссия Томонидан ишчи тартибда аниқланади.

## Географик ва ижтимоий-иқтисодий таркиб

29. Жадвал. Хўайдаланадиган ерларни асосий экинлар бўйича тақсимлаш.

Экин турлари	Экин майдони (минг га)				
	1960	1970	1980	1985	1990
Пахта	1387	1709	1878	1990	1721
Донлилар	895	1160	1174	969	1080
Ем-хашак	607	452	722	888	1066
Картошка	28	21	23	26	40
Сабзавот	38	53	104	108	166
Полиз	42	46	52	53	83
Бошқачар	42	35	41	47	45
Жами	3038	3476	3995	4080	4194

30. Жадвал. Яйловларнинг турлари ва тақсимланиши

Вилоят	Яйлов-нинг умуний майдони минг га	Яйлов турлари							
		Чўл (текислик)		Адирлар (тоғолди)		Тоғлар		Яйлов (баланд тоғлик)	
		май-дон	%	май-дон	%	май-дон	%	май-дон	%
Қорақалпо-ғистон (Устюртсиз)	3285,5	3285,5	100						
Андижон	224,1	8,6	2,8	25,6	11,4	122,6	54,7	67,3	30,0
Бухоро	12857,2	12753,4	99,2	102,8	0,8	-	-	-	-
Жиззах	1260,0	379,3	30,1	754,7	59,9	115,9	9,2	10,1	0,8
Қашқадарё	1958,8	644,2	32,9	971,2	49,6	248,6	12,7	94,8	2,8
Наманган	350,1	31,5	9,0	77,5	22,1	147,4	42,1	93,7	26,8
Самарқанд	1353,2	407,4	30,1	878,3	64,9	56,8	4,2	10,8	0,8
Сурхондарё	1149,8	167,9	14,6	731,3	63,6	103,5	9,0	147,1	12,8
Сирдарё	116,9	116,9	100	-	-	-	-	-	-
Тошкент	595,2	9,5	1,6	309,5	52,0	147,7	23,8	134,5	22,3
Фарғона	245,6	9,8	4,0	17,4	7,1	218,4	88,9	-	-
Хоразм	1064,2	1064,2	100	-	-	-	-	-	-
Жами	24459,7	18878,1	77,2	3868,3	15,8	1154,9	4,7	558,3	2,3
Устюрт платоси	5134,0	5134,0	100	-	-	-	-	-	-
Жами	29583,6	24012,1	88,6	3868,3	13,1	1154,9	3,9	558,3	1,9

31. Жадвал. Ўзбекистон сугориш тизимлари ва уларнинг баҳоланган самарадорлиги

Дарё ^авзаси	Сугориш усули бўйича сугориладиган майдон. минг га.				Жўяклар сугориш. умумий майдон-дан % ^исобида	Жўяклар сугориш-нинг ба-^оланган самара-дорлиги
	Жўяклар	Томчилаб	Пуркаб	Жами		
Амударё	157,0	1,8	0,6	159,3	98,5	68
Сирдарё	183,3	2,1	4,4	190,8	96,6	62
Ўзбекистон бўйича жами	341,2	3,9	5,0	350,2	97,4	65

Жойлашуви ва номи	Май-дони (кв.км.)	Унумдорлиги кг / га / йил.		Умумий унумдор-лиги т/йил	Турлар сони	
		Фактик	Потен-циа.\\		Умумий	Фойда-лани-лаётган
Айдар-Арнасой	3000-4000	12-18	30-40	52500	28	15
Қорақалпоғистон						
Даутқўл	50	17-28	30-40	1125	>30	14
Аязқўл	90	1-3	15-20	180		
Акекақўл	40	1-4	15-20	120		
Хўжақўл кў.\\лар тизими	47	12-20	30-40	1034		
Қоражар	111	7-14	20-30	1165.5		
Бўтакўл	20	24-30	30-50	540		
Мақпа,\\қўл	26	28-30	40-50	754		
Думалоқ	30	14-30	40-50	660		
Отақўл	20	7-15	20-40	220		
Междуреченск	75	20-30	40-50	1875		
Судочи	157	5-15	18-20	1570		
Ташапенқўл	5	4-11	15-18	37.5		
Қоратеран	40	4-15	30-40	380		
Мўйноқ суви	97	7-12	40-50	1358		
Сарбос кана.я	40	6-15	40-50	420		
Жалтирбос канали	120	2-15	20-25	1020		
Сарикамиш кў.\\и	480		15-20	-		
<b>Жами Қорақалпоғистон бўйича</b>	<b>1448</b>			<b>12459</b>	<b>&gt;30</b>	<b>14</b>
<i>Хоразм вилояти</i>						
Туямўйин	295	1,5-3.9	10-12	796	38	21
У.\\и-Шарқўл	20	40-60	90	1000		
Зейқўл	15	2,3-11.8	20-40	15.75		
Об.\\қўл	12	11.2-23,2	20-40	207		
Бўриётоғ	8	6.6-15	20-35	86.4		
Тозақўл	8	19-25	20-40	176		
Дарёланг	6	3.8-4,1	20-40	23.7		
Оцқўл	5	3,5-15,7	15-35	48		
Экчиар	5	7,4-41,4	20-40	122		
Шарқўл	4	22-30	20-40	106		
Мешек.ш	3	22-30	20-40	78		
<b>Жами Хоразм бўйича</b>	<b>381</b>			<b>2659,35</b>	<b>38</b>	<b>21</b>
<i>Навоий вилояти</i>						
Тўдақўл	170	20-35	30-60	4675	34	10
Шарқўл	45	12-20	30-60	990	23	14
<b>Жами Навоий бўйича</b>	<b>215</b>			<b>5665</b>		
<i>Самарқанд вилояти Каттақўрғон</i>						
	80	1-25.3	18-40	1052	21	8
<i>Жиззак вилояти</i>						
Жиззах кў.ш	12	6.2-33.4	20-35	237.6		
<i>Бухоро вилояти</i>						
Денгизқўл	250	2-12.5	20-30	1812,5	32	18
Қорақир	100	1.7-4	12-20	285		
Айгатима	70	15.2-27,9	20-30	1508,5		
Тузган	57	10-10.9	15-25	595,7	35	17
<b>Жами Бухоро бўйича</b>	<b>477</b>			<b>4201,7</b>		
<i>Сурхондарё вилояти</i>						
Жанубий Сурхон	65	9-12.6	20-30	702	19	11
Оқтепа	17	3,1-19,9	20-30	195,5	—	
Амузланган кў.\\лар тизими	15	2,8-12,9	15-25	117.75		
<b>Жами Сурхондарё бўйича</b>	<b>97</b>			<b>1015,25</b>		
<i>Қашқадарё вилояти</i>						
Чимқўрғон	49	7,2-30	20-40	911,4	25	10
Талимаржон	77	1,3-3.2	25-30	173,25	31	16
Очин	25	1-3	15-30	50	.	
<b>Жами Қашқадарё бўйича</b>	<b>151</b>			<b>1134,65</b>		
<i>Тошкент вилояти</i>						
	400	1.5-2	12-15	700	10	4
<b>Жами кўрсаткич</b>	<b>3261</b>					

## Орол денгизи интродуцияси таърифи.

Ярми Ўзбекистонда (Қорақалпоғистон), ярми Қозоғистонда жойлашган ушбу кўл 60-йилларгача юзаси 66000 кв.км. ва ҳажми 1000 куб.км. майдонга эга эди. Сув сатҳининг барқарорлиги денгиз юзасидан бўладиган буғланиш (60 куб.км атрофида) ва Амударё ва Сирдарё сувларининг қуйилиши ҳамда ёғин-сочинлар (60 куб.км.) орасидаги муътадиллик билан сақланар эди. 1960-80 йиллар оралигида барча ерларда, асосан пахта устириш мақсадларида, суғориш тизимининг ривожланиши, икки дарё сувининг кўп қисми суғориладиган майдонларга оқизила бошлади. Бу сувнинг кўп ҚИСМИ буғланиш, ер ости сувларига утиш ва суғориш-сизот сувларининг чўллардаги пастқамликларга оқизилиш натижасида дарёга қайтиб қуйилмади. Натижада дарё сувининг Оролга қуйилиши бошланғич сув ҳажмига нисбатан 30 %га камайди ва оқибатда денгиз сатҳи 16 метрга пасайди. Ҳозирда Орол майдони унинг дастлабки ўлчамининг тахминан ярмини ташкил қилади ва 2 қисмга бўлинган, бири Жанубдан Амударёдан сувидан, иккинчиси шимолда (Қозоғистон) Сирдарё сувидан тўйинади. Баҳоланган маълумотларга кўра, ҳатто Оролга сувнинг қуйилиши, ҳисоботларга кўра, кўпайган тақдирда ҳам унинг чуқурлиги илгаригидек йилига 2-3 смга пасаймоқда.

Бунинг бевосита натижаси денгиз суви шўрланишининг 10 % дан 30 % гача ортишида, собиқ денгиз туби ва табора куриб бораётган дарё дельталари ўрнида юқори даражада шўрланган тахминан 20000 кв.км майдонга эга бўлган чўлнинг пайдо бўлишида намоён бўлмоқда. Ушбу бевосита оқибатлар сув ва ердан ноўтўғри фойдаланишнинг атроф муҳитга тўғридан-тўғри таъсири билан биргаликда комплекс оқибатларга, жумладан, экологик, иқлимий, иқтисодий, ижтимоий олиб келди ва соғлиқни сақлаш муаммоларини туғдирди. Орол тарихан ўзининг ўлчамлари жиҳатидан ўзгариб турган, бироқ ҳеч қачон ушбу ўзгаришлар ( 20 йилдан кам даврда) бундай йирик даражага етмаган ёки инсон фаолиятининг бошқа соҳалари билан биргаликда содир бўлганки, бунда экологик тизимлар, тирик мавжудотлар ва ўсимлик дунёсининг адекват равишда мослашишга ҳолат бўлмаган. Оролда азалдан яшаган 24 хил балиқдан ҳозир фақат 4 туригина қолди. Дарёларнинг экологик бой дельталари, чўлларнинг ботқоқланган пастликлари ҳолати тезлик билан ёмонлашмоқда. Табиий ўсимликлар, айниқса тўқайзорлар қишлоқ хўжалиги мақсадларида ёки ўриб ташланди ёки сув режимининг ўзгариши оқибатида нобуд бўлмоқда. Иқтисодий жиҳатдан Оролнинг куриши ҳудуд ва унинг аҳолисини йилига тутиладиган 40000 тонна балиқдан, денгиз ва дарё транспортидан, меҳнат билан таъминланишдан маҳрум қилди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини пасайтиришга олиб келди. Маҳаллий иқлимнинг ўзгариши ёзда юқори ҳароратли, қишда ўта совик бўлган тажовузкор иқлимни юзага келтирди. Денгизнинг куриган тубидан кўтарилган тузли кум бўрони ерларни ифлослантирмоқда ва инсон ва жайвонлар соғлиғига бавосита таъсир қилмоқда. Саломатликка шунингдек сув билан таъминланишнинг ёмонлики ва сифати ҳам таъсир қиляпти.

## Ўзбекистан биохилма-хиллиги

33. Жадвал. Асосий таксономии гуруҳлар: Ўзбекистон, МДХ ва умуман жаҳон бўйича қийсий

Номи	Турларнинг сони		
	Дунё бўйича	МДХда	Ўзбекистонда
<b>PROCARYOTA</b>			
BAKTERIA	4600		1942
GRACILICUTES			
FIRMICUTES			
TENERICUTES			
ARCHAEBACTERIA	40		7
MENDOSICUTES	40		
VIRA	5000		200
<b>EUCARYOTA</b>			
NIMALIA	1585000		15100
PROTOZOA	40000		870
SARCOMASTIGOPHORA	18000		400
(SARCODINA)	11000		150
Lobosea	2000		150
(MASTIGOPHORA)	7000		250
Phytomastigina	3000		100
Zoomastigina	4000		150
SPOROZOEА	4000		250
Coccidea	3000		150
Gregarina	1000		100
MYXOZOA	700		30
MIKROSPORA	900		50
INFUSORIA	7000		135
Ciliata	6500		130
Suctoria	500		5
MENAZOA	1545000	96000	13400
PORIFERA	9000	400	10
Dtmospongiae	2000	300	10
Cornacuspongida	1500	250	10
CNIDARIA	9000	500	4
Hydrozoa	2800	300	4
Hydrida	10	5	3
Leptolida	2500	280	1
PLATHELMINTHES	20000	940	300
Turbellaria	3000	200	30
Tremotoda	5000	300	<b>ПО</b>
Monogenea	2200	160	50
Cestoda	3000	280	130
NEMATHELMINTHES	23000	2800	930
Nematodes	20000	2000	800
Nematomorpha	300	30	20
Acanthocephala	500	70	10
Rotatoria	2000	700	100
ANNELIDES	15000	1300	61
Polychaeta	7000	750	1
Olygochaeta	5000	400	50
Hirudinea	400	80	10
TENTACULATA	4300	350	8
Bryozoa	4000	300	8

MOLLUSCA	130000	3000	140
Gastropoda	90000	2000	120
Bivalvia	20000	600	20
TARDIGRADA	300	140	10
ARTHROPODA	1100000	86000	11300
(CHELICERATA)			
Arachnoidea	60000	3600	800
Scorpiones	750	15	10
PseudOscorpiones	1300	40	8
Solifugae	700	50	20
Opiliones	4000	110	5
Aranei	30000	1200	300
Acariformes	15000	1000	160
Parasitiformes	10000	800	100
Opilioacarina	50	5	1
(BRANCHIATA)			
Crustaceae	32000	1350	235
Phyllopoda	560	150	65
Anostraca	180	20	1
Ostracoda	2000	120	50
Copepoda	6000	250	80
Branchiura	60	10	1
Amphipoda	4500	200	5
Isopoda	4500	220	25
Decapoda	8500	280	5
Mysidacea	500	100	3
(TRACHEATA)			
(Myriapoda)	53000	1000	33
Paupoda	350	20	2
Symphyla	150	10	1
Diplopoda	50000	280	10
Glomerida	300	15	3
Polydesmida	15000	80	2
Julida	20000	160	5
Chilopoda	3000	300	20
Lithobiomorpha	800	130	7
Geophilomorpha	1000	150	8
Scolopendromorpha	900	10	3
Scutigeraomorpha	300	3	2
(Insecta)	950000	80000	10170
Entognatha	10500	500	14
Protura	220	30	1
Collembola	10000	350	10
Diplura	200	20	3
Ectognatha	940000	79500	10142
Thysanura	400	40	10
Ephemeroptera	2500	300	30
Odonatoptera	4500	200	80
Blattoptera	4000	55	30
Mantoptera	2000	50	10
Isoptera	2600	7	3
Plecoptera	2000	350	25
Embioptera	200	2	1
Phasmoptera	2500	8	5
Orthoptera	20000	700	400
Dermaptera	1300	26	8
Psocoptera	1500	70	10
Mallophaga	2500	400	30
Anoplura	300	40	30
Homoptera	35000	4000	900
Hemiptera	35000	2500	700
Thysanoptera	4500	360	140
Coleoptera	300000	5000	3000
Raphidioptera	180	30	8
Neuroptera	3500	350	140
Mecoptera	500	35	2

Trichoptera	3000	300	50
Lepidoptera	150000	15000	1500
Hymenoptera	130000	15000	1500
Aphaniptera	1000	400	80
Diptera	120000	10000	1500
CHORDATA	45000	2500	664
(VERTEBRATA)	43000	1800	664
(Pisces)	22000	500	83
Osteichthyes	21200	490	83
Acipenseriformes	25	14	5
Clupeiformes	331	5	1
Cypriniformes	2422	120	508
Salmoniformes	320	40	6
Cyprinodontiformes	845	1	2
Atheriniformes	235	2	1
Gasterosteiformes	10	4	1
Scorpaeniformes	1160	80	7
Perciformes	7791	64	13
Pleuronectiformes	538	45	1
Amphibia	2300	34	2
Anura	1800	23	2
Reptilia	6750	147	58
Testudines	250	7	1
Squamata	6500	140	57
Aves	9672	764	424
Gaviiformes	5	5	2
Podicipitiformes	21	5	5
Pelecaniformes	55	12	4
Ciconiiformes	118	24	12
Phoenicopteriformes	3	1	1
Anseriformes	150	58	35
Falconiformes	290	55	40
Galliformes	269	21	7
Gruiformes	200	24	13
Charadriiformes	300	134	70
Columbiformes	269	18	12
Cuculiformes	149	6	3
Strigiformes	144	18	8
Caprimulgiformes	104	3	2
Apodiformes	265	5	5
Coraciiformes	162	11	5
Piciformes	379	15	2
Passeriformes	5100	337	203
Mammalia	4327	332	97
Insectivora	367	42	5
Chiroptera	650	40	19
Kagomorpha	61	13	2
Rodentia	1597	150	40
Carnivora	232	44	23
Artiodactyla	159	24	8
FUNGI	18000		1953
PLANTAE	250000		8000
RHODOBIONTA			J
PHYCOBIONTA	16200		4146
EMBRYOBIONTA	30000		4500

Таксон	Келиб чиқиши
Синф: Osteichthyes	
Бўлим: Acipenseriformes	
Acipenseridae	
1. <i>Acipenser nudiventris</i> .....	Абориген
2. <i>A. stellatus</i> .....	Иқлимга мослаштирилган
3. <i>Pseudoscaphirhynchus fedchenkoi</i> .....	Абориген
4. <i>P. kaufmanni</i> .....	Абориген
5. <i>P. hermanni</i> .....	Абориген
Бўлим: Clupeiformes	
1. <i>Clupea harrenghas membras</i> .....	Иқлимга мослаштирилган
Бўлим: Salmoniformes	
Salmonidae	
1. <i>Salmo gairdneri</i> .....	Иқлимга мослаштирилган
2. <i>S. trutta oxianus</i> .....	Абориген
3. <i>S. ischchan</i> .....	Иқлимга мослаштирилган
Coregonidae	
1. <i>Coregonus sardinella</i> .....	Иқлимга мослаштирилган
2. <i>C. peled</i> .....	Иқлимга мослаштирилган
Бўлим: Esociformes	
1. <i>Esox lucius</i> .....	Абориген
Бўлим: Cyprinodontiformes	
Poeciliidae	
1. <i>Gambusia affinis</i> .....	Иқлимга мослаштирилган
Oryziatidae	
1. <i>Oiyzias latipes</i> .....	Иқлимга мослаштирилган
Бўлим: Cypriniformes	
Cyprinidae	
1. <i>Hypophthalmichthys molitrix</i> .....	Иқлимга мослаштирилган
2. <i>Aristichthys nobilis</i> .....	Иқлимга мослаштирилган
3. <i>Carassius auratus</i> .....	Абориген
4. <i>Cyprinus carpio</i> .....	Абориген
5. <i>Schizothorax intermedius</i> .....	Абориген
6. <i>Schizopygopsis stoliczkaei</i> .....	Абориген
7. <i>Diptychus maculatus</i> .....	Абориген
8. <i>D. dybowskii</i> .....	Абориген
9. <i>D. sewerzovi</i> .....	Абориген
10. <i>Pelecus cultratus</i> .....	Абориген
11. <i>Hemiculter leucisculus</i> .....	Тасодифан олиб келинган
12. <i>Carpoetobrama kuschakewitschi</i> .....	Абориген
13. <i>Parabramis pekinensis</i> .....	Тасодифан олиб келинган
14. <i>Abramis sapa</i> .....	Абориген
15. <i>A. brama orientalis</i> .....	Абориген
16. <i>Chalcalburnus chalcoides aralensis</i> .....	Абориген
17. <i>Alburnoides bipunctatus eichwaldi</i> .....	Абориген
18. <i>A. taeniatus</i> .....	Абориген

19.	<i>A. oblongus</i> .....	Абориген	
20.	<i>Rhodeus ocellatus</i> .....	Тасодифан	олиб келинган
21.	<i>Scardinius erithrophthalmus</i> .....	Абориген	
22.	<i>Phoxinus phoxinus</i> .....	Абориген	
23.	<i>Aspius aspius taeniatus</i> .....	Абориген	
24.	<i>Aspioludus esocinus</i> .....	Абориген	
25.	<i>Opsariichthys uncirostris amurensis</i> .....	Тасодифан	олиб келинган
26.	<i>Pseudorasbora parva</i> .....	Тасодифан	олиб келинган
27.	<i>Rutilus rutilus araiensis</i> .....	Абориген	
27a.	<i>R. r. bucharensis</i> .....	Абориген	
28.	<i>Leuciscus idus oxianus</i> .....	Абориген	
29.	<i>Leuciscus lehmanni</i> .....	Абориген	
30.	<i>L. squalisculus</i> .....	Абориген	
31.	<i>Mylopharingodon piceusp</i> .....	Иқлимга	мослаштирилган
32.	<i>Ctenopharingodon idella</i> .....	Иқлимга	мослаштирилган
33.	<i>Gobio gobio lepidolaemusp</i> .....	Абориген	
34.	<i>Pseudogobio rivularisp</i> .....	Тасодифан	олиб келинган
35.	<i>Tinea tinea</i> .....	Иқлимга	мослаштирилган
36.	<i>Varicorhinus capoeta heratensisp</i> .....	Абориген	
37.	<i>Barbus brachicephalus</i> .....	Абориген	
38.	<i>B. capito conocephalus</i> .....	Абориген	

#### Cobitidae

1	<i>Cobitus aurata araiensis</i> .....	Абориген	
2.	<i>Nemachilis malapterurus longicauda</i> .....	Абориген	
3.	<i>N. oxianus</i> .....	Абориген	
4.	<i>N. amudariensis</i> .....	Абориген	
5.	<i>N. kuschakevitschi</i> .....	Абориген	
6.	<i>N. pardalis</i> .....	Абориген	
7.	<i>N. dorsalis</i> .....	Абориген	
8.	<i>N. labiatus</i> .....	Абориген	
9.	<i>N. stoliczkai</i> .....	Абориген	
10.	<i>N. strauchi</i> .....	Абориген	

#### Бўлим: Siluriformes

##### Siluridae

1.	<i>Silurus glanis</i> .....	Абориген	
----	-----------------------------	----------	--

##### Sisoridae

1.	<i>Glyptosternum reticulatum</i> .....	Абориген	
----	----------------------------------------	----------	--

#### Бўлим: Gasterosteiformes

##### Gasterosteidae

1.	<i>Pungitius platygaster araiensis</i> .....	Абориген	
----	----------------------------------------------	----------	--

#### Бўлим: Perciformes

##### Percidae

1.	<i>Gymnocephalus cernua</i> .....	Абориген	
2.	<i>Stizostedion lucioperca</i> .....	Абориген	
3.	<i>Perca fluviatilis</i> .....	Абориген	
4.	<i>P. schrenki</i> .....	Иқлимга	мослаштирилган

##### Gobiidae

1.	<i>Rhinogobius similis</i> .....	Тасодифан	олиб келинган
2.	<i>Potamoschistus caucasicusp</i> .....	Тасодифан,	олиб келинган
3.	<i>Proterorhinus marmoratus</i> .....	Тасодифан	олиб келинган

- |                                        |           |      |          |
|----------------------------------------|-----------|------|----------|
| 4. <i>Neogobius melanostomus</i> ..... | Тасодифан | олиб | келинган |
| 5. <i>N. fluviatilis</i> .....         | Тасодифан | олиб | келинган |
| 6. <i>N. kessleri</i> .....            | Тасодифан | олиб | келинган |
| 7. <i>N. syrman</i> .....              | Тасодифан | олиб | келинган |

Eleotriidae

- |                                      |           |      |          |
|--------------------------------------|-----------|------|----------|
| 1. <i>Hypseleotris cinctus</i> ..... | Тасодифан | олиб | келинган |
|--------------------------------------|-----------|------|----------|

Channidae

- |                                            |           |      |          |
|--------------------------------------------|-----------|------|----------|
| 1. <i>Channa argus warpachowskii</i> ..... | Тасодифан | олиб | келинган |
|--------------------------------------------|-----------|------|----------|

Бўлим: Scorpaeniformis

Cottidae

- |                                          |          |
|------------------------------------------|----------|
| 1. <i>Cottus gobio jaxartensis</i> ..... | Абориген |
| 2. <i>C. nasalis</i> .....               | Абориген |
| 3. <i>C. spinulosus</i> .....            | Абориген |

Бўлим: Pleuronectiformes

Pleuronectidae

- |                                           |         |                |
|-------------------------------------------|---------|----------------|
| 1. <i>Platichthys flesus luscus</i> ..... | Иқлимга | мослаштирилган |
|-------------------------------------------|---------|----------------|

Бўлим: Atheriniformes

Atherinidae

- |                                        |         |                |
|----------------------------------------|---------|----------------|
| 1. <i>Atherina boyeri caspia</i> ..... | Иқлимга | мослаштирилган |
|----------------------------------------|---------|----------------|

## Ноёб ва йу<sup>1</sup>олиб бораётган хайвон турлари (турдошлар) рўйхати

### СУТЭМИЗУВЧИЛАР- МАММАЛИА

1. Узун бармокли туншпалак.

*Landshwanziges Mausohr*

3 тоифа. Ноёб, кам ўрганилган, йирик учувчи сичқон. Самарқанд атрофидаги ғорлар ва штольняларда яшаган. Тўдалар сони 100 дан 500 тагача. Ҳозирги ҳолати ўрганилмаган.

2. Шалпангк<sup>1</sup>ль; кўршапалак.

*Bulldog Fledermaus Free-tailed Bat*

3 тоифа . Ноёб камўрганилган учувчи сичқон. Боботоғ қояларида тарқа\ган, Ғарбий Тянь-Шанда биттаси топилган. 20-30 бошдан иборат кичик тўдаларда жарлик ва қояларда яшайди. Кам ўрганилган.

3. Қўнгир айик.

*Brown Bear (Thien Than)*

4 тоифа. Унинг сони замонавий майдонга барқарорлашган. Ғарбий Тянь-Шан, Помир-Олой ТЎғ тизмаларида яшайди. Баъзи жойларда унинг сони ортмоқда. Умумий миқдори 600 бошгача. СИТЕСнинг 1 Иловасига кири-тилган.

4. Ҳинд аса,\хўри.

*Honey Badger*

3 тоифа. Ноёб тур, ареалнинг шимолий чет қисмида яшайди. қорақалноғистоннинг жанубий-тарбий қисми чўлидаги жарлик ва чуқурликда ҳаёт кечиради. Ҳамма жойда кам санокли.

5. Ўрта Осиё кундузи.

*Centralasian Otter.*

3 тоифа. Ноёб, сони камайиб бораётган тур. Амударёнинг юқори қисми ва Помир-Олой бассейнининг тоғ дарёларида тарқалган. Кам сонли, умумий миқдори 150 бошгача. СИТЕСнинг 1 Иловасига киритилган.

6. Дўлта сиртлон.

*Striped hyena.*

О тоифа. Йўқолиш арафасида турган тур. Кўхитанг, Амударёнинг юқори оқими, Боботоғ тизмасида яшаган. У ҳақдаги маълумотлар ҳозирча чекланган.

7. Қоплон.

*Leopard Panther.*

О тоифа. Ута ноёб тур, йўқолиш хавфи остида турибти. Кўхитанг ва Боботоғда олдин учраган. Вир неча бош қоплон қолган бўлиши эҳтимол. МСОП нинг Қизил китоби (1 тоифа) ва СИТЕС нинг 1 Иловасига киритилган.

8. Қорақу,\ок.

*Caracal.*

